

R 496
1986/12









ГУЛИСТОН

12
1986


4







Навоийлик ишчилар



Тошкент Трактор заводидаги роботлар цехида.
Р. Шагаев фотолари (ЎзТАГ)

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА

ЖАДАЛЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

ГБ УзССР Ж

ЖАДАЛЛАШТИРИШ жараёни ҳаётимизнинг ҳамма томонларини қамраб олаётир. Кишиларимизнинг ўй-фикрлари, юриш-туришлари, меҳнат фаолиятлари янгича муносабат, янгича мазмун билан бойиб бормоқда. Айниқса партиямизнинг XXVII съездидан сўнг ижтимоий ҳаётда рўй бераётган чуқур ўзгаришлар, инсон омилининг куч-қудрати, тараққиётни жадаллаштириш, қайта қуриш жараёни ва барча соҳаларда таъминлаб борилаётган ошкоравийлик кишиларимизда меҳнат фаолиятини кучайтирмоқда, турмушимизга зид бўлган иллатлар илдизини қуритмоқда.

— Қайта қуриш жараёни мамлакатимиз миқёсида инқилобий тус олаётганлигини бизнинг меҳнат коллективи фаолияти мисолида ҳам ёркин тасаввур этиш мумкин, — дейди Тельман номидаги Бухоро трикотаж фабрикаси партия ташкилотининг секретари Муккаррам Иброҳимова. — Янгиланиш ва ўзгаришлар руҳи кишиларимизнинг меҳнатга муносабатигагина эмас, балки фабрика жамоат ҳаётидаги, маданий-маиший турмушдаги фаоллигига ҳам изчил сингиб бормоқда.

Фабрикада жадаллаштириш ва қайта қуриш борасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишар эканмиз, коммунистлар етакчисининг сўзлари қўлга киритилаётган самаралар билан нечоғлик уйғун эканлиги билан қизиқдик. Лекин биз ҳам анъанавий йўлдан чекиниб, меҳнат коллективи ҳаёти билан танишувни фабрика қошидаги болалар боғчасидан бошладик.

Боғча трикотаж фабрикасининг шундоқ қина ёнбошида жойлашган. 260 ўринли бу маскан бир неча гектар майдонни эгаллаган бўлиб, мевазор боғлари, гулзорлари, лимонарийси, сув ҳавзалари, кичкинтойлар ўйнаб-кулиб яйрайдиган майдончалари, дарахтлари оралаб шилдираб оқиб турган ариқчалари билан файзли ва оромбахш. Икки қаватли боғча биноси кенг айвонлари, ёп-ёруғ хоналари билан бу ерга ҳар куни ташриф буюрадиган ота-оналар руҳиятига ажиб енгиллик бахш этади. Йўлкалар ва ётоқхоналарнинг тоза-озодалиги, саранжом-саришталиги айни муддао.

«Лола» деб аталган болалар боғчасининг жонкуяр тарбиячилари — Саида Раҳматуллаева (мудира), Саломат Собирова, Роза Тошпўлатова, Мунаввар Ғуломова ва бошқалар деярли йигирма йилдан буён ўз тақдирларини ана шу ерда болалар боғчаси билан чамбарчас боғлаганлар.

— Ишда унум ва самара бўлиши учун энг аввало ота-оналарнинг кўнгли тинч бўлиши керак, — дейди катта тарбиячи Мунаввара Ғуломова. — Буни биз, тарбиячилар, яхши ҳис қиламиз. Болага муомала — ота-онага, яъни ишчига, хизматчига, меҳнат кишисига муомала демак. Узаро иззат-икром ва ҳурмат шундай йўл билан қарор топади. Сафимизга қўшилаётган ёш тарбиячиларга ҳам энг яхши хислатларни сингдириб бораётганимиз боиси шундан.

Қуюқ дарахтзорлар қўйнидаги майдончалардан болаларнинг шодон кулгиси, жарангдор овозлари, шўх-шўх қўшиқлари эшитилади. Ўша томон ошиқамиз. Ёшига яраша группаларга ажратилган кичкинтойлар тинчлик ҳақида, Ватан ва она ҳақида, қувноқ болалик, мусаффо осмон, ям-яшил ўтлоқлар ҳақида куйлайдилар, ўйнайдилар, армонсиз яйраб-қувнайдилар.

Боғчага яраша майдончада қад кўтарган лимонарийга кирамиз. Парник устаси Даврон Ғуломов меҳр билан парвариш қилган мевалар, гулларни кўрсатиб: «Ҳаммаси болаларга!» дейди самимият билан.

Болалар боғчасидан ташқарида янги қурилган икки қаватли бинога кўзимиз тушади. Қурувчилар сўнгги пардозлаш ишлари билан машғул.

— Бу ҳам болаларга, — дейди ички қувончини яширолмай Мунаввара Ғуломова.

— Гап шундаки, — дея аниқлик киритади Муккаррам Иброҳимова, — бир минг бир юз кишилик меҳнат коллективимиздан тўққиз юз саксон киши — хотин-қизлар, уларнинг кўпи эса ёш келинлар. Уларни фаол меҳнатга жалб этиш учун чақириқлар билангина кифояланиб қолишнинг ўзи бўлмайди. Уларга маданий-маиший шароит яратиш лозим. Биз бошқа бир нарсани ҳам эътиборга олмаслигимиз мумкин эмас. Гап шундаки, фабрикамиз шаҳар чеккасида жойлашган. Ишчиларни Бухоро шаҳридан ташқари Бухоро районининг «Правда», «Ленин йўли» колхозларидан ҳам жалб этганмиз. Улар ишга кўнгил қўйиб, бутун имкониятларини сафарбар этиб меҳнат қилишлари учун яна 250 ўринли болалар боғчаси қурилиши талаб қилинди. 50 ўринли профилактория қурилишига рухсат олинди. Ўз меҳнати билан намуна кўрсатаётган ишчилар дам олиш жойларига, мамлакат бўйлаб саёҳатларга ва чет элларга бепул йўлланмалар билан таъминланмоқдалар. Жумладан, шу йил ўтган ярим йилликда олти киши ГДРга, икки киши Болгарияга, тўрт киши Чехословакия ва Польшага туристик саёҳат билан бориб келдилар.

Фабрика коллективининг фаолияти билан яқиндан танишиш натижасида бу ерда моддий ва маънавий рағбатлантириш меҳнатнинг охирги натижасига қараб қатъий назорат остида амалга оширилаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Фабрика йилига 14 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилади. Бичиш, бўёқ, тўқув цехларида, учта тикув ва чиқиндилардан маҳсулот ишлаб чиқариладиган цехларда иш қизғин. Тўқувчи Назокат Сувонова, тикувчи Раъно Аббосова, Салима Очилова, Саида Содиқова, бўёқчи Ҳасан Ҳалимов,

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

№ 12 (442)
Декабрь
1986

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

ЭҲЧ

© Гулистон № 12, 1986 й.

бичиқчи Муяссар Пўлатова, Фазилат Маҳмудовалар — ўз ишининг усталари. Уларнинг меҳр кўри, кўз нури туфайли, қатъий ва чаққон ҳаракатлари натижасида болаларнинг устки трикотажлари — свитер, жакет, спорт кийимлари, жемпер ва курткалар юзага келади, сайқал топади. Улар республикамизнинг деярли ҳамма жойларига жўнатилади. Кичик ёшдаги болаларнинг эгнибошига қанчалар ярашиб тушса, уларни ишлаб чиқаётган коллективнинг ҳурмати ва мартабаси шунчалар баланд.

Шу аснода биз истеъмолчиларнинг талаб ва истаклари қандай қилиб инобатга олиниши билан қизиқдик.

— Буни ўрганиш ва етарлича аниқлаш учун биз харидорлар гавжум жойларда фабрика маҳсулотларидан иборат ярмаркабозор ташкил этамиз. Харидорларнинг талаб ва истаклари ўша ерда атрофлича ва чуқур ўрганилади, унинг натижалари фабрика бадиий кенгашида кўриб чиқилади, сўнгра янги модель нусхаси республика Енгил саноат министрлиги бадиий кенгашига тасдиқлаш учун таклиф киритилади, — дейди фабрика касаба союз ташкилотининг раиси Ҳамза Ҳасанов.

— Таклиф тайёрланиб, министрлик тасдиғидан ўтиб, уни ишлаб чиқаришга жорий этгунга қадар муддат чўзилиб кетмайдими?

— Илгари шундай эди. Бу борада натижага эришиш учун олти-етти ой вақт ўтарди. Сусткашлик, сансалорлик натижасида ишлаб чиқаришда ҳам, одамлар кайфиятида ҳам нохушлик пайдо бўлиб, бу — умумий манфаатга салбий таъсир этмай қолмасди. Ўз пайтида яратилмаган эҳтиёжманд моллар вақт ўтгандан кейин ўтмас матоҳга айланиб қолиши ҳеч кимга сир эмас.

Энди давр бўлакча талабларни ўртага қўйди. У билан ҳамқадам бўла билмаган киши умумий ишга фақат халал беради, холос. Қайта қуришнинг моҳияти ҳам ана шунда. Аввалари олти-етти ой кутиладиган натижа учун эндиликда бир ҳафта кифоя. Жадаллаштиришнинг бундай самараси шу йилнинг ўзидаёқ кўзга ташландию қолди: йил давомида ўзлаштирилиши мўлжалланган 32 хил модель ярим йил ичидаёқ ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бунинг натижаси ўлароқ олти ой ичида 93 минг сўмлик маҳсулот пландан ташқари ишлаб чиқарилди.

Биз фабрикага ташриф буюришдан аввал умумий аҳвол ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун шаҳар партия комитетида Баҳодир Насриддинов билан учрашган эдик. У кўпгина саноат корхоналари қайта қуриш ва жадаллаштириш йўлига ниҳоятда сустлик билан ўтаётганлиги, илгариги инерцияни енгиб ўтиш оғир кечаётганлиги хусусида гапириб, Бухоро трикотаж фабрикасида бу борада жасурона ва яхши ишлар амалга оширилаётганлигини қайд этган эди. Бу сўзлар бирмунча адолатли эканлигига амин бўлдик.

Фабрикада иш икки смена — уч бригадали қилиб ташкил этилган. Сирғалувчи графикка ўтиш учун қизғин тайёргарлик ишлари давом этмоқда. Бунинг учун янги ишчиларга катта эҳтиёж сезилмоқда. Фабриканинг ўзида махсус ўқув комбинатининг йўқлиги малакали ишчи кадрлар тайёрлаш масаласини пайсалга солаётир.

Фабрика маъмурияти (директори Равшан Ваҳобов), партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари цехлар ва бригадаларароо социалистик мусобақани кучайтириш, янги дастгоҳларни бошқариш учун ишчиларнинг малакасини ошириш, кийим-бошларнинг янги моделларини ўзлаштириш ва уларнинг турларини кўпайтириш борасида резерв ва имкониятларни ишга солмоқдалар.

Яхши ниятларни тезроқ рўёбга чиқариш учун эса, истак ва хоҳишнинг ўзи кифоя эмас.

Жадаллаштириш ирода, чидам ва сабот, қатъият ва куч-ғайратни талаб қилади. Ишчилар онгида меҳнатга янгича муносабатни шакллантириш ва қарор топтиришда иш жойларини аттестациядан ўтказиш қанчалар самара беришини ушбу коллектив мисолида аниқ-равшан тасаввур этиш мумкин.

Тошкентдаги «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмаси ташаббуси билан бошланган бу ҳаракат «Аъло сифат потоги» деб аталади. Бу ташаббусни ўтган йили июнь ойида Бухоро трикотаж фабрикасининг меҳнат коллективи қўллаб-қувватлади ва илғор иш услубини ўзининг жанговар иш йўриғига айлантирди. Унинг моҳияти шундан иборатки, ҳар бир ижодкор ва ташаббускор ишчи ана шу потокда меҳнат қилаётган илғорлар сафидан ўрин олади. Ҳар бир поток бир неча бригадани бирлаштирган бўлиб, янги техникани, қолаверса, янги моделларни ўзлаштириш биринчи навбатда ана шу бригада аъзоларига ишониб топширилади. Меҳнатга ва малакага яраша рағбатлантириш ҳам шу йўсинда амалга оширилади. Бу ерда ҳалоллик ва ростгўйлик, масъулият ва талабчанлик, ташаббускорлик ва меҳнат интизомига қатъиян риоя қилиш ишчининг одатий хислати ҳисобланади. Интилиш ва изланишда собит ҳар бир меҳнатчи мазкур бригадаларнинг доимий аъзосига айланиши табиий. Бу — иш жойини аттестациядан ўтказишнинг илғор усули ҳамдир.

— Бора-бора фабрикамизда ҳамма ана шу илғор иш усулига ўтиши табиий, — дейди учинчи поток бошлиғи коммунист Муаттар Гадоева. У 42 йилдан бери мана шу корхонада ишлайди. Пенсияга чиққан бўлишига қарамасдан, ўз малака ва тажрибаларини ёшларга сингдиришдан асло чарчамайди бу ғайратчан аёл. Янги потокдаги комсомол ёшлар бригадасининг бошлиғи Ҳакима Қобилова, иккинчи бригада коллективи раҳбари Зуҳра Шишкина ҳам ўзларидаги энг яхши фазилатлар учун Муаттар опадан миннатдор.

Ана шу илғор иш услубига ёппасига ўтишда нималар халал бераётгани билан қизиқамиз.

Партия ташкилотининг секретари Мукаррам Иброҳимова тўқув ва тикув цехларидаги баъзи дастгоҳларга нигоҳимизни жалб этади, ҳақиқатан улар алмисоқдан қолгани кўринишиданоқ билиниб турибди. Айрим цех бинолари эса аллақачон умрини яшаб бўлган. Маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган той-той хом ашё очиқ жойда, устига брезент ёпилган ҳолда ночор ётибди.

— Бундан ўзимиз ҳам хижолатдамиз, — дейди М. Иброҳимова. — Лекин наилож. Меҳнат коллективида, кишиларимиз руҳиятида содир бўлаётган ўзгаришлар қурувчилар учун бефарқ шекилли, — дейди у корхонанинг ёнбошида бир неча қаватли темирбетон қовурғалари тиклаб қўйилган бинога ишора қилиб.

Фабриканинг барча замонавий қулайликларга эга бўлган янги биноси келгуси йилда ишга туширилмоғи керак. Лекин шаҳардаги 163-қурилиш трестининг бинокорлари қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг эндигина ярмини бажардилар, холос. Фабрика меҳнат коллективи ҳаётида янгиланиш ва тубдан ўзгариш жараёни кетаётган бир пайтда қурувчилар ишидаги сусткашлик уларни ноқулай аҳволга солиб қўймасмикин?

Албатта, бундай сусткашликка барҳам беришда маҳаллий Совет органларига вакил қилиб сайланган депутатларнинг масъулияти ҳам айрича. Тўқувчи Сайёра Ҳабибова область Советининг, техника назорати бўлимининг назоратчиси Нигора Саидова, тўқувчи Муслима Содиқова шаҳар Советининг, мастер ёрдамчиси Наташа Захарова район Советининг депутатлари. Албатта, улар корхона коллективи манфаати учун зиммаларидаги бурчни шараф билан адо этмоқдалар. Кейинги қисқа вақт ичида маршрутли автобуснинг йўлга қўйилганлиги, вокал-чолғу ансамблининг тузилганлиги, оёқ кийимлари ремонти, соатсозлик, кимёвий ишлов бериш хизматлари, сомсахона ва нонвойхона ташкил этилганлиги, юз ўринли ошхона ишга туширилгани, ишчилар учун 48 квартирали иккита бино қурилишига эришилгани ва бошқа кўпгина савобли ишлар ана шу депутатларнинг саъйи-ҳаракатлари билан рўёбга чиқарилгани сир эмас. Бироқ корхонанинг янги биноси тезроқ ишга туширилишида уларнинг ҳам масъулияти ўзига хосдир...

Партиямизнинг XXVII съезди қарорларини жадал ва изчил рўёбга чиқариш йўлида меҳнат қилаётган мазкур корхона — Тельман номидаги Бухоро трикотаж фабрикаси коллективи аввалларидек йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни муросасизлик билан бартараф этиб бормоқда, давримизнинг муҳим белгиси — янгиланиш ва ўзгаришлар руҳида меҳнат қилмоқда.

Баҳодир АМИНОВ



Самарқанд чинни заводи маҳсулотлари ғоятда машҳур. Суратда: ишчи Ф. Қодирова.
Р. Ғафуров фотоси (ЎзТАГ)

Чўлдаги чала ишлар

Ариқтомга тонг қоронғусида етиб келдик. Поезддан тушишимиз билан юз-кўзимизга қуюқ чанг-тўзон урилди. Шамол йўловчилардан кимнингдир «ана холос» деган товушини қулоғимиз остидан сидириб ўтди. Биз бу ерларда бўладиган кучли гармсел таърифини кўп эшитган эдик. Оёғимиз остида унда-бунда ерга қапишиб ётган янтоқларгина хас-хашакларни тупроқ аралаш супуриб осмону фалакка кўтариб, яна эгни-бошимиздан шовиллатиб қуяётган бу шамол шиддатига дош берарди. Шундай дақиқаларда чўл кишиларининг ташвишини янада чуқурроқ ҳис этади киши.

Мезбонлар бизни чўлнинг, зимзиё туннинг бағрига бошлаб кетди. Яқин атрофда милт этган чироқ кўринмайди. Ҳademай, темир йўл бекати ҳам адрлар ортида қолиб кетди. Мезбонлардан бири олдинроқда, қўл чироғини шуълалантириб, йўл кўрсатиб бораяпти. Чироқ ёғдусида чўл хўжайинлари — қўшоёқлар ликиллаб у ёқдан-бу ёққа ўтиб қолади. Шу топда чўл табиатига, унинг ёзда қарийб бир, бир ярим ой давом этадиган гармселига ҳеч қандай изоҳнинг ҳожати йўқ эди. Ҳамроҳлар ўзлари билан олиб чиққан калтадум яктакларга ўраниб олганмиз. Чўлнинг ўз ақидаси бўлади. Қотмадан келган, тик гавдали Худойқул ҳамон олдинда, энди у чироғини қўйнига тиқиб олган. Яктаги устидан униқиб кетган белбоғ сирмалган. Шамол зарбига беписанд, гап-сўзлари ҳам дадил. Чўл киши-да. Чиниққан.

Қўшоёқларга кўзим тушгандан буён бепоён кенгликларни тасаввуримга сиғдиролмайман. Қачонгача улар бу поёнсиз чўлнинг ёлғиз хўжайинлари бўладилар. Демак, инсон ҳали узоқ вақт чўл ва унинг табиати билан шиддатли мулоқотда бўлади. Шу дамда чўл кишиларининг буюк бунёдкорлик ишлари, туриш-турмуши, кечинмалари ҳақида кўпроқ билгим келди.

Бу ерлар Чироқчи районига қарашли Файзулла Хўжаев номли совхоз далалари. Энсизгина ариқ бўйига етганимизда қишлоққа яқинлашганимизни сездик. Ариқнинг нариги томони — пахтазор. Пайкал бошида икки-уч букчайган тут қорайиб кўринади. Шамол олис-олислардан кўппакларнинг онда-сонда ҳуриган товушини юлиб келади. Тонг оқаришиб қолганда, манзилга етдик. Кўз ўнгимизда бепоён ўнгирлар, сой ёқалаб сочилиб ётган қишлоқ намоён бўлди. Шамолнинг шиддатидан одамлар хонадонларига беркиниб олган шекилли, атроф кимсасиз. Бу қишлоқни аҳоли нима учундир Аччи деб аташар экан. Қишлоқ совхоз марказидан ўнўн бир километр, район марказидан қарийб саксон километр олисликда жойлашган. Мезбонлардан бу ердаги қишлоқларда тўрт юз-беш юзга яқин аҳоли истиқомат қилишини эшитганимизда, бир томондан хурсанд бўлдик. Иккинчи томондан ташвишландик. Ташвишланганимизча бор экан.

... Совхознинг биринчи бўлимида кўпчилик юрак ҳовучлаб кутадиган воқеа содир бўлди. Норбекова Мукаррам участка врачига мурожаат қилганида, аҳволи аянчли эди. Врач уни туғруқхонага ётқизиш керак, деган шошилинч хулоса чиқарди. Бироқ совхоз маркази олис. У ердаги касалхонага мурожаат қилиб барака топиш амри-маҳол. Улардан нажот кутишди. Аммо совхоз касалхонасидагиларнинг ўзлари ҳам шу дамда «тез ёрдам»га муҳтож эди. Ҳомиладор аёл йўловчи машинада (80 километр!) район марказига келтирилди. Хайрият, район туғруқхонасидаги шифокорларнинг елиб-югуриши, жонкуярлиги туфайли она ва унинг биринчи фарзанди хавфдан халос бўлдилар...

Совхозда (директори Ашир Бердиқулов, партия ташкилоти секретари Эсон Каримов, ишчилар комитети раиси Бердиёр Сафаров) атиги битта ҳаммом, 25 ўринли қишлоқ касалхонаси (шундан беш ўрин туғруқхона учун ажратилган) етти минг аҳоли хизматида. Совхоз марказида бўлганимизда, касалхона бош врачи Эштурди Яхшибоевни учрата олмадик. Мазкур шифохона энг оддий гигиена талабларига ҳам жавоб бермайди. Чамалаб кўрилса, ўрта ҳисобда 50 та ҳомиладор аёлга битта ўрин тўғри келар экан. Бундан ташқари, аҳолига зудлик билан медицина хизмати кўрсатиш учун ажратилган машина эҳтиёт қисмлар билан, ёнилғи билан вақтида таъминланмагани сабабли дарвоза ёнида чанг босиб ётибди. Шуниси ажабланарлики, шу пайтгача бу ҳол на район партия комитетини, на район соғлиқни сақлаш бўлимини ва на совет ташкилотларини ташвишлантираяпти. Атрофда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга ёлғиз лоқайдларгина бефарқ қараши ёки «Энди нима қиламиз, чўлда шароит шундай-да», деб эътироз билдириши мумкин. Бундай лоқайдлик эса Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида қораланган бепарволик, ўзибўларчилик, бир сўз билан айтганда, эгасизлик каби иллатларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Албатта, биз совхозда ҳамма иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган, демоқчи эмасмиз. Айни кунларда биринчи бўлимни совхоз маркази билан боғлайдиган ўн олти километрли йўл қурилиши ниҳоясига етай деб қолди. 1987 йил охиригача совхоз территориясида 50 та кооператив уй қурилиши кўзда тутилган. Бундай уйлар учун ҳозиргача аҳолидан юздан зиёд ариза тушди. Вақти билан уларнинг илтимослари қондирилади. Очиғини айтиш керак, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш ишлари жадал бораётгани йўқ. Ғоявий тарбиянинг жанговар маскани — клуб ва кутубхона афтодаҳол. Аҳолини баллонли газ билан таъминлаш ишлари суст, айрим жойларда бу ишлар умуман қониқарсиз. Аксарият қишлоқлар аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш ишлари ҳамон муаммо бўлиб турибди.

Қўл кучи билан қазилган қудуқларни кўрдик. Чуқурлиги ўттиз метрдан ошса ошадики, кам эмас. Бироқ бу қудуқлар ер ости сув йўлларини яхши ўрганиб қазилмаганлиги учун суви шўр. Аччи қишлоғининг номи ҳам, унинг ёнидаги қишлоқнинг Шўрқудуқ деб аталиши ҳам табиий шароит тақозоси билан бўлса керак. Бу қишлоқлар Ленин номли совхознинг лалми, Файзулла Хўжаев номли совхознинг суғориладиган ерлари чегарасида жойлашган. Бу ҳол аҳоли эҳтиёжларини қондиришда қатор қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Шунингдек, уларни фойдали меҳнатга жалб қилишда турли қарашлар юзага келиб қолаяпти. Айнан мана шу фактга алоқадор манзарани таҳлил қилиб кўрайлик. Совхоз бу йил пахта, дон, сабзавот, полиз маҳсулотлари бўйича зиммаларидаги давлат планларини бажаришга объектив ва субъектив сабабларга кўра ожизлик қилди. Ана шу сабаблар асосида ётган энг асосий, далил-исбот талаб қилмайдиган сабаб — аҳоли ўртасида ғоявий тарбиянинг сустлиги юқоридаги каби нуқсонларни келтириб чиқармоқда. Бу фикримизга район партия комитетида бўлганимизда аҳолининг тарқоқ яшаши, кўп ҳолларда шахсий хўжаликлари ташвиши билан овора бўлиб, фойдали меҳнатда кам иштирок этаётганлиги ҳақида билдирилган эътироз ҳам мисол бўла олади. Бундай ҳолларда меҳнаткашларнинг кўнглига йўл топа билиш санъати катта роль ўйнайди. Дастлаб аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, узоғини яқин қилиш масаласини ҳал этиш зарур бўлади. Ана шундай қилингандагина совхозда иқтисодий манфаатдорликнинг маънавий базаси яратилиши мумкин. Бу эса, моддий базани мустаҳкамлашдаги асосий йўл ҳисобланади.

Мавжуд муаммоларни коллектив бўлиб ҳал қилиш, таклиф ва мулоҳазалари билан маъмурий ташкилотлар ишига кўмак бериш қишлоқ Советлари депутатлари, совхоз коммунистлари, комсомолларнинг биринчи галдаги вазифаларидир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда, КПСС XXVII съезди талаблари асосида идеология ишининг самарадорлигини янада ошириш юзасидан республика партия ташкилотининг вазифалари мавзуига бағишланган III пленумида «ҳар бир меҳнат коллективида, истиқомат жойидаги ҳар бир маҳаллада одамлар билан якка тартибда ишлаш ҳозирги шароитда алоҳида маъно ва мазмун касб этади. Ишнинг муваффақиятини конкрет инсон олдига, конкрет коллектив олдига конкрет вазифаларни қўйиш йўли билангина таъминлаш мумкин»лиги алоҳида уқтирилганлиги бежиз эмас. Биз совхоз марказида бўлганимизда район Советининг депутати Гулсин Болтаеванинг фаолияти билан танишдик. Афсуски, депутат совхоздаги ягона ҳаммом биносининг яқинда ремонт қилингани билангина фахрлана олди, холос.

— Эндиги вазифаларингиз нималардан иборат? — деган саволимизга Г. Болтаева:

— Қишлоқ касалхонамиз нобоп аҳволда, — деб астойдил тан олди. — Агар шу муаммони ҳам ҳал этсак, сайловчиларимиз олдида юзимиз анча ёруғ бўларди, — деди у куюнчаклик билан. Бу муаммо Қашқадарё область Советининг депутати Нозифа Гулмировани ҳам ташвишлантираётган бўлса керак.

Зеро, бугунги кунда социалистик жамиятимизнинг қудратли механизми — инсон шуури маънавий камолот сари юз тутганда ҳар бир совет киши, жамоатчилик «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»да белгилаб берилганидек «...шахсни ҳар томонлама уйғун камол топтириш учун энг яхши шароитлар яратишга, социалистик турмуш тарзини мустаҳкамлашга, социал адолат принципини тобора тўлиқ амалга оширишга...» бурчлидир.

Уктам МИРЗАЕРОВ,
«Гулистон» журналининг махсус мухбири
Тошкент — Чироқчи

турмуш ва маданият

Оналар даъвати

Шу йил октябрь ойининг дастлабки ҳафтасида республикамиз пойтахти Тошкентда Осиё ва Тинч океан ҳавзаси мамлакатлари хотин-қизлар ташкилотларининг регионал семинари бўлиб ўтди. Семинарда Осиё ва Тинч океан ҳавзасидаги йигирма мамлакатнинг қирқ учта хотин-қизлар ташкилотлари вакиллари учрашдилар.

Семинарнинг биринчи куни Совет Хотин-қизлар комитетининг раиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. В. Терешкова бу мўътабар анжуманни очиб, унинг барча қатнашчиларини, шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг, турли халқаро ноҳукумат ташкилотларининг мазкур учрашувга келган вакилларини муборакбод этди.

— Бизнинг семинаримиз халқаро тинчлик йили доирасида ўтказилмоқда, — деди В. В. Терешкова. — Биз хотин-қизлар ўз мамлакатимизни ривожлантиришдаги ва тинчликни сақлаб қолишдаги иштирокимиз масалаларини муҳокама қилмоқ учун бу ерга йиғилдик. Инсоният ҳозир қийин, таҳликали даврни бошидан кечирмоқда, қуролланиш пойгаси тинимсиз жадаллашиб бормоқда. Бу пойгани космосга кўчириш хавфи тобора реал бўлиб қолмоқда. Ана шу бурилиш палласида халқаро ташкилотлар ва кўпгина ҳукуматлар янги, ядро-космик даврнинг реалликларига яраша фикрлаш зарурлигини англаб олмоқдалар. Инсониятни ядровий фалокат хавфидан халос этиш дунёнинг энг катта сераҳоли қисми бўлмиш Осиё ва Тинч океан ҳавзаси учун алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Ғ. Ҳ. Қодиров Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан семинар қатнашчиларини табриклади.

Шундан кейин Ҳиндистон парламент ишлари давлат министри Ш. Дишит ва Жаҳон Тинчлик кенгашининг, Халқаро Хотин-қизлар демократик ташкилотининг аъзоси, МХРП Марказий Комитетининг аъзоси С. Удвал «Хотин-қизлар ва тараққиёт» мавзуида доклад қилдилар. Семинарнинг биринчи кунги мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Советининг раиси Ҳ. Алимова, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. У. Султонова иштирок этдилар.



Семинар иштирокчилари Валентина Терешкова етакчилигида Қувасой чинни заводини бориб кўрдилар.

Осиё ва Тинч океан ҳавзаси мамлакатлари хотин-қизлар ташкилотлари семинарининг қатнашчилари кейинги тўрт кун давомида ҳар иккала докладни муҳокама қилишда иштирок этдилар. Семинар қатнашчилари қабул қилган ахборотда ядро уруши хавфига қарши, мамлакатлар ўртасида яхши қўшничилик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш учун курашни кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Мўътабар анжуман иштирокчилари Самарқанд ва Андижон областларига ташриф буюрдилар, Тошкент шаҳри ва пойтахт области аҳолисининг оилаларида меҳмон бўлдилар.


Семинар иштирокчиларидан бири, Афғонистон делегациясининг аъзоси, Кобул нон комбинатининг ишчиси Биби-ширин мухбиримиз билан суҳбатда шундай деди:

— Ҳозир Афғонистон хотин-қизлари учун тинчликдан кўра муҳимроқ нарса йўқ. Биз ишлаяпмиз, фарзандларимизни вояга етказаяпмиз, хат-саводимизни ҳам чиқараяпмиз. Айни вақтда душманлар билан жанг қилаётган эрларимиздан, ака-укаларимиздан, фарзандларимиздан жудо бўлмоқдамиз. Масалан, мен эримдан жудо бўлиб, тўрт болам билан қолдим. Аммо кўпгина афғон хотин-қизлари каби революция қурбонсиз ғалаба қилмаслигини биламан.

— Биз ҳақиқий дўстлар орасида эканлигимизни ҳис этмоқдамиз, — деди Ҳиндистон делегациясининг вакили Амрита Дас. — Ҳатто тил билмаслигимиз ҳам бир-биримизни тушунишимизга халақат бермаяпти. Зеро, ер юзининг ҳамма бурчакларида хотин-қизлар, айниқса оналар ҳамиша умумий тил топа оладилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида Осиё ва Тинч океан ҳавзаси мамлакатлари хотин-қизлар ташкилотлари семинарининг қатнашчилари билан учрашув бўлиб ўтди. Семинар қатнашчиларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев қизғин қутлади.

Андижон ип газламалари тўқиш бирлашмасида учрашув. Б. Юсупов фотолари (ЎзТАГ фотохроникаси)



ТАБИАТ ТАҚДИРИГА МАСЪУЛМИЗ

Биз, ҳозирги даврда яшаб турувчилар табиат учун авлодлар олдида, тарих олдида жавобгармиз.

(«КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий доклади»дан)

Мирзаали МУҲАММАДЖОНОВ,
академик

Партиямизнинг XXVII съездида табиатни муҳофаза қилиш, унинг бойлигини асраш масаласига алоҳида эътибор берилди. Партия ва ҳукуматимиз бу ҳақда махсус қарорлар ҳам қабул қилди. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, илмий техника беқиёс тараққий этаётган ҳозирги шароитда табиатга катта таъсир кўрсатилмоқда, унинг бойлигига, гўзаллигига путур етмоқда.

Ўрмонларимиз — табиатнинг беқиёс мўъжизаларидан бири. Сув ва ер имкониятларини сақлаш ва яхшилашда, атроф-муҳитнинг мусаффолигини таъминлашда уларнинг аҳамияти беқиёс. Ўрта Осиё республикалари шароитида эса иҳота дарахтларининг аҳамияти катта. Чунки бу ерда ўзлаштирилган ерлар нисбатан унча катта бўлмаган воҳалардан иборат бўлиб, улар поёнсиз чўлларга, баъзан эса тоғолди текисликларга бориб тақалади. Шу боисдан бу заминнинг иқлими қурғоқ ва иссиқдир. Чунончи, республикамиз территориясининг 64 фоизини дашту чўллар ташкил этади.

Табиий шароитнинг шундай бўлгани учун республиканинг кўпгина районларида кучли қуруқ шамоллар, чанг-тўзон ва гармсел бўлиб туради. Бундай табиий офатлардан, айниқса, Қўқон атроф районлари, Марказий Фарғона, Бекобод — Боёвут зонаси, Мирзачўл ва Қарши чўллари, Сурхон — Шеробод воҳаси, Бухоро, Навоий областлари, Хоразм области ва Қорақалпоғистон автоном республикасининг баъзи районлари, умуман, республика территориясининг 80—85 фоизи зарар кўради.

Ҳа, кучли шамоллар қишлоқ хўжалигига катта зиён етказади. У экинларга шикаст етказиб, қайта экишларга ва тупроқ эрозиясига олиб келади, далалар ва каналларни қумларга кўмиб кетади. Мутахассисларнинг аниқлашларича, республикамизда ҳар йили эрозиядан 22 миллион тонна тупроқ йўқолмоқда. Айни жазирама ёзда тез-тез бўлиб турадиган гармселлар эса, ҳаво муҳитини қурғоқлатиб, далаларда нам тўпланишини кескин камайтиради, ўсимликларнинг физиологик фаолиятига путур етказади. Оқибатда ўсимликларнинг ҳосили ёппасига тўкилиб кетади. Қурғоқ ҳаво, чанг-тўзонли жазирама иссиқ ўз навбатида кишиларнинг соғлиғига салбий таъсир қилади, уларнинг меҳнат унумини кескин камайтиради.

Гармсел шамоллар ҳосилга ҳазилакам зиён етказмайди. Бухоро ва Навоий областининг барча районлари, шунингдек, Қарши зонасидаги районларда 1984 йилнинг 28—31 июль кунлари Қизилқум томондан келган гармсел оқибатида ғўзанинг ўрта қисмида ҳосил нишоналари буткул тўкилиб бўлди. Бу областлар ва районларда 1985 йилнинг биринчи ўн кунлигида гармселнинг оғир таъсирида ғўзаларнинг юқори қисмидаги ҳосил нишоналарининг ҳаммаси нобуд бўлди. Оқибатда бу жойларда ҳосил жуда кам бўлиб, пахта тайёрлаш планлари бажарилмади. Айниқса, кейинги 10—15 йил давомида кучли шамол ва гармселнинг бу жойларда ҳар йили ёки йилора такрорланиб туриши катта ташвиш туғдирмоқда. Шунинг учун ҳам кучли шамолларга, гармселга ва тупроқ эрозиясига қарши курашиш катта ижтимоий-иқтисодий муаммога айланиб қолди.

Замонавий совет фани ва илғор тажриба бу фалокатларга қарши курашиш учун қудратли воситага эга. Бу — далаларни муҳофаза қиладиган иҳотазор ўрмонлардир. Тўғри ва мақсадга мувофиқ ташкил этилган иҳотазорлар ва эрозияга қарши тадбирлар табиий фалокатларни бемалол тўхтатиши ҳамда иқлим ва биологик муҳитни яхшилаши мумкин. Бироқ шуни эътироф этишимиз керакки, республикамизда ўрмончиликни, умуман, далаларни муҳофаза қиладиган иҳотазор ўрмонларни ривожлантиришга етарли аҳамият берилмаяпти. Кейинги йигирма-ўттиз йил давомида Киров, Фрунзе ва Олтиариқ районларида кўп қаторли давлат иҳотазор ўрмонлари ёппасига қирқиб юборилди. Шофиркон районида янги ерларни ўзлаштириш баҳонасида Қизилқумдан эсадиган зиёнли гармселдан экинзорларни муҳофаза қилиб турган давлат иҳотазор ўрмонлари ҳам ковлаб ташланди. Кўпгина хўжаликларда муҳофаза қилувчи иҳотазорлар йўқотиб юборилди. Шунингдек, суғориладиган карталарни ҳаддан ташқари йириклаштириш пайтида жуда кўплаб дарахтлар қирқиб-ковланиб ташланди. Оқибатда Фарғона областининг суғориладиган зонасида салбий асоратга эга бўлган бир хил табиий шароит вужудга келди. Бу ҳолат ўз навбатида областнинг иқтисодига, табиатига катта зарар етказди.

Биз юқорида айтилганлар билан республика ўрмончиларининг меҳнатларини йўққа чиқармоқчи эмасмиз. Шубҳасизки, ҳар анча-мунча ишларни амалга оширмоқдалар. Масалан, 1960 йилдан 85 йилгача 32 минг гектар ерда муҳофаза иҳотазорлари ташкил этилди, шундан 20,5 минг гектари колхозлар ва совхозларнинг ҳисобига ўтказилди, шу ҳисобга 53 та хўжалик экинзорларни муҳофаза қиладиган иҳотазорларга эга бўлди. Шунингдек, тоғ ва яйловларда иҳотазорлар барпо қилиш борасида ҳам анча ишлар қилинди. Лекин афсуслианрли томони шундаки, хўжаликларга фойдаланиш учун ўтказилган айрим иҳотазорларнинг ҳолати ачинарлидир. Таажжубланарли жойи шундаки, баъзи хўжаликлар ўрмончилик идораларидан иҳотазорларни қабул қилиб олишга улгурмасданоқ уни кесиб-ковлаб йўқотишга киришдилар ёки мазкур иҳотазорлар қаровсизликдан қуриб кетди.

Шу ўринда иҳотазор дарахтлар ва ўрмонларнинг атроф-муҳитга, шамол ва гармселга таъсирини изоҳлашни лозим деб биламиз. Таъкидлаш лозимки, иҳотазор ўрмонлар ўз ичида физикавий-географик жараёнларнинг кечишини ўзгартириб, ўзига туташ далаларга ижобий таъсир кўрсатади. Кучли ҳаво шамоли иҳотазор ўрмон орқали ўтганда кучсизланади ва иҳотазордан чиққанда унинг тезлиги 60-80 фоизга камаяди. Шунингдек, иҳотазорлар ер юзасидаги ҳароратни мўътадиллаштиради, намни ошириб, тупроқдан, суғориш тармоқларидан буғланиш даражасини камайтиради, ўсимликларнинг намни самарасиз истеъмол қилишини ҳам пасайтиради.

Ўрта Осиё Ўрмон хўжалиги ва Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институтларининг маълумотларига кўра, иҳотазорлар таъсиридаги далаларининг баҳордаги ҳаво ҳарорати 3,5 градусгача юқори, ёзнинг иссиқ пайтларида эса очиқ далада ҳарорат 2,9—3,5 градус паст бўлади. Ҳа, иҳотазорлар ҳавонинг сифатини тиклайди, иссиқ кунларда ҳавони салқинлатади. Япроқли ўрмоннинг ҳар гектари 5 тоннагача углерод газини ютиши, ҳар йили 100 тоннагача чангни ушлаб қолиши бизга маълум. Худди шунинг учун қулай микроиқлимли шароитга эга бўлган далаларда ўсимликларнинг ўсиши ва етилиши мўътадил кечади, ҳосил нишоналари кам тўкилади, ҳосилнинг пишиши тезлашади. Натижада пахта ҳосили гектарига 20—26 фоизгача ошади.

Иҳотазорлар муҳофаза хусусиятидан ташқари биологик «зовур»лар ролини ҳам бажаради. Улар чуқур томир отиши натижасида ернинг тагидаги фильтрланган сувни пастки қатламлардан тортиб олади, тузли сувнинг юзага чиқишининг, тупроқ шўрланишининг ва ботқоқланишининг олдини олади. Бу эса бизнинг шароитимиз учун жуда муҳимдир. Мана бир қизиқ далил. Ўттиз йиллик бир туп толдан бир мавсумда 34 куб метр сув, бир туп оқ акациядан эса 41 куб метр сув буғланиб чиқади.

Ҳозир қишлоқларимизда уй-жой қурилишини ёғоч билан таъминлаш ҳам жиддий муаммолардан бири бўлиб турибди. Четдан ташиб келтирилаётган ёғоч материаллар эса (гарчи жойларда асосан шунга ишонилсада), эҳтиёжнинг юздан бирини ҳам қопламайди. Ваҳоланки, илгарилари мамлакатнинг Россия қисмидан республикамизга ёғоч ташиб келтирилмаган пайтларда йирик иморатлар, уйлар ва бошқа иншоотларни қуришда маҳаллий ёғоч материаллардан кенг фойдаланиларди. Кишилар тол ва теракларни ёғоч учун ўстириб, хонадон ва хўжалик эҳтиёжларини қондирганлар. Иҳотазорларни ривожлантириш эса ҳар бир жойда ёғоч материалларни етиштириш имкониятини беради. Ахир, бизда бу борада ҳам яхши анъаналар мавжуд эди. Ота-боболаримиз оилада ўғил туғилганда уйи ёнига яхши ният билан 20—30 туп терак ва тол ўтқазганлар. Худди ўшандай фойдали халқ анъаналарини ҳар томонлама ривожлантиришимиз, бу хил фазилатли одамларни рағбатлантиришимиз лозим. Шу фикрнинг давоми ўлароқ яна шуни айтиш ўринлики, илгарилари сув чиқарилган карталарнинг, олинган ариқларнинг, сув ўтадиган йўлларнинг четларига қатор қилиб терак ва толларни экиш яхши одат эди. Бориб-бориб бу хайрли иш ҳам сусайиб кетди. Бу анъана ҳам тикланса, нур устига нур бўлур эди.

Очиқ тан олишимиз лозим, биз муҳофаза иҳотазорларининг қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини билганимиз ҳолда

Қайта қуриш омиллари


бундай фойдали ишга мутлақо етарли аҳамият бермаяпмиз. Ҳозир республикамизда суғориладиган майдонлар қарийб 4 миллион гектар ерни ташкил этгани ҳолда шундан муҳофаза иҳотазорларига эга бўлган майдонлар атиги 40 минг гектардан кўп эмас. Демак, суғориладиган ерларимиз кўламида деярли ўрмон йўқ, уларнинг четлари яйдоқ даштлардан иборат. Аслида бундан анча илгарироқ иҳотазорлар майдонини кенгайтиришга киришишимиз керак эди. Бироқ бундай қилинмади. Беш йилликдан беш йилликка ўтган сари иҳотазорларни жуда оз жойлардагина ташкил этиш кўзда тутилди ва ўшанигина бажариш билан чекландик, холос. Масалан, тўққизинчи беш йилликда республика колхозлари ва совхозларида бундай иҳотазорлар 2,5 минг гектарда, ўнинчи беш йилликда эса 2 минг гектарда ва ўн биринчи беш йилликда атиги минг гектарда ташкил этилди. Кўпгина хўжаликларда иҳотазорлар барпо қилишда ҳеч қандай иш амалга оширилмади ҳам.

Шуни унутмаслик керакки, деҳқончиликдаги ишлар оддий бир ҳақиқат: «ўрмон, ўтлоқ ва дала» шаклида йўлга қўйилгандагина табиатда, атроф-муҳитда қулай мутаносибликка, қишлоқ хўжалигининг муттасил ривожланишига эришилади.

1985 йилнинг кузида олимлар ва баъзи амалиётчи ходимлар ЮНЕСКОнинг «Инсон ва биологик муҳит» программаси бўйича Ўзбекистон Миллий Комитетида тўпландик. Ушанда муҳофаза иҳотазорларининг суғориладиган зонада тутадиган салмоғи масаласини атрофлича муҳокама қилдик. Биз қуйидаги хулосага келдик: кучли шамол ва гармсел бўладиган районларда муҳофаза иҳотазорлари учун камида 8—10 фоиз майдонни, уларнинг кучи ўртача бўлган районларда 6—7 фоиз майдонни ва шамол, гармсел нисбатан кучсиз бўлган жойларда 4—5 фоизга яқин майдонни ажратиш лозим. Майдонларнинг бу кўлами 1986 йил март ойида бўлиб ўтган ва муҳофаза иҳотазорларни ташкил этиш масалаларига бағишланган республика илмий ишлаб чиқариш кенгашида ҳам тасдиқлаб олинди. Шуни таъкидлаш керакки, бундай иҳотазорларни ташкил этмасдан туриб, республика қишлоқ хўжалигини бир текис ва муттасил ривожлантириш ва атроф-муҳитни тубдан яхшилашга эришиш қийин.

Суғориладиган ерларда муҳофаза иҳотазорларини барпо этишда энг муҳим масалалардан бири унинг ўша майдонда қай тартибда жойлаштирилишидир. Бизнинг фикримизча, иҳотазорларни муайян хўжаликдаги алмашлаб экиладиган далаларнинг, суғориладиган пайкалларнинг ҳамда доимий йўлларнинг, суғориш шаҳобчаларининг четларига, қишлоқлар ва посёлкаларнинг кўчаларига жойлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Республикада муҳофаза иҳотазорлари масаласини ҳал қилишда икки муҳим жиҳатга эътибор бериш зарур. Биринчиси суғориладиган майдонлар ҳажмига доир гап. Маълумки, урушгача ва ҳатто 1950 йилда пахта экиладиган карталар ўта кичик бўлиб, атиги 0,15—0,5 гектарни ташкил этарди. 1950 йилдан кейин, яъни ерларни суғоришнинг янги системасига ўтилиши муносабати билан карталарни йириклаштириш иши кенг тус олди. Ўша йиллари бу масала илмий ва амалиётчилар доираларида пухта муҳокама қилинди. Ҳар бир картанинг мўътадил ҳажмини 8—10 гектаргача қилиб белгилашга келишилди. Аммо кейинги йилларда амалда бунга ҳеч ким риоя қилмади. Карталар ҳаддан ташқари йириклаштириб юборилди, ҳар бир карта 25—30 гектарни ва ундан ошиқроқ майдонни ташкил этди. Янги совхозларда эса карталарнинг ҳажми ҳатто 80-100 гектарга ҳам етади. Бизнингча, бу обикор деҳқончиликда энг катта хатолардан бири эди. Ана шундай йириклаштириш оқибатида илгаридан суғориб келинган жойларда керакли ва кераксиз карталарни йириклаштириш пайтида кўплаб дарахтлар йўқотиб юборилди. Бундай майдонларга эндиликда шамол ва гармсел катта зарар етказмоқда.



Суратда: Олмалиқ сут комбинатининг илғор ишчиси Анифа Изитова.

Иккинчи масала пиллачилик учун озуқа базасини ривожлантириш хусусидадир. Тўғри, пиллачилик — республикамиз қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири. Унинг учун илмий асосда озуқа базасини ривожлантириш зарур. Лекин бу иш республикамизда қандай ташкил этилган? Тутзорларни узунасига йўлларнинг ёқасига, суғориш тармоқларининг, пахта карталарининг четларида ўстириш кенг авж олган. Пахта майдонларига бундай қарасангиз, унинг бутун четларида тутлар ўсганини кўрасиз. Тутларнинг новдалари пилла қурти учун кесилгандан кейин пахта далалари, қишлоқлар ёзнинг иссиқ кунларида яп-яланг бўлиб қолади. Колхозлар ва совхозларда пиллачилик учун озуқа базасини яратишда илмий асосланган усул — тутларни кўчатзор тартибида ўстириш йўлидан борилмади. Ваҳоланки, Хитой, Япония, Ҳиндистон каби пиллачилик ривожланган мамлакатларда тутлар кўчатзор қилиб ўстирилади.

Масаланинг яна бир томони бор. Тут ҳам худди ғўзага ўхшаб вилт замбуруғлари, ўргимчаккана ва бошқа зараркунандалар тўпланадиган ўзига хос уя ҳисобланади. Шунинг учун ҳам пиллачилик станцияларининг ижобий тажрибаларига суяниб, тутларни кўчатзор қилиб ўстириш усулига оммавий равишда ўтиш мақсадга мувофиқдир. Тутзорлардан бўшаган жойларга — қишлоқлар ва посёлкаларнинг кўчалари бўйлаб ёғочбоп, мевали ва манзарали дарахтлар экиш лозим. Бу нарса эса, қишлоқларимизнинг ҳавосини яхшилайди, айни вақтда уларга кўрк бағишлайди.

Ҳа, жонажон партиямизнинг XXVII съездида ҳаққоний таъкидланганидек, биз — совет кишилари табиатнинг тақдири учун масъулмиз. Ҳаммамиз табиат ҳақида қайғуришга, унинг бебаҳо бойликларини асрашга даъват этилганмиз.



Шовотлик илғор сут соғувчи Қизилгул Юсупова.
Н. Муҳаммаджонов фотолари

КЎЗДЕК АЗИЗ БЎЛИНГ

Эл соғлиғи — юрт бойлиги

— Ҳарбий врач, лейтенант Каримов иккинчи даражали «Чегара хизмати аълочиси» нишони билан тақдирланади!..

Командирнинг шу сўзларидан сўнг духовой оркестр қисқагина, тантанавор табрик маршини ижро этди. Расулжон командирининг табригига жавобан: «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!» деб жавоб қилди. Сўнгра у атрофга назар ташлади: чегарачиларга хос бўлган юзлаб зийрак кўзлар унга меҳр билан боқиб турарди. Расулжоннинг юрагига фахр ҳисси қуйилди: бу кўзларнинг чақнаб туришида унинг ҳиссаси бор эмасми?!. Ҳа, чиндан ҳам Ватанимиз чегарасини кузатиб-қўриқлаб турган бу ўткир кўзларнинг кўпига ёш врачнинг шифобахш бармоқлари теккан.

... 1972 йилда Самарқанд Медицина институтини тамомлаган Расулжон Тошкентга — республика Кўз касалликлари касалхонасига малака ошириш учун юборилди. Расулжон бир йил давомида бу ердаги тажрибали врачлардан, айниқса, профессор Муҳаммаджон Комиловдан кўп нарса ўрганди. Лекин шуниси қизиқки, у қанча кўп ўргангани сари ўзида ўрганишга, билишга шунча кўп эҳтиёж сезарди. Тиббиёт дунёси ёш шифокорни тобора ўзига мафтун қилиб борарди.

Бир куни Расулжон кутилмаганда профессорга:

— Домла, мен армияга жўнаяпман, — деб қолди.

— Йўғ-е, ахир сиз институтда ҳарбий таълим олгансиз-ку, — дея ажабланди профессор.

— Ўзим ариза бердим, — деди Расулжон. Сўнг ўз мақсадини тушунтирди. — Ҳарбий врачларнинг иш тажрибасини ўрганмоқчиман...


Профессор мийиғида кулиб қўйди. Чунки у ҳарбий врачларнинг билим-маҳоратини Расулжон сингариларга мақтаб гапирган эди. Гапнинг рости, у ўзининг суҳбатлари ёш шифокорга бунчалик таъсир этишини кутмаганди. «Фидойилик хислати бор», деб ўйлади у иштиёқли шогирдининг маъноли кўзларига боқаркан.

Ҳарбий врач, капитан Раевда ҳам ўзининг янги шогирди ҳақида шу фикр туғилди. У санитария қисмининг бошлиғи сифатида янги келган Расулжон Каримовнинг ишини синчковлик билан кузатди. Расулжондаги интилувчанлик ва тиришқоқликдан мамнун эди у. Расулжоннинг ўзи ҳам хурсанд эди. Ахир, у чегарачиларимизнинг кўзлари соғ, ўткир бўлиши учун жон куйдираяпти, бу билан чегарамизнинг муваффақиятли қўриқланишига ҳисса қўшаяпти!..

Одатдаги операция кунларидан бири эди. Иш ниҳоятда кўп бўлди ўша куни. Эрталабдан буён оёқда турган Тожиқул Дониёрович ниҳоятда чарчаганини ҳис қилди. Қарасаки, операция столига навбатдаги беморни ётқизишди. Тайёрлаб қўйишибди, демак, операцияни амалга ошириш зарур. Операция столида ётган бемор етмиш ёшлардаги кекса киши эди. Дарди аниқ: кўз гавҳари хиралашган. Тожиқул Дониёрович ишга киришди. У ёрдамчиси Расулжон Каримовнинг ҳожатбарорлигидан мамнун эди. Шогирди лозим бўлган ишни Тожиқул ака айтмасданоқ бажарарди. Ҳақиқатан ҳам Расулжон ўзини операция қилаётган врач ўрнига қўйиб ҳаракат қилар, ишда адашмасликка интилар эди. Тожиқул ака шуни ҳисобга олдими ёки ошириш институтида икки йил давомида ординатурани ўташ жараёнида Расулжоннинг кўзи пишди. У бу ердаги билимдон олимлардан тиббиётнинг анча мураккаб томонларини ўрганди. Айниқса, Юрий Васильевич унга микрохирургия сирларини қунт билан ўргатди. Расулжон энди ўта нозик жарроҳлик асбобларини бемалол ишлатадиган бўлди.

Ординатура муддатини ўтаб, Киевдан қайтадиган куни Расулжон хайрлашиш учун Ю. В. Бакбардиннинг ҳузурига кирди.

— Оббо, Ибн Сино меросхўрией, юртингга қайтасанми энди?— Унга ишонч билдирди Юрий Васильевич. — Бизда ўрганганларингни у ёқда дадил қўллайвер. — Юрий Васильевич Расулжоннинг қўлига қоғозга ўроғлик алланарса тутқазди-да, — булар ишингда сенга қўл келиб қолар, — деб гапига илова ҳам қилди. Киевдаги устозининг «Ибн Сино меросхўри» деган гапи унинг зиммасига катта масъулият юклагандек туюлди. Айни вақтда Расулжоннинг қалбини қандайдир ғурурланиш ҳисси чулғади.



Суратда: Расулжон Каримов. Қ. Номозов фотоси

Расулжон медицинанинг янги соҳаси бўлган микрохирургияни изчил ўзлаштиришга бел боғлади. Шу соҳага оид китобларни қайта-қайта ўқиб чиқди.

Расулжоннинг сабри чидамай самолётга чиққач, ўроғлик қоғозни очиб кўрди ва қувониб кетди: унда кўз операциясида ишлатиладиган микрохирургик асбоблар бор эди.

Доцент Бакбардиннинг совғаси врач Расулжон Каримовга Сирдарё области шароитида микрохирургия усулини жорий этишда жуда қўл келди: одатдаги усулда операция қилинадиган бемор операция столида камида бир соат бўларди. Янги усулда эса операция жараёни атиги ўттиз минут давом этади. Беморнинг соғайиш муддатида ҳам фарқ катта: бемор аввалгидек 23 кунда эмас, балки атиги 8 кунда соғайиб кетади.

— Киевда микрохирургия ординатурасини тамомлаб қайтгач, клиникамизда микроскоп воситасида операция қилишни бошладик, — деди Расулжон Каримов янги усул ҳақида гапириб. — Бунда ишлатиладиган асбоблар илгариги операцияда ишлатиладиганларидан жуда кичик, қулай. Микрохирургиянинг афзаллиги ҳам мана шунда. Ахир, кўздек нозик аъзони қўпол асбобларда операция қилиш анча ноқулай эди. Мана оддий бир нарса. Жароҳат ўрнини тикишда ишлатилган ипнинг йўғонлиги илгари миллиметрлар билан ўлчанган бўлса, ҳозир йўғонлиги 35 микронга тенг, яъни оддий кўзга деярли кўринмайди. Ипни тикишда ишлатиладиган игнанинг катталигида ҳам фарқ шундай. Йўғон ип билан тикилган жойларнинг битиши қийин бўлган, яра тез тузалмаган, бемор йигирма-ўттиз кунлаб касалхонада ётган. Ҳозир эса операция қилинганининг эртаси куниёқ бемор ўрнидан туради... Бу эса уч баравар кўп беморларни қабул қилиб олишимизга имкон бермоқда. Масалан, илгарилари бир йилда 200—250 та операция қилинган бўлса, биз шу йилнинг ўтган беш ойида 270 та операцияни амалга оширдик. Яна бир яхши томони — микрохирургик операцияда бемор кам озор чекади. Бундан ташқари, операция қилинган жойда чандиқ ёки из қолмайди.

Кўз диспансерида янги усулнинг муваффақиятли амалга оширилишида Т. Дониёров, И. Раҳмонқулов, М. Каримова сингари тажрибали врачлар, Л. Ғозиева, Л. Шпунина, Р. Эгамқуловадек ҳожатбарор ҳамширалар Расулжон Каримовга амалий ёрдам кўрсатмоқдалар.

1982 йилда тажрибаси ва ташкилотчилиги ҳисобга олиниб, Расулжон Каримов область кўз касалликлари диспансерига бош врач қилиб тайинланди. У бу масъулиятни оқлашга астойдил ҳаракат қилмоқда.

Мухторали НОСИРОВ

Гулистон

РИММА КАЗАКОВА ШЕЪРЛАРИ



* * *

Болага ўгитинг керак экан, бас,
Не тилак тиласанг — бари ижобат.
Она бўлмоқлик, бу — тенги йўқ ҳавас,
Она бўлмоқлик, бу — бахтиёр қудрат.

То она бераркан сенга насиҳат —
Улар тоти билан ўсгин улғайиб.
Бола бўлмоқлик, бу — шундай бир
роҳат!
Бола бўлмоқлик, бу — бахтиёр заиф.

* * *

Мен бахш этолмасман дарахтларга
жон,
Қалбим беролмасман гиёҳга бўлиб.
Мен сенда яшайман, дейишлар ёлғон,
Шунга ишонайми девона бўлиб.

Ахир ўхшамасак биздами гуноҳ.
Салтанат ожиздир, сўзлар — дўлвор,
жим.
Сен ҳали дарахтсан, сен ҳали гиёҳ.
Мен эса, кўпикдан туғилиб бўлдим!

* * *

Боғдод, Кутаиси...
Дейилса доим
Кўз олдига келган бошқача олам!
Унда мурғак пайти яшаган шоир,
Ҳеч ким пайқамаган шоирни у дам.

О, билиб қолсайди ҳамма уни гар,
Вақтни чўзишарди бола ғамин еб:
Ердамсиз ўсишга болалик қилар,
Ҳали ёш-да, йўқса, шундай буюк деб!

* * *

Отлар қовушмасдан қучоқлашишар,
Қўлсиз кўришмаклик уларга қийин.
Дўстлик нелигини отлар билишар,
Айрилиқ дардин ҳам англашар тайин.

Улар шудринг қўнган ўтлоқда тўйиб,
Қоқ тушда туришар жимгина, яйдоқ,
Бир-бирига катта бошларин қўйиб
Кўришар бермасдан ҳеч қандай сўроқ.

* * *

Кўп йўл юриб, кўп нарса кўриб,
Энди пайқаб етдим мен тўлиқ,
Қайга элтди тинкамни сўриб —
Умид ҳамда йўқотиш йўли,
Қандай мен ва Россиям қутби,
Бу кунлару тунлар беадад
Қайга кетар юракнинг қурби,
Қайдан келар бу қурб ва мадад.

СУЯНЧИҚ

Суянчиқ излайман. Суя мени, Ер!
Кўк билан қувнарсан ҳали беадад.
Ўрмонларга чулғаи. Бўлиқ ҳосил бер.
Эшитаяпсанми, азизим — мадад!

Суянчиқ излайман қайинларимдан,
Эсдами, қайинлар, чопганим сиз ёқ...
Сизни қийнамадим ўтинчлар билан.
Қайинлар, нотинчман, сизлар шундай
оқ.

Суянчиқ излайман таниш уйлардан.
Улар — гўлми, ёмон, — кетдим
ўрганиб.
Бордир шивирламоқ қувончлари ҳам,
Айтиб фақат шунда бўлганим.

Суянчиқ излайман ўз кечмишимдан —
Биз ҳануз ўша деб алдаймиз нечун?
Ёш, кучли, шиддаткор ўз ёшлигимдан
Мадад сўрайман букун!

Эртанги кунлар ҳам мен учун керак.
Қайдадир яқин у, қайда у бироқ?



Мени тўлиғ англар сахий келажак —
Қўлласин ҳар чоқ!

Суянчиқ излайман. Чайқалар олам.
Оёғим остидан чопади йўллар.
Суянчиқ, одамлар! Тингланглиз бир
дам!
Ахир мен ҳам эртан кимнидир қўллай.



* * *

Бор эди падарим,
Гоҳ силаган, гоҳ қизарган юз —
Насибага лойиқ кўрганмиз қўлин!
Давр ва у бир-бирини англарди сўзсиз.
Отажоним қани?
Беморлик. Кексалик.
Ўлим.

Бор эди волидам —
Ёш, соҳибжамол.
У ҳолда кўрмасман энди ҳеч қачон.
Қайғудан қуриди, ранждан қадди дол,
Тирикмикан ўша ҳолбуки ҳамон —
Бераҳм тақдир айлаган эҳсон.

Бор эди дугонам,
Туғишган мисол.
Эрга чиққач, мендан юз бурди шу дам.
Ҳа, унда менинг ҳам
Ишим йўқ алҳол...
Бу билан мен нима демоқчи эдим?
Бор эди дугонам.

Бор эди бир йигит, истеъдоди ғўр,
Уйланди бир қизга — оиласи зўр,
Кулиб боққач мавқе ва иқбол,
Бўлиб олгач патентли мисол,
Кейин у ажрашди қиз билан —
Осуда,
Гоҳо уни кўриб тураман —
Беҳуда!

Вақт ўтди. Ўтиб кетди зардаю алам.
Не рўй берса, юрак — барига татир.
...Менинг характерим йўқ эди ҳеч ҳам —
Пайдо бўлди характер.

Эргаш МУҲАММАД таржималари

Спорт юлдузлари нега кўринмайди?

«Диққат, диққат! Бир неча дақиқалардан кейин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган республика қишлоқ хотин-қизларининг XII спартакиада мусобақаларига старт берилади. Ташкилий комитет спорт шинавандаларига куч-ғайрат, хуш кайфият ҳамда омад тилайди!»

Бутун стадион сергак тортади, спорт либослари ярашган қизларнинг кўзларида ҳаяжон, қатъият ва журъат...

Мусобақада иштирок қилаётган қизларнинг ҳаммаси бирор касбнинг эгаси. Масалан, андижонлик Г. Муҳиддинова, сурхондарёлик А. Раззоқова, С. Бобожонова ва Н. Примова, фарғоналик М. Эрматова, З. Булатова ҳамда З. Мансурова сут соғувчи бўлиб ишлайдилар.

— Спорт билан мунтазам шуғулланган киши ишда ҳам юксак кўрсаткичларга эга бўлади, — дейди қизлар ишонч билан. — Бизнинг касбимиз эпчилликни, чаққонликни талаб қилади.

Стол тенниси мусобақаси ғолиблари Е. Огой, Зоя Сон (Тошкент области), Тамара Богданова, Гуля Иминова (Фарғона), Феруза Нурматова (Хоразм) учун спорт ҳам жиддий, ҳам мароқли машғулот.

Велосипед пойгасида фарғоналиклар биринчилар қаторида бўлишди. Е. Бабаенко пойга шартини аъло даражада ўтаб, ғалабага эришди. Иккинчи ўринни хоразмлик Н. Раҳматуллаева, тошкентлик Д. Арамова эгаллашди.

Шашка мусобақасида эса андижонликларнинг қўли баланд келди. Масалан, Дилфуза Ҳасанова, Жамила Ўсарова энг кўп очко тўплашга муяссар бўлдилар. Волейбол, шахмат, шашка, стол тенниси мусобақаларида қизлар ўз командалари шарафини ҳимоя қилаётганликлари сезилиб турди. Аммо мана шундай ютуқлар билан бир қаторда бу соҳада қатор нуқсонларга ҳам йўл қўйилмоқда. Чунончи, спорт билан шуғулланиш хотин-қизларнинг иши эмас деб ҳисоблайдиган кишилар борлиги ҳам маълум бўлиб қолди.

Сарвар Саидова — республика «Пахтакор» кўнгилли спорт жамиятининг катта инструктори:

— Республикамизда қишлоқ хотин-қизлари спартакиадаси ўтказиш ўн икки йилдан бери давом этиб келаяпти. Спартакиадага йил давомида тайёрландик. Район, область спартакиадасида юқори натижага эришганлар республика кўригида қатнашаяптилар. Мен ўз ҳаётий тажрибамга асосланиб айтаманки, ҳали ҳам хотин-қизлар орасида физкультура ва спорт ишлари талаб даражасида эмас. Умидли спортчиларимизни янаги йилдаги мусобақаларда кўрмаяпмиз. Гап шундаки, етишиб чиқаётган истеъдодлар тақдирига кам эътибор берилади, улар маънавий қўллаб-қувватланмайди. Ёш спортчига ёрдам бериш, тушунтириш ишлари олиб борилмайди. Кўпгина мактабларда физкультура дарслари ўз соҳасига қизиқмайдиган ўқитувчиларга бериб қўйилган. Қани айтинг-чи, Наманган областининг спартакиадага қатнашмаётганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

С. А. Пўлатов — республика «Пахтакор» кўнгилли спорт жамиятининг бўлим бошлиғи, ташкилий комитет аъзоси:

— Сарвар опа ҳақ гапни айтаяптилар. Масалан, Навоий, Бухоро, Жиззах областлари спортчилари бугунги мусобақага номигагина қатнашаяптилар. Қорақалпоғистон автоном республикаси мустаҳкам спорт иншоотлари ва етарли моддий базага эга бўлса ҳам мусобақаларда доим қуйи ўринларда юради. Нима учун ажратилган маблағлардан фойдаланилмайди?

С. Саидова: — Физкультура институти, бошқа олий ўқув юртлари, техникумлари, махсус спорт мактаблари мусобақа натижаларига қизиқсалар, кўнгилдагидек бўларди. Бу айниқса хотин-қиз спортчилар тайёрлаш масаласига кўпроқ тааллуқли. Маълумки, спорт мастерлари, чемпионлар узоқ йиллар давомида етишиб чиқади. Биринчи навбатда мактаб ёшидаги боланинг спортга қизиқишини қўллаб-қувватлаш, ундаги куртакни тарбиялаш лозим. Яна такрор айтаманки, маҳаллий қизларимиздан спортимиз юлдузлари етишиб чиқиши учун ҳаракат қилмоғимиз, жойларда кўпроқ тушунтириш ишлари олиб бормоғимиз зарур.

Ишчи Жамила Хуррамова куйиниб шундай дейди:


— Қишлоқларимизда яхшигина маданият саройлари, спорт иншоотлари мавжуд, лекин улар — қиш ойларида мажлис ёки бирор тадбир ўтказилишини ҳисобга олмаганда — йилнинг тўққиз ойи мобайнида савлат тўкиб туради, холос...

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети III Пленумида қайд қилинганидек «...клубларнинг анча қисми ёпиб қўйилган, ёшлар спорт майдончаларига кам келадилар. Ваҳоланки, ана шу муассасаларда салкам 35 минг киши ишлайди».

Сариосиёда ўтган беш кун хотин-қиз спортчиларимиз учун яна бир синов бўлди. Бу синовнинг пировард якунлари — ютуқ ва камчиликларимиздан қандай хулоса чиқарганлигимиз навбатдаги спартакиада мусобақаларида маълум бўлади.

Раъно РАМОНОВА

Сариосиё — Тошкент



Мусобақалар тантанали вазиятда очилди.



Велосипедчилар пойгаси қатнашчилари — Муҳаббат Қурбонова, Зуҳра Тошпўлатова.

М. Исмоилов фотолари

НУҚСОННИНГ КАТТА-КИЧИГИ БЎЛМАЙДИ

Ташвишли сигнал!

Мастер Евдокимов кўп йиллардан бери менга яхши таниш. Бундан ўн йил муқаддам Тошкент Тўқимачилик комбинати пардозлаш фабрикасининг газламага гул босиш цехига ишга келганимда: «Чўчима, ўрганиб кетасан, солдат!» дегани ҳамон эсимда. Ўшанда тенгдошларим билан бу тадбиркор устоздан тўқимачилик сирларини ўрганганмиз.

Яқинда хизмат юзасидан қадрдон цехда яна бўлдим. Цехда ўзгариш катта. Бугунги кун талаблари асосида иш қизғин бораяпти. Уттизинчи йилларда ўрнатилган газламага гул босиш дастгоҳлари қардош Чехословакиядан келтирилган «Элитекс» маркали дастгоҳлар билан алмаштирилибди. Бўёқ тайёрлаш бўлимининг бир қисми ҳисобига цех кенгайтирилибди. Демак, ишлаб чиқариш қуввати янада ошган.

Бу йил корхона, жумладан пардозлаш фабрикаси учун ҳам том маънода техник жиҳатдан қайта жиҳозланиш йили бўлди. Йилига 106 миллион метр хом сурпга ишлов бериш қувватига эга бўлган оқартириш-пишитиш бўлими ишга туширилди. Пардозловчиларга хом сурп етказиб беришни таъминлаш мақсадида пойтахтимизда учта, пойтахт областининг Паркент районида битта тўқув филиали қурилди ва ишга туширилди. Шунингдек, пардозлаш фабрикасининг бош биносидаги техник ускуналар деярли 60 фоиз янгиланди.

Газлама сифатини янада яхшилаш учун анча такомиллашган ювиш, пардозлаш линиялари ишга туширилди. Корхонани техник жиҳозлаш учун ўн беш миллион сўмдан кўпроқ маблағ ўзлаштирилди.

Хўш, амалга оширилган ишларнинг самараси қандай бўлаяпти? Биз умумлаштирилган рақамлар билан танишганимизда, ҳайратдан ёқа ушладик. Ахир, корхонани техник жиҳатдан қайта жиҳозлашдан олдимизга бошқача, самарали мақсадлар қўйган эдик-ку?! Натижа қандай бўлди?

Шу йилнинг саккиз ойи давомида тайёр газлама бўйича корхонанинг қарзи 6,5 миллион погон метрга етди. 6 миллион 285 минг сўмлик чакана нархдаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилмади.

Тошкент Тўқимачилик комбинатида ишлаб чиқариладиган 20 та ассортиментдаги газламанинг 11 хили бўйича план бажарилмади. Айниқса, қарздорлик чит газламалари бўйича 5 миллион, бошқа оҳорли газламалар бўйича 3,4 миллион метрни ташкил этди.

Нега шундай аҳволга тушиб қолинди?

Бу масалани Анатолий Евдокимов билан узоқ таҳлил қилдик.

— Аввал қолоқликка техниканинг эскилигини сабаб қилиб кўрсатардик. Энди дастгоҳларимиз янгиланди, аммо...— А. Евдокимов фикрини аниқроқ ифодалаш учун бироз сукут сақлади,— биласизми, ишлаб чиқаришда муаммоларнинг катта-кичиги бўлмайди. Улар бири иккинчиси билан чамбарчас боғлиқ. Биз ўз иш услубимизда масаланинг шу томонига эътибор бермаганмиз, янги машиналарни эҳтиёт қисмлар билан таъминлашни кичик масала, деб билганмиз. Кўп ҳолларда шу «кичик» масаланинг жиддий таҳлилга муҳтожлиги ишнинг белига тепади. Бизда айнан шу ҳол содир бўлди, деб ўйлайман. Сифатли, харидоргир маҳсулот тайёрлашда ҳамма масалалар бир-бири билан узвий боғлиқдир...

Бу фикр бутун корхона фаолиятига тааллуқли эди. Тўқув фабрикаларининг кўпгина цехлари, участкалари серунум дастгоҳлар билан жиҳозланган. Гоҳ танда, гоҳ арқоқ ипи етишмаслиги, эҳтиёт қисмларнинг камчилиги оқибатида самара бериши керак бўлган дастгоҳлар бекор туриб қолмоқда, юзлаб, минглаб метр газлама тўқилмаяпти. Бу ҳам, Евдокимов айтганидек, ўз вақтида ҳал этилмаган «иккинчи» даражали масала оқибати эмасми?

— «Элитекс» маркали гул босиш машиналари ғилофсиз ишламайди,— сўзида давом этади устa.— Аввалари ғилоф бизга Ивановодан келтириларди. (Ғилоф — газламага гул босилаётганда рангларни ёйилиб кетишдан сақлайдиган, сунъий толалар аралаштириб тўқилган таглик — ред.) Ҳозир ғилоф ўзимизда тўқилади. Ўша таглик етишмаслиги туфайли ҳар сменада 2 —3 дастгоҳ бекор туради. Бу кунига 50—60 минг метр матога гул босилмайди, деган гап.

Корхонада таглик тўқиш учун иккита тажриба тўқув дастгоҳи ўрнатилган ва улардан ойига 850 метр маҳсулот олинади. Аслида шунча миқдордаги таглик пардозловчилар талабини тўла қондиради. Аммо...

— Ивановодан келтирилган тагликдан биз қарийб 1,5 ой давомида фойдаланардик. Ўзимизники эса атиги 15 кунга дош бераяпти.

Таглик нега сифатсиз?

Маълум бўлишича, Ивановодан келтирилган тагликнинг ҳар бир сантиметрига 31 та арқоқ ипи жойлаштирилган (бу Давлат стандарти талаби), бизда эса айнан шу машина техник жиҳатдан номукаммал йиғилганлиги сабабли 28 та арқоқ ипидан фойдаланилаяпти. Натижада ғилоф сифати кескин пасайиб кетмоқда. Бунинг устига, уларга махсус ишлов беришга бизда имконият йўқ, бунинг учун махсус агрегат керак.

— Умумий ишимизнинг олға силжишига тўсиқ бўлаётган, айни пайтда «иккинчи даражали» масала деб қаралаётган нуқсонлар талайгина,— дейди Меҳнат Қизил Байроқ ордени нишондори, Оҳунбобоев номидаги область мукофоти лауреати Карим Ражабов.— Яқинда газетамизда ўқигандим: фабрикамизда лахтак газлама миқдори ошиб бораётганлиги ташвиш билан қайд этилганди.

Лахтак — брак маҳсулот натижаси. Лахтакларни эпақага келтириш учун корхона бошқармасининг инженер-техник ходимларини сафарбар этиш бу ерда одат тусига кириб қолган. Бу «одат»нинг ҳам турган-битгани ортиқча сарф-харажатга олиб келади. Қийқимланган лахтак газламалар паст нархларда кенг истеъмол моллари корхоналарига — қўғирчоқларга кўйлак тикиш учун жўнатилади. Фақат шу йилнинг 7 ойи давомида пландан ташқари 1 миллион 592 минг метр газлама лахтакка чиқарилган. Планда кўзда тутилганидан ортиқча лахтак чиқиши натижасида корхона 2 миллион сўмдан зиёд зарар кўрди.

— Бундан ташқари бўёқларни сақлаш тартибига ҳам риоя қилинмайди,— деб сўзида давом этади К. Ражабов,— натижада бўёқ сифати бузилади, ишлаб чиқариладиган маҳсулот чиқитга чиқади. Бундай аҳволга зудлик билан барҳам берилиши лозим.

Биз юқорида Тошкент Тўқимачилик комбинатининг пардозлаш цехида кўринишдан арзимас туюлса-да, аслида коллектив олдига қўйилган улкан вазифаларни бажаришда жиддий тўсиқ бўлаётган айрим нуқсонлар ҳақида фикр юритдик, холос. Барча ишлаб чиқариш корхоналарида мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, халқ истеъмоли молларининг сифатини талаб даражасида яхшилашга асосий эътибор берилиши таъкидланаётган бир пайтда пойтахтимиз тўқимачилари зиммаларидаги масъулиятни янада чуқурроқ ҳис этишлари лозим. Зеро, нуқсоннинг катта-кичиги бўлмаслигини унутмаслигимиз керак.

Ҳабибулла САИДУЛЛАЕВ,
жамоатчи мухбир

Тошкент

ЖАВОБИНГИЗ АМАЛИЙ БЎЛСИН

Ошкоралик, ҳамма нарсани ўз номи билан аташ ҳаётимизда тобора юксак мавқе касб этмоқда. Афсуски, ЎзССР Маданият министрлиги Маданий ёдгорликлар илмий ишлаб чиқариш Бош бошқармаси Тошкент шаҳар ижроия комитети маданият бошқармаси ҳамда Тошкент ҳайвонот боғи дирекцияси билан бамаслаҳат ҳолда — мазкур бошқарма бошлиғи Ф. Ашрафий имзоси билан «Тимсоҳ нега йиғлайди?» (1986 йил, 7-сон) танқидий мақоласига юборган расмий жавобда ҳудду шу фазилат — масалага масъулият билан ёндашиш етишмайди.

Хатда жумладан шундай дейилади:

«Тошкент Ҳайвонот боғининг кўнгилдагидек ишлаши учун қуйидаги масалаларни ҳал қилиш лозим:

1. Капитал ремонт учун шаҳар ижроия комитети томонидан ажратилган маблағ ҳисобига ҳайвонот боғини қайта қуриш...»

. . . . . .

Бу гапларни ўқиб, Тошкент ҳайвонот боғидаги ачинарли аҳволни тузатишга масъул кишиларнинг ўз зиммасидаги вазифани ўзидан соқит этишга ҳаракат қилаётганликларини сезиш қийин эмас. «Гулистон»нинг Тошкент ҳайвонот боғи ҳақидаги аввалги — 1982 йил, 1-сондаги «Тошкент ҳайвонот боғининг аҳволи яхшими?» сарлавҳали танқидий мақоласи эса умуман жавобсиз қолган эди.

Редакция амалий жавоб кутади.



Мели БОБОҚУЛОВ

ДЕҲҚОН БОБОМ

Кекса ўрик ер бағирлаб шохларин эгган,
Ҳосилини кўтаролмай заминга теккан.
Оғир юкдан букчайган нақ нуроний чолдек,
Боғ ҳуснига қўшиб ҳусн ўсар беҳадик.

Кексаликни тан олмайин югурар-елар,
Бобомни мен шу ўрикка ўхшатгим келар.
У ҳам худди ўрик каби сершох, серҳосил,
Тиним билмай дала кезар ёз-қиш — тўрт фасл.

Деҳқон бобом хаёлида пахта даласи,
Кексайса ҳам кўзаларида бургут ҳамласи.
Ез бўйи у ғўзаларга сув таради, сув,
Терим пайти узун тунлар билмайди уйқу.

Етса ҳамки бобомларнинг ёши бир жойга,
Ярайди у ҳатто отда қўйишга пойга.
Ўз-ўзимча дейман: «Кўп-ку ўғил ва қизи,
Нечун тинмас на кечаси, на-да кундузи?

Набиралар соясида оёқ узатиб
Бўлмайдими ўтирса тинч меҳмон кузатиб?!»
— Бўлмайди, — дер кулиб бобом, юзида ханда, —
Тугар умрим меҳнатни мен қилган кун канда.

Бобом меҳнат ҳамда уруш ветеранидир,
Ақли унинг теранларнинг энг теранидир.
Тушса ҳам соч-соқолига гўё оқ қироз,
Аммо унинг юрагида ловуллар олов.

УРУШ ДЕСА...

Урушда акамнинг елка курагин
Снаряд парчаси кетганди юлиб.
Даҳшатда машъалдек ёқиб юрагин,
Олға йиқилганин сўзлайди кулиб:

«Кейин не бўлганин билмайман, бироқ,
Бахтли тасодифдан қолганман тирик.
Гавдамни бор бўйи қўмибди тупроқ,
Аммо турар экан юрагим уриб...

Отишма тўхтагач, келиб дўстларим,
Тупроқнинг тагидан тортиб олибди...»
Эртакка ўхшайди акам сўзлари,
Шу бир тасодифдан тирик қолибди.

Аммо битгани йўқ ўша жароҳат,
Қирқ икки йилдирки, жони-азобда.
Биров уруш деса, бўлиб бетоқат,
Вужуди силкиниб, титрар ғазабдан:

«Йўқ, йўқ, билсанг, уруш — ажал бозори,
Не-не лочинларга берди у оғу,
Ҳали ҳам жисмимда унинг озори,
Ҳали ҳам куйдирар дилларни доғи...»

ТОНГГИ МАНЗАРА

Шарпалардан гўё сархушдек
Жилмайганда тонгнинг сукути,
Кенгаяди зангори бўшлиқ,
Уча бошлар туннинг ранг-қути.

Тонг парчалар туннинг пардасин,
Еришади сукунат бағри.
Япроқларни куйлатиб насим,
Бир лаҳзага жиловлар қаҳрин.

Тентирайди шамоллар яна,
Жилғалардан учар оҳанглар.
Еришаркан, қилар тантана,
Тонг юзида турфа хил ранглар.

Тўлар шабнам томчиларига
Наъматакнинг гул косалари.
Ўхшар юртим кончиларига,
Гуллардаги тўп асалари.

Табиатга кўрк, чирой қўшар,
Оппоқ тонгдан ёғилган зарра.
Ажаб, худди эртакка ўхшар,
Боқсанг, дўстим, тонгги манзара.

ОҚШОМ ҚЎШИҒИ

Еллар шивирлайди тунни қучоқлаб,
Ҳайратдан энтикар осмон бўшлиғи.
Шитир-шитир куйлар далалар, боғлар,
Чашмалар лабида оқшом қўшиғи.

Кўкда ой ўроғи тарар ним шуъла,
Нилий гумбаз узра юлдузлар ғужғон.
Булут чақмоқ чақиб солар ғулғула,
Туннинг ҳаяжони заминга кўчган.

Ердан кўтарилар илиқ бир ҳовур,
Шамол майсаларни аллалаган пайт,
Дарахтлар бош силкиб вазмин ва оғир
Кўклам келганини этишарлар қайд.

Гуллар ишвасидан яшнар табиат,
Минг бир жилва билан акс этар
ранглар.
Оқшом қўшиғида ажиб тароват,
Атрофга сочилар сирли оҳанглар.

Еллар шивирлайди тунни қучоқлаб...

Пастдарғом







ЯРИМ ОРОЛ СИЛЖИМОҚДА

Илмий текширишларга таяниб шуни айтиш мумкинки, Арабистон ярим ороли доимо силжишда бўлиб, у шимолий-шарқ томон йўналмоқда. Яқинда бу хабарни араб олими Форуқ ал Баз эълон қилди. Қизил денгизда вулқонлар «фаолияти»нинг ошганлиги бунга сабаб бўлмоқда. Олимларнинг фикрига кўра, бу ҳаракат қайтарилмас бўлиб, Ормуз кўрфазининг тугашига олиб келади. Лекин бу ҳолат 50 миллион йилдан кейингина содир бўлиши мумкин.

АНЪАНАЛАР ТИКЛАНМОҚДА

Қувайтда қадимий денгиз анъаналарини қайтадан тиклаш учун ёш сузувчилар ва денгизчилар мусобақаси ўтказилди. Ушбу мусобақанинг фахрий меҳмонлари — илгарилари елканли қайиқларда узоқ денгиз саёҳатига чиққан ҳамда чуқур сув тагидан марваридлар излаган кишилардир.

ЭНГ УЗОҚ НУРЛАНИШ МАНБАИ

Ассошиэйтед Пресс агентлигининг хабарига кўра, Кембриж университетининг (Буюк Британия) олимлари ва АҚШ университетлари энг узоқ квазар (коинотнинг узоқ жойидаги кучли нурланиш манбаи)-ни топдилар. Ундан 12,4 миллиард йилдан бери нур келади. Астрономлар уни Қуёш системамиз ҳам (4,6 миллиард йил илгари), Галактика ҳам (10 миллиард йил илгари) ҳали юзага келмаган даврда қандай бўлса шундайлигича кўрмоқдалар. Янги квазар Дева юлдузлар туркумига киради.

ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИГА ЭЪТИБОР

Форс кўрфази атрофидаги ерларда ҳайвонот оламини сақлаш ҳамда тиклаш тадбирлари кўрилмоқда. Дубай князлигида, Бирлашган Араб амирлигига қарашли воҳалардан бирида ҳайвонот боғи қуриш бошлаб юборилган: бу ерда араб антилопаси, ёввойи тоғ эчкиси, турли хил кемирувчилар ва судралувчилар, шунингдек, қоплон ва мушуклар оиласига кирувчи бошқа ноёб ҳайвонлар асралади. Арабистон ярим оролининг бошқа мамлакатларида ҳам ҳайвонот боғи қуриш мўлжалланмоқда.

ФИДОЙИ АДИБ

ИБРОҲИМ РАҲИМ 70 ЕШДА



Мен Иброҳим Раҳимнинг дастлабки асарларини Улуғ Ватан урушидан сал илгарироқ «Қизил Ўзбекистон» газетасининг саҳифаларида ўқиганман. Айниқса, унинг «Баҳодир» номли поэмаси китобхонларда дуруст таассурот қолдирган эди.

Мана, орадан салкам эллик йил ўтди. И. Раҳим урушдан илгариёқ ўз тақдирини Совет Армияси билан боғлади, солдат ва кичик командир сифатида оқ финларга қарши урушда мардлик ва жасорат кўрсатди. Уша уруш тугагач, И. Раҳим Тошкентга қайтиб, редакцияларда ишлаб юрди, асосан журналист сифатида унумли меҳнат қилди, танилди.

Улуғ Ватан уруши бошланган дастлабки кунлардаёқ И. Раҳим қаламини қуролга алмаштириб, яна фронтга йўл олди. Жанговар офицер ва ҳарбий журналист дўстимиз фронтнинг олдинги линияларида, биринчи қатор окопларда тўрт йил давомида жасорат кўрсатиб жанг қилди, танк бригадаси командирининг ўринбосари даражасигача кўтарилди, айниқса «Узбекистон ССР 50 йиллиги» номи билан шуҳрат қозонган танк бригадасидаги унинг жанговар хизматлари қатор-қатор орден ва медаллар билан тақдирланди.

И. Раҳим урушдан қайтиб келибоқ аввал республика Радиокомитетида, кейин «Совет Узбекистони» газета редакциясида масъул вазифаларда ишлаб юрар экан, бир қатор очерк ва ҳикоялар, талайгина публицистик мақолалар ёзди. Айни вақтда адиб йирик жанрда насрий асарлар ёзишга киришди.

Ана эндиликда, адиб ярим асрлик ижодий йўлни босиб ўтгач, биз унинг асарлар мажмуасини кўздан кечирсак, асосан икки мавзуда: ҳарбий-ватанпарварлик мавзуи билан тинчлик давридаги ҳозирги ҳаётнинг ижтимоий-сиёсий мавзуларида қалам тебратиб келаётганининг шоҳиди бўламиз. Чунончи, «Мангулик қўшиғи» қиссасида Сталинград жангида турли миллат жангчилари, шу жумладан, ўзбекларнинг мислсиз қаҳрамонлиги ҳикоя қилинса, «Ҳилола» қиссасида ёш коммунист аёлнинг колхоз тузумини мустаҳкамлаш, юқори ҳосил етиштириш учун кураши тасвирланади.

Адибнинг «Ҳаёт булоқлари», «Тақдир», «Оқибат» каби романлари ўзбек китобхонлари орасида кенг тарқалгани каби, рус тилига таржима қилинди. Ноқоратупроқ ерларда матонатли меҳнат қилаётган турли миллат кишиларининг ягона интернационал оиласи ҳақидаги йирик бадиий асар — «Оқибат» романи Ўзбекистон ССРнинг Ҳамза номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Мана бир неча йилдирки, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим «Генерал Равшанов» номли трилогия устида ишламоқда. Бу эпик асарнинг биринчи китоби босилиб чиқди. Унинг қизғин баҳсларга, ҳатто жиддий танқидий мулоҳазаларнинг туғилишига сабаб бўлаётгани ижоддаги табиий бир ҳолдир. Адиб эса, танқидчи дўстларига ягона бир жавоб бераяпти:

— Ишлаяпман.

Трилогия ёзиш умрнинг энг салмоқли бўлагини, ўн йилларни ҳазм қилиб юборади. Бу — улкан, машаққатли меҳнат. Адиб албатта, китобхонларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олади. Биз унинг ижодий ҳаётининг бош вазифаси — эпик трилогиясини қиёмига етказиб, китобхонга тақдим этишига тилакдошмиз.

Иброҳим Раҳим — доим ғайрати тошиб турадиган, тиниб-тинчимайдиган адибларимиздан. Уни бугун пахтазорда, эртага биронта институтда китобхонлар билан учрашувда, яна бир куни сафарда — қуролдошлар учрашувига кетаётганида кўрасиз. Албатта, янги очерклар, мақолалар ёзилади, булар газеталарда босилиб туради, радио орқали эшиттирилади.

Биз ҳамиша навқирон, жанговар адибимизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, баракали узун умр тилаймиз.

Ҳамид ҒУЛОМ,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

ЛИРИК ШЕЪРЛАР

Шарофат БОТИРОВА

ЎҒЛИМГА

Қўлларингга ўроқ тутқаздим,
Буғдойзорга йўл олгил, ўғлим.
Бобонг тулпорига ўтқаздим,
Йўлинг бўлсин қуёшдай чўғли.
Ризқ яратмоқ мушкулдир жуда,
Ўт ичига қўлларим тиқиб,
Мен тандирдан узганим кулча —
Насибангнинг бошидир, уққин.
Сен яратган буғдойзор аро
Учраб турса ғумай, зарпечак,
Сен уларнинг томирин йиттин,
Ҳам ташлагил парча-парчалаб.
Эл ризқини пок, ҳалол қилиб,
Қўлларига келтиргил, ўғлим.
Шул заминнинг бағрини тилиб,
Элга насиб излагил, ўғлим!
Қўлларингга ўроқ тутқаздим.

* * *

Хаёл баҳор қушидек чаман кезади —
Неча бор ёниигдан олиб ўтди у,
Неча бор саволга таъқиб этди у
Хаёл вужудимни чунон безади:
Сени гул қилди-ю кўксимга тақди!
Руҳим кўкка етди хаёл ишидан,
Гўё сени топдим ширин тушимда
Гўё тақдир менга бир кулиб боқди.

Сўнг чаман кезишда давом этди у
Кўксимдан сен гулни узиб отди у.
Шалола мавжига қоришиб кетдинг
Узингни тўлқинга юлиб отди у.

Хаёл тарк айлади — бошим айланди,
Қушлар парвозидек чуваланди ўй.
Йўқотиб қўйишдан қўрқаман сени,
Ҳаводай зарурсан менга, билиб қўй.

* * *

Учиб кетар экан турналар,
Қур-қур дея у солар чуввос.
Ҳижрон келиб патин юлмалар.
Бир кайфият одамларга хос.

Ота уйин тарк этган қиздай
Юрак-бағри хазин тирналар.
Ярим тунда учган юлдуздай
Бир паришон учар турналар.

Сиз-ку, яна қайтиб келасиз,
Уч ой деган ўтар-да кетар.
Уч ойдан сўнг баҳор, биласиз,
Уч ойдан сўнг бу замин гуллар.
Лекин менинг эсиз дугонам
Тарк айлади бугун ёр уйин.
Унга энди шодлик бегона,
Уни қучар тул ҳижрон куйи.

Баҳор билан қайтасиз хуррам,
Йўл азоби унут бўлади.
Лекин менинг эсиз дугонам,
Уз уйида унутилади.

...Уч ойдан сўнг баҳор, биласиз.

* * *

Уфқ — менинг ёниқ сочларим,
У шамолдан тўзғиб кетади.
Юзларингни олиб қоч нари,
Шуъласидан ёниб кетади.

Тоғ бошида сакраган оҳу
Шўх юрагим учиб-елади.
Йўл устида турма, туёғи
Кўзларингга тегиб кетади.

Сув бағрига шўнғиган шуъла,
Самбит барги титроқ солади.
Жўр бўлмагин, айтсам ашула,
Вужудингни ўраб олади.

Соч олови ёндирмагай дил,
Оҳудан ҳам қолгайсан омон.
Қўшиғимга жўр бўлдингми, бил,
Куйламасанг ҳолинг кўп ёмон.

...Қўшиқсиз умр сўлиб қолади.

Жиззах

ТОЛМАС КУРАШЧИ

Я. Х. ПЕТЕРС ТУҒИЛГАНИГА 100 ЙИЛ ТЎЛДИ

1918 йил июль ойи... Сўл эсерлар анархиячи бўлинмаларга таяниб, Ф. Э. Дзержинскийни қамоққа олдилар, почта ва телеграфни эгалладилар. Кремлни тўплардан ўққа тутишга ҳозирлик кўра бошладилар. Худди шу пайтда В. И. Ленин Фавқулодда комиссиянинг раислигига вақтинча Яков Христофорович Петерсни тайинлади. Петерс бошчилигидаги ВЧК ходимлари сўл эсерлар исёнини бостириб, уларнинг раҳбарларини қамоққа олдилар.

В. И. Ленин Совет ҳокимиятини душманлардан ҳимоя қилишда Я. Х. Петерс зиммасига кўпгина масъул вазифаларни юкларди. Ватанимиз мустақиллиги ва озодлиги тарихига элчилар фитнаси номи билан кирган Локкарт, Рейли ва бошқаларнинг Совет ҳокимиятига қарши фитнасини фош этишга ҳам, доҳийга суиқасд қилган эсер Каплан ва унинг шерикларини топиш ишига ҳам Я. Х. Петерс бошчилик қилган эди. Шу йил Яков Христофорович Петерснинг туғилганига 100 йил тўлди. У ҳамма учун ниҳоятда ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтди.

Я. Х. Петерс доҳий билан жуда кўп марта мулоқотда бўлган, Совет ҳокимиятини ҳимоя қилиш тадбирларини биргаликда муҳокама қилган, тегишли кўрсатмалар олган эди.

Ёшлигидан бой-помешчиклар қўлида батраклик қилган Яков Христофорович 1904 йили Латиш ўлка социал-демократик партиясига аъзо бўлиб кирди. У 1905 — 1907 йиллардаги биринчи рус революцияси пайтида ишчи-деҳқонлар ўртасида фаол иш олиб борди ва бу ерда Латвия социал-демократиясининг эмиграцион группасини ташкил этди.

1917 йил Россиядаги Февраль буржуа-демократик революциясидан кейин Яков Христофорович ҳам Россияга қайтиш ва янги куч билан инқилобий фаолиятини давом эттириш имконига эга бўлди. Маълумки, Февраль буржуа-демократик революциясидан кейин В. И. Ленин бошчилигидаги большевиклар партияси урушаётган армиялар солдатларининг биродарлашуви тактикасига алоҳида эътибор берган эдилар. 1917 йил ёз ойлари бошида РСДРПнинг Рига комитети Я. Х. Петерсга рус-герман фронтининг Рига яқинидаги участкаларида рус ва немис солдатларининг биродарлашувини ташкил этишни топширди. Я. Х. Петерс фронтнинг XII армия латиш ўқчилари жойлашган ерларда революцион иш олиб борди. Латиш ўқчиларидан немис солдатларига дўстлик хатлари ташкил этди. Большевикларнинг урушга қарши сиёсатини тарғиб қилди. Натижада фронтнинг алоҳида бир участкасида латиш ўқчилари ўз милтиқларининг найзаларини ерга қададилар. Худди шу пайтда фронтнинг нариги томонидан немис солдатлари оқ байроқ кўтариб чиқдилар... Бу ҳол Германияга қарши уруш олиб бораётган Муваққат буржуа ҳукуматини ва унинг бош қўмондонлигини катта таҳликага солган эди.



Оташин революционер Яков Христофоровичнинг шижоати Улуғ Октябрь социалистик инқилоби кунларида айниқса яққол намоён бўлди. У Октябрь кунларида Петроград ҳарбий-революцион комитетининг аъзоси сифатида инқилобнинг энг оғир участкаларида бўлди.

Улуғ Октябрь ғалаба қозонгандан кейин большевиклар партияси Я. Х. Петерсни революция ғалабаларини ҳимоя қилишга йўллади: у Бутунроссия Фавқулодда комиссияси раисининг ўринбосари ва коллегия аъзоси, ҳарбий-революцион трибуналнинг раиси этиб тайинланди. Я. Х. Петерс бу ниҳоятда масъулиятли ва шарафли лавозимларда тиним нималигини билмай ишлади.

Я. Х. Петерс Бутунроссия Фавқулодда комиссиясида Ф. Э. Дзержинский, В. Р. Менжинский, Я. К. Берзин ва партиямизнинг бошқа ленинчи гвардияси вакиллари билан ишлади: ленинча принципиаллик, революция душманларига нисбатан муросасизлик намуналарини кўрсатди. Шунинг учун ҳам В. И. Ленин уни партиянинг «атоқли ва содиқ ходими», деб атаган эди. У гражданлар уруши йиллари ҳарбий тактикани яхши билишини кўрсатди. Қизил Армиянинг кўпгина ҳужум операцияларини ишлаб чиқишда қатнашди.

1919 йилда Я. Х. Петерс ВЧКнинг Украина Халқ Комиссарлари Совети қошидаги вакили қилиб тайинланди. Украинада у бир қанча контрреволюцион, антисовет ташкилотларни фош этиш ва тугатишга бошчилик қилди.

1920 — 1922 йилларда РКП(б) Марказий Комитети Туркистон бюросининг аъзоси ва ВЧКнинг Туркистондаги мухтор вакили бўлиб ишлаган Петерс Туркистонда босмачи тўдаларига, инглиз интервенцияси ва жосусларга, маҳаллий миллатчиларга қарши курашга бевосита бошчилик қилганлардан бири бўлди. Я. Х. Петерснинг бевосита раҳбарлигида республикамизда тажрибали ва малакали маҳаллий кадрлар етишиб чиқди.

В. И. Ленин 1920 йил 30 июнда Я. Х. Петерсни РКП(б)нинг Туркбюро аъзоси сифатида қабул қилди ва партиянинг Туркистондаги сиёсати масаласида батафсил суҳбатлашди.

1921 йилнинг охири ва 1922 йилнинг бошларида Шарқий Бухорода Анвар пошшо тўдаларининг пайдо бўлиши билан Бухоро Совет Республикаси территориясида синфий кураш янада кескинлашди. Бу ҳол бутун Совет Шарқида Совет ҳокимияти тақдири учун катта хавф туғдирди. Ўрта Осиёдаги аҳволни диққат билан кузатиб турган РКП(б) Марказий Комитети 1922 йил 14 мартда РКП(б) Марказий Контроль комиссияси аъзоси Я. Х. Петерсни ва 29 апрелда Г. К. Оржоникидзе ва Ш. З. Элиавадан иборат РКП(б) Марказий Комитети комиссиясини Бухорога юборди. Уларнинг ёрдамида Шарқий Бухорода Совет ҳокимияти мустаҳкамланди, Анвар пошшо тўдалари ва босмачи гуруҳлар тор-мор этилди. Я. Х. Петерс Туркистонда ишлаган йилларда кўплаб ВЧК ходимларини, маҳаллий партия, совет ташкилотлари кадрларини тарбиялашга катта ҳисса қўшди. Унинг совет давлати олдидаги хизматлари биринчилар қаторида жанговар Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди.

Яков Христофорович Петерс партия ва совет халқига садоқат билан хизмат қилди. Шунинг учун унинг покиза номи совет кишилари қалбида абадий яшайди.

И. ҲАЙИТОВ,
К. УМАРОВ,
тарих фанлари кандидатлари


ЎН МИНГ ЙИЛЛИК СУРАТ

Палеонтолог Перси Трезайс Шимолий Австралиядаги ғорлардан бирида қояга ўйиб битилган суратни топди. У топилмани бешинчи қитъада яшовчи аборигенларнинг асл сурати, деб ҳисобламоқда. Трезайснинг хулосасига кўра, катталиги каркидондек келадиган депротон ҳайвонининг суратини қадимги рассом бундан 10 минг йилча бурун тошга ўйиб битган. Олимларнинг фикрича, бу тур ҳайвон орадан 4 минг йил ўтгач йўқолиб кетган.



НОЁБ МУЗЕЙ

ГДРнинг Штральзунде шаҳридаги денгизшунослик ва баликчилик музейини ҳар йили қарийб бир миллион одам келиб кўради. Ундаги бой денгиз аквариуми ва денгизости табиат дунёси намуналари, маржонларнинг тошга айланган қолдиқлари ва бошқа қизиқарли нарсалар кишиларнинг эътиборини ўзига тортади.



Суратда: 1825 йилда Болтиқ денгизидан овланган финвалнинг 16 метрли скелети.

ТАНИШ КЎЧАЛАР

Дилшода САИДОЛИМОВА

ҲИКОЯ

Кузнинг дастлабки кунлари... Қуёшнинг шашти сусайиб, ҳаво салқинлашиб қолган. Қишлоқда қимирлаган жон борки, далада — теримда. Худди шу кунларда Сора отпуска олиб қишлоққа келди. Қувониб кетган онаси: «Вой, боламей, сени жуда соғинган эдим...», деб ўзида йўқ суюнди.

Сора уйда озроқ бўлиб, кейин Қора денгиз бўйларига кетмоқчи, анчадан буён чала ётган диссертациясини ўша ёқда ёзиб тугатиб қайтмоқчи эди. Човха унинг туғилиб ўсган қишлоғи, ҳар келганида бу ердан осонлик билан узилиб кетолмаса-да, негадир ўзини бу ерлардан тезроқ узоқлашишга мажбур қиларди. Чунки, ўтган кунлар хотираси кўз олдидан тинмай ўтаверар, пушаймонга, ўкинчга ўхшаган бир нарса томоғини бўғиб ўзидан-ўзи йиғлагиси, ким биландир уришгиси, кимдандир аламини олгиси келаверар, охири бу ҳол уни шаҳарга жўнаб кетишга ундар эди.

Сора нари-бери чой ичган бўлди-ю кийимларини алмаштириб, ҳовли супуришга тутинди.

— Соражон, магазинга бориб келасанми? — ялингандай сўради онаси.

— Нимайди?

— Уйда ёг қолмабди, овқат қилишга кеч бўлиб кетаяпти. Ҳадемай сингилларинг пахтадан келиб қолишади. Ўзим борай, десам, сигир сенга соғдирмайди, ётинқирайди.

Сора: «Иўқ, боргим келмайди», деб айтолмади. Қандай айтсин? Иилда бор-йўғи ўн-ўн беш кун онасининг олдида бўлади, ўшандаям ўзининг аллахил ўй-хотиралари деб онасининг сўзини ерда қолдирсинми?

Кўчада ҳеч ким йўқ. Аравалардан тўкилган пахталар ҳар ерда сочилиб ётибди.

«Қарамай ўтаман. Уйда ким бор экан-а? Мирзо ишдадир. Аммамчи, аммам нима қилаётган экан?»

Сора ярим йўлга етганда «қарамайман» деб ўзига-ўзи берган онтини бузиб, бундан ўн йил муқаддам ўзиники бўлган, ҳозир эса бегона аёл супуриб-сидириб юрган супага, супа ёнидаги бир вақтлар ўзи ўтқазган атир гулларга кўз қирини ташлади. Кейин, нима учунлигини ўзи ҳам билмаган ҳолда,осмонга ўрлаган улкан ёнғоққа, сўнгра томорқа четидаги бир текис сарвдек ўсган — бир замонлар Мирзо иккаласи ўтказган шамшодларга маҳлиё бўлиб боқди.

«Шунчалик улғайибди-я? Ёнғоқ ҳам пишибди. Ким териб оларкан-а? Албатта, Мирзо билан анави-да! Мирзо шохдан-шохга эпчил ўтиб, қоқади. Паст бўйлик хотин эса ерга тушиб ҳар томон сочилиб, юмалаб кетган ёнғоқлар ортидан пилдираб бориб, уларни пақирга теради. Кейин бир вақтлар мен қилганимдек қуритиб, қопга жойлайди.

Тандирларининг ҳам сувоғи кўчиб кетибди. Сора оғзи тўкилиб кетай деб турган тандирда сира ҳам нон ёпмас эди. Қунтсиз аёлга ўхшайди. Ҳовлидан ёш боланинг биғиллаб йиғлагани эшитилиб турарди.

«Нега овутишмаяпти, ичаклари узилиб кетди-ку, гўдакнинг».

Ўҳу, уйнинг оҳаклари кўчиб, деворлари ёмғир, қордан ивиб кетибди, сувоқнинг сомонлари кўриниб қолибди. Баҳор, ёз, куз ўтиб, наҳотки, ярим челак оҳак топишолмаган бўлса? Е ишлари шунчалик кўпмикан? Одамзод ўзи яшайдиган жойини саранжом-сариштa қилиб ўтиришдан ҳам зарурроқ юмуши бўладими? Е қунт қилишмасмикан? Мирзо бунақа ишларга уста эди. Ўзи сувоган деворларни кўз қорачиғидай асрарди.

Сора уларнинг уйи олдидан аллақачон ўтиб кетгандию бироқ ўй-хаёли шу ерда қолган эди.

Ўшанда у ўн саккиз яшар келинчак эди. Ёзнинг кунлари йилдек эмасми, китоб ўқиб зерикканидан девордаги кашталарнинг ўрнини алмаштиришга тушди. Ун метрлик қизил палакни уйнинг ўнг тарафидан олиб чап томонига илди. Каштадан очиқ қолган жойга — бошқа келинчакларга ўхшаб ўзи тиккан — «Хуш келибсиз, азиз меҳмонлар!», «Уйимизга марҳамат!» деган ёзувлар тикилган сочиқларни қоқди. Иккинчи хонага, даҳлизга эса кино юлдузларининг расми борми, ўзи машқ қилиб чизган табиат манзараларими-ей, яна аллақанақа суратларни ёпиштириб чиқди. Девордан тўкилган сувоқларга эътибор ҳам қилмади.

Ўша куни кечқурун Мирзо ишдан қайтди. Ток тагидаги чорпояда қайнанаси учаласи ўтириб шўрва ичишди. Сўнг онаси Салтанат холаларникига чиқиб кетди. Мирзо иккаласи уйга кириб телевизор кўришди. Шу пайт деворга кўзи тушиб қолган Мирзонинг бирдан жаҳли чиқди:

— Манавиларни ким қоқди?

Ўшанда эрига эркаланиб, фахр билан: «Мен» дегани бугунгидек ёдида. Ўз ишига маҳлиё бўлиб, бировнинг меҳнатини оёқ ости қилганини хаёлига ҳам келтирмаган эди-да.

— Буни қара, — Мирзо ёнбошлаб ётган ўрнидан сапчиб турдида, девордаги михнинг биттасини суғуриб олиб кўрсатди. Девордаги михнинг ўрни чуқур бўлиб қорайиб, сариқ сомонли тупроқ «шув» этиб чўғдек гиламга тўкилди.

— Мен бу уйнинг ҳар бир қаричини соатлаб вақтимни кетказиб суваганман! Ол, ҳамма лашлушингни!

Ўшанда Мирзо ҳеч бўлмаганда: «Сен учун суваганман», деб айтганда ҳам Сорага бунчалик алам қилмас эди. Айб ўзидалигини кўра-била туриб аразлади. Эрига биринчи марта бошқа ўрин солиб берди. Ўзи эса тун бўйи тўлғаниб чиқди.

Қизиқ, Мирзо нега деворларини оқламади экан?

У қишлоққа ҳар келганида Мирзонинг ҳаётида рўй берган янги «миш-миш»ларни эшитар эди. «Иккинчи хотинига кўнгли йўқ эмиш», «Қўлим ишга бормайди» каби узуқ-юлуқ гапларни эшитиб, сиқилган юраги тасалли топгандай бўларди.

«Нега шундай? Одамзод бировнинг қайта тополмаган бахтидан севинар эканми? Еки мен шунчалик худбинманми?»

«Ҳар ҳолда унутиб юбормабдику», деган тасалли Соранинг яримта кўнглини овутганга ўхшарди.

Ииғлаётган боласини овутмай қаерда юрибди онаси? Шунақаям бўш-баёв хотин бўладими? Кир юваяпти шекилли, дорда кирлар осилган. Топган вақтини қаранг. Номозшомда, тўққиз қизнинг тўлғоғи бир келган пайтда-я? Аввал ўғлингнинг қуруқшаган лабларига кўксингни тутиб эмизмайсанми? Боланинг қорни тўйса, онасига зиёни тегмай ўйнаб ётади-ку! Наҳотки, шуни билмайдиган она бўлса? Негадир худди шу лаҳзада Соранинг ичини ҳасадгами, алангагами ўхшаш бир нарса тирнаб кетгандай бўлди. Олдинда эса қишлоқ магазинининг пастқам, оқ биноси кўриниб қолган эди.

Қишлоқ магазини одатда кечқурунлари ярим кечагача очиқ туради. Кечқурун, одамлар ишдан қайтгач магазин гавжум бўлади. Сора бу ерда таниш-билишлар билан кўришавериб, анча ушланиб қолди.

У харид қилиб чиққанида қишлоқ устида енгил чанг муаллақ турарди, уфқда қуёшнинг ёрқин шуълаларидан тўшалган чўғдек алвон ястаниб ётарди. Олисдан подадан қайтаётган сигирларнинг мўъраши эшитиларди.

— Опам келибди!

— Опажон! Қачон келдингиз?

Ишдан қайтаётган Гулчеҳра билан Гулнора Сорани қучоқлаб сумкасини қўлидан олишди.

Опа-сингиллар ҳол-аҳвол сўрашиб, қишлоқнинг тупроқли йўлидан қайтишаётганда бузоқчасини ўтлатиб келаётган Анбар хола олдиларидан чиқиб қолди. Кампир бечора шошиб-пишиб Соранинг пешонасидан ўпиб, қуюқ сўраша кетди:

— Бўйларингдан ўзим ўргилай, Соражон! Сени кўрмаганимга қанча вақт бўлди? Нега келмай кетдинг? Келганингда бундай Анбар холам бор эди, тирикмикан, йўқмикан, деб кирмайсанми? Менинг ҳам тўримдан гўрим яқин қолди, болам. Бугун бор бўлсам, эртага йўқман. Ҳаммамиз ҳам бир-биримизга меҳмонмиз.

— Ундай деманг, холажон, ҳали ўлмайсиз.

— Шундай дейсан-ку, болам, жонга ишонч борми? У худонинг омонати, қачон олгиси келса, олади қўяди-да, биздан сўраб ўтирармиди. Э, бу сингилларинг сенга сираям ўхшамайди. Сен мудом қарашиб, аҳволимдан хабардор бўлиб турар эдинг. Булар ўзини олиб қочади.

Сора Анбар холага овуниб қайтишда бояги ҳовлига қарамади. Лекин Анбар хола эслашни унутмади.

— Мирзаям сендан ажраб, хотинга ёлчимади. Бунинг устига, боласиям ёлғиз. Беш йилдан буён хотини туғмайди. Ўзингнинг соғлиқларинг яхшими, болам?

— Бўлмасам-чи, холажон, отдайман.

— Негадир сенинг ҳам ҳеч рангинг чиқмай қолди. Шаҳар сенга ёқмади, болам. Шу ерларда юрганингда бу пайтгача уйли-жойли бўлардинг. Вақт ўтаяпти. Тўрт-беш боладан қолдинг. Юр уйимга, чой ичиб кетасан.

Хола дарчасини очиб, супага жой тайёрлади.

Сора кулди.

— Кулма, болам. Бу дунё— ёлғончи дунё, кўз очиб юмгунча ўтади, кетади. Одамни фарзанд одам сонига қўшади. Мен ҳам бир вақтлар сендай ёш эдим.

Эрим урушга кетиб қайтмади. Опам ўлиб, болалари менга қолди. Мен эримни кутдим. Жиянларимни катта қилдим. Одамларнинг уй-жой қил, ҳеч бўлмаса битта фарзанд кўриб қолгин, кейин пушаймон қиласан, ўн жойингдан ўясан, ўрнига тушмайди, деган гапларига қулоқ солмадим. Чойдан ичиб ўтир, қизим, узумдан е. Менинг ҳасратим тугармиди, болам. Мана, жиянларим болалик, ҳатто неваралик бўлди. Мен бўлсам, энди ҳеч кимга керак эмасман. Битта болам йўқлигидан ҳеч кимнинг назари илмайди. Истаган одам томорқамга молини қўйиб юбориши, хоҳлаган бола деразамга тош отиб синдириши мумкин. Қариганингда ҳурматинг бўлмаса, барча яшаганинг бекор экан. Гапларимни эсингдан чиқарма, қизим.

Кеч кирди. Муздек шабада эсиб, томорқадаги йўнғичқалар ҳиди ҳовлилардаги ошхоналардан кўтарилган турфа хил ҳидларга қўшилиб, қизнинг димоғига урилди. У очиққанини ҳис этди. Гулнора икки марта чақириб кетди. Онасиям: «Анбар холаси билан топишибдими, энди ётиб қолади», деб жаҳли чиқиб ўтирган бўлса керак. Анбар холанинг дардлари ҳали-бери тугайдиганга ўхшамайди. Нима қилсин, бу бечора кампирнинг ҳасратларини ҳам кимдир эшитиши керак-ку, ахир! Дарди бор одамларгина бировнинг ғамини, дардини тушунади. Соранинг эса, ҳозир кўкси тўла ғам, қайғу. Бу ғам-қайғуни у яқиндагина мана шу қишлоқ йўлидан бораётиб орттириб олди. Шунинг учун ҳам ҳозир унга уйга бориб шод-хуррам одамларни — нохуш кайфият билан хафа қилишдан кўра, ўзидек ёлғиз, худди унингдек бир вақтларда бой берган имкониятидан пушаймонда қолган аёлнинг ҳасратларини, надоматларини эшитиш маъқулроқдай эди.

Анбар хола овқатга уннамоқчи бўлиб ўрнидан турди.

— Сендан азиз меҳмоним борми, болам, бир келиб қолдинг-да, ҳозир ош пишираман.

— Йўқ, холажон! Ундай бўлса, мен ҳозир кетаман. Озгина гаплашиб ўтирайлик, деб кирдим. Мана, узумингиздан еяпман. Жуда ширин ҳусайни экан.

Хола ўтириб, яна гапга тушди.

— Бу йил узум бошини еб солди. Ҳосили кўплигидан узумлар пишмаяпти, танасининг кучи етмаяпти. Ҳамма нарсада меъёр яхши, болам.

Шу пайт холанинг олдига қопқора чиройли мушук боласи келиб, унинг ўнгирларини искалаб, суйкалди.

— Қаерларда юргандинг? Мен сенга овқат солиб қўйгандим, совиб ҳам қолгандир, — шундай дея Анбар хола ўчоқ бошидаги пиёлани мушукчанинг олдига қўйди. Мушукча меҳмонга қарабқараб қўйиб овқатланишга тушди. — Худди ёш гўдакка ўхшайди. Ўрганиб қолганман. Шуни деб азонда тураман. Азонда уйғониб, бошимдаги рўмолимни тортади, ўйнашгиси келади, шолчаларни тортқилайди, хуллас, ухлатмайди.

— Чиройли экан.

— Онасига ўхшайди. Онаси бу йил қишда ўлиб қолди. Кимдир уриб ўлдирди. Ўшанда бу кўзи очилмаган мушукча эди. Зўрбазўр оёққа турғазиб олдим. Эрмак-да, болам. Елғизлик ёмон. Мана шу муштдек жонивор ҳам ёлғизликка кўниколмайди. Баъзан кечроқ қолсам, эшикнинг олдида мунғайиб келишимни пойлайди. Лекин одам кўникаркан. Мана эрим урушга кетганига қирқ йил тўлган бўлса, қирқ йилдан буён мана шу уйда ёлғиз ётаман. Баъзан бировлар: «Бир ўзингиз қўрқмайсизми, қандай ёлғиз ётасиз?» деб сўрашади. Нимадан қўрқаман? Ўзим туғилиб ўсган қишлоғим бўлса. Енатрофимнинг ҳаммаси томирларим, қариндош-уруғларим. Лекин гап қўрқишдами? Ҳар кечада, ҳар тонгда уни илҳақ бўлиб кутаман. Эримдан бирор дарак чиқадигандай ёки ўзи кириб келадигандай туюлади. Мана шу кичкинагина илинж жонимни омон сақлайди.

Соранинг боши оғриб, кўз олди жимирлашиб кетаётганди. Лекин у куч топиб, Анбар холанинг ҳеч бир китобда ёзилмаган садоқати ҳақидаги, муҳаббат ва ҳаёт ҳақидаги ҳақ сўзларини ташлаб кетгиси келмасди.

— Опа, сизни онам чақираяпти? — Дарчада туриб гапирди Гулнора.

Сора ҳам худди шуни кутгандай тез ўрнидан турди:

— Юринг, холажон, бизникига.

— Соражон, эртага бораман, саҳарда бозорга бормоқчиман, узум узиб қўйганман. Барака топ, болам, бахтли бўлгин, — деб хола уни алқай-алқай кузатиб қўйди.

Негадир шундай ҳузурбахш, салқин, ўзи кўпдан соғинган қишлоқ оқшоми Соранинг дил ғашлигига ғашлик қўшди.

— Сени талқон еб сувга юборадиган-да, жон қизим. Йўлдан чарчаб келгансан. Шунчалик ҳам ўтирасанми? — Куйиниб гапирди одатдагидай онаси. Нима қилсин, она-да, фарзандини авайлагиси, асрагиси келади. Лекин унинг юрагидагини қаёқдан билсин? Ҳозир шу лаҳзада онасидан ҳам кўра Анбар хола унинг дардларини тушунгандай эди.

— Опангга овқат олиб келинглар.

— Онажон, овқат егим келмаяпти, памил чой бўлса ичардим.

— Нега, қизим, тобинг йўқми? Келганингдан буён туз тотганинг йўқ-ку!

— Йўқ, йўқ, онажон, ташвишланманг, қорним тўқ, негадир сал бошим оғрияпти.

Улар чой ичиб ўтиришганда онаси ҳам, сингиллари ҳам бир неча марта Сорага қараб-қараб қўйишди. Афтидан: «Биров хафа қилдимикан?» деб хавотирланишарди.

Эртаси эрталаб Сора майда-чуйдаларини йўл сумкасига жойлади. У кечаси таниш кўчалардан олисда — меҳнат отпускасини денгиз бўйларида ўтказишга қарор қилиб қўйган эди...

Вақт — оқар дарё. Кунни кун, ойни ой қувалаб, орадан йигирма йилча вақт ўтди. Сора Аббосовна яна она қишлоғига йўл олди. Бу сафар уни бир вақтлар ўқиган мактаб коллективи «Мактабимизни тугатган машҳур кишилар» учрашувига таклиф этишган эди.

Сора Аббосовна мактабга етар-етмас, енгил машинадан эҳтиёткорлик билан тушди-да, уни кутиб турган одамларга қўшилиб пиёда юрди. Ўқувчиларга совға этиш учун келтираётган ўз китобларини у қўлидан бу қўлига тез-тез алмаштирарди. Мактаб дарвозасида уни мактаб директори ва ўқитувчилар кутиб олишди.

— Ана, Сора Аббосовна! Болалар, қани бу ёққа!

У атрофига қараб улгурмай, чиннигул ушлаган пионерлар уни қуршаб олишди. Гуллар тутқазишди. Болалар унинг қўлидаги китобларни кўтаришга кўмаклашишди.

Болаларнинг устма-уст берган саволларига Сора Аббосовна жавоб бериб бораётган бўлса-да, хаёли бошқа томонларда эди. Орадан шунча йиллар ўтди. Энди қишлоқда уни ота-онаси кутиб олмайди. Улар аллақачон дунёдан ўтишган. Анбар хола ҳам энди сув сепилган ҳовлисида унга пешвоз чиқолмайди. Мирза эса ёлғиз ўғлини уйлантириб, набиралик бўлган, деб эшитади. Сингиллари, укалари уйли-жойли бўлиб кетишган. Ҳаётнинг қонуни шундай. Доимо ўзгаришда, ўсишда.

Сора Аббосовна кўзларига ишонмасди. Мактаб ҳовлисида ҳам тумонат одам йиғилган бўлиб, аксарияти қўлида гул кўтариб туришар, девордаги қизил алвонда қуйидаги сўзлар ёзилган эди: «Бугун соат бешда мактабимизнинг собиқ ўқувчиси, математика фанлари доктори профессор С. А. Шайхова билан учрашув бўлади. Учрашувга марҳамат».

Олиманинг кўзларига беихтиёр ёш келди. У шарқу ғарб мамлакатларининг деярли кўпчилигини кўрган, минбарлардан маъруза айтган бўлишига қарамасдан, ҳозир негадир уни ҳаяжон босарди. Бу она қишлоқ ҳаяжони эди. Шунча эҳтиром, ҳурмат, наҳотки, унинг учун? Уйқусиз тунлар, рухсат чекиб ўтказган дамлар, ёлғизликда кечаётган талх ҳаёти унга шу топда тотли туюлиб кетди.

Сора Аббосовна бирин-кетин йигит-қизлар тутқазган гулларни қучоғига йиғиб оларкан, севинчдан юзлари порлаб, яшариб кетаётгандай эди. Қувонганидан фақат бир хил сўзларни такрорларди: «Раҳмат, азизларим! Раҳмат, азизларим!»



О. ҚОЗОҚОВ. БИРИНЧИ ҚОР.

„ГУЛИСТОН“ ГАЛЕРЕЯСИ

ЖАНГОВАР ИЖОД

Ўзининг етмишинчи баҳорини қарши олаётган рассом Самиғ Абдуллаевнинг ижоди хусусида сўзлаганда, унинг солдатлик, Ватан ҳимоячиси сифатида босиб ўтган йўлини ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш лозим...

Маълумки, Улуғ Октябрь инқилобига қадар Туркистонда тасвирий санъат билан шуғулланиш, рассом бўлиб етишиш ҳақида ўйлаш, хаёл қилиш ҳам қийин эди. Чунончи, ислом ақидаларига кўра, инсон тасвирини чизиш манъ этилган бир шароитда бадиий-ижодий муҳит тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Отаси ўз фарзандларини она-Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида ўстирди. Унинг хоҳишича, Самиғ ака-укалари сингари боғбон-соҳибкор бўлиб етишиши лозим эди. Лекин Самиғ ёшлигидан рассом бўлиш орзуси билан яшади. Унда бундай ажиб истакнинг пайдо бўлишига ойиси Каромат опа тикадиган чиройли сўзаналар туртки берган бўлса, ажаб эмас.

1924 йили бўлажак рассомнинг отаси вафот этади, рўзғор ташвишлари Самиғнинг ойиси билан катта акаси Ҳайдарнинг гарданига тушади. Бу пайтда Самиғ етти ёшда эди ва 115-мактабда ўқирди. Мактабдаги тасвирий санъат тўгарагига ёш рассом А. Тошкенбоев раҳбарлик қиларди. Тўгарак аъзоларини санъатга қизиқтираолган бу ёш рассом ўз шогирдларини таниқли рассом А. Н. Волков билан таништиради. Кейинчалик — Тошкентдаги пионерлар саройида тасвирий санъат студияси очилганидан сўнг — А. Н. Волков унинг устозларидан бири бўлиб қолди.

1933 йили Тошкентда рассомлик билим юрти очилади. С. Абдуллаев ҳам биринчилар қаторида ҳозирги таниқли рассомлардан Ҳ. Раҳмонов, Р. Макаров, В. Фадеев, М. Набиев билан биргаликда шу ерда ўқий бошлади.

Ёш рассомнинг ижодий интилишлари асосан 30-40-йилларда шаклланди. У Н. Қорахон, Уста Мўмин (А. В. Николаев), А. Н. Волков, Б. Ҳамдамий каби ҳар хил услубдаги истеъдодли санъаткорлар билан мулоқотда бўлиб, санъатдаги ўз йўлини топиб олишга интилди. Бўлажак рассом реалистик жонли тасвир — живопись мактаби асарларини зўр қизиқиш билан ўрганади.

1938 йили тасвирий санъат билим юртини битирган Самиғ Абдуллаев бир мунча вақт пионерлар саройида тасвирий санъат тўгарагини бошқаради. Шу пайтларда унинг «Ёш скрипкачи» асари яратилади.

1938 йилнинг сентябрь ойи охирларида Самиғ Абдуллаев Қизил Армия сафига чақирилади. У ҳарбий хизматни тугатиши арафасида Улуғ Ватан уруши бошланади. Ёш рассом урушни Симферополь шаҳрида қаршилади. Тез орада ҳарбий сапёрлик мутахассислигини эгаллаб олди, Украинани, Шимолий Кавказни, Қримни озод этишда иштирок этди, Севастополни душманлардан тозалашда Сапунтоққа биринчилардан бўлиб ҳужум қилди. 1943 йили 97-алоҳида инженерлик батальони составида Кубанни фашист босқинчиларидан озод этишда айниқса жонбозлик кўрсатди. Ўша йилнинг кузги бир ойи мобайнида унинг бўлинмаси олтита кўприкни тиклашда ва дарёдан кечиб ўтишни таъминлашда иштирок этди. Шахсан унинг ўзи душманнинг тўртта ўтли нуқтасини ишдан чиқарди, 2798 та минани зарарсизлантирди!.. Ўша йилнинг 22 декабрь куни сержант Абдуллаев Коммунистик партия сафига қабул қилинди.

Кубандаги жангларнинг бирида С. Абдуллаев қаҳрамонларча жасорат кўрсатди: душман миналаштирган кўприкни сақлаб қолиш учун ўз ҳаётини хавф остида қолдириб, ўқ ёмғири остида эмаклаб борди-да, ёниб келаётган симни кесиб ташлади. Худди шу операция пайтида яраланиб, госпиталга жўнатилди. У ерда кўп ётмади, ўз истак-илтимосига биноан яна тез сафга қайтди. Ўша кунлари унга қаҳрамонлик унвони берилгани ҳақида ҳукумат фармони эълон қилинди. 1944 йил 22 сентябрь куни М. И. Калинин Кремлда унга Ленин ордени ва Совет Иттифоқи Қаҳрамони Олтин юлдузини топширди...

Ғалаба байрамини Москвада кутиб олган С. Абдуллаев ўша йили Тошкентга қайтди ва Ўзбекистон Рассомлар союзига раис бўлиб сайланди. Ўн йил давомида республика тасвирий санъатига раҳбарлик қилди. Рассомнинг машҳур автопортрет асари унинг ўша йиллардаги ижоди маҳсулидир.

Самиғ Абдуллаев чинакам рассом бўлиб етишиш учун ўз маҳоратини такомиллаштириши лозимлигини яхши биларди. Уруш йилларида, ҳар замонда амалга оширилган майда-чуйда чизгиларни ҳисобга олмаганда, қўлига мўйқалам ушламади. Ҳақиқий баркамол асарлар яратиш учун эса ҳар куни машқ қилиш, қўл ва кўзни ижодга йўналтириш, фикрмулоҳазани яна ҳам ўстириш лозим эди. 1947 йили рассом Ленинградга бориб, Давлат Эрмитажини томоша қилади. Рус ва ғарбий Европа санъаткорларининг дурдона асарлари уни ҳайратга солади. Ўз маҳоратини ошириш учун ўқиш кераклигини ҳис этган С. Абдуллаев Ленинграддаги И. Е. Репин номли Рассомлик, ҳайкалтарошлик ва меъморчилик институтига киради. Аммо бир йиллик таҳсилдан сўнг Тошкентга қайтишга мажбур бўлади. Чунки, уруш йилларида орттирилган жароҳатларининг асоратлари унинг иссиқ ҳароратли иқлимда яшашини тақозо этганди: 1954 йилдан бошлаб рассом ўз таҳсилини Тошкентдаги Театр ва рассомлик институтида давом эттирди. Бу ерда у ЎзССР халқ рассоми О. К. Татевосьян, Татаристон АССР халқ рассоми Б. И. Ўрмончи ва ЎзССР халқ рассоми В. И. Уфимцевдан таълим олди.

Институтда ўқиш йилларида С. Абдуллаев ҳар хил жанрларда мустақил асарлар яратди. «Резида портрети» (1954 йил), «Йигит портрети» (1956 йил), «Китобхон қиз» (1957 йил) асарларида мусаввир ўз қаҳрамонларининг характерини, ички ҳолат-кайфиятини ифодалашга интилди. «Қайрағоч», «Айвондан кўринган манзара» (1956 йил), «Колхоз ҳовлиси», «Ҳовли» (1957 йил) сингари асарларида жонли табиат манзараларини мадҳ этиш, ҳаётий воқеа-ҳодисаларни кенг кўламда улуғлаш яққол кўзга ташланади. Рассомнинг диплом иши ҳисобланган «Уста Усмон Зуфаров устахонасида» асари эса, унинг кенгроқ мавзуларда ҳам йирик полотнолар ярата олиш иқтидорини намоён этади.

Самиғ Абдуллаев 1956 йили Ўзбекистон Давлат санъат музейининг директори этиб тайинланади. У, мана ўттиз йилдирки, катта бир ижтимоий-маъмурий ишни рассомлик ижоди билан қўшиб олиб бормоқда. 1967 йили рассом республикада тасвирий санъатни ривожлантириш ва тарғиб қилишдаги хизматлари учун Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби унвонига сазовор бўлди.

Маълумки, бундай масъул вазифани ижод билан чамбарчас боғлаб олиб бориш осон иш эмас. С. Абдуллаев шуни яхши ҳис этиб, ўзининг ишдан ташқари бўш пайтларини фақат ижодга бағишлади. Рассом асарларини бирма-бир кўздан кечирган киши унинг ижодидаги жанр хилма-хиллигини кўриб, ҳайрон қолади. У гоҳо тарихий мавзуда жонли тасвир — живопись асари яратади, гоҳо кўпдан-кўп портретлар, манзара асарлари, натюрмортлари билан томошабинларни хушнуд этади.

С. Абдуллаевнинг рассом Хорис Сиддиқов билан ҳамкорликда 1958 йили яратган «Тошкент комиссарлари» асари тарихий жанрга мансубдир. Бунда рассомлар тошкентлик большевиклардан Н. В. Шумилов, В. Д. Вотинцев, А. Я. Першиннинг инқилоб душманлари билан олишув лаҳзаларини жуда жонли ифодалаганлар.

Самиғ Абдуллаевнинг ижтимоий-сиёсий мазмундаги асарларидан 1967 йили ниҳоясига етган «Дўстлик» асарини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Бунда мусаввир В. И. Ленин ва М. В. Фрунзенинг Ўрта Осиё вақиллари билан учрашувини тасвирлайди. Асарда халқлар қонқардошлиги самимий бўёқларда ўзининг жонли ифодасини топади. Рассомнинг худди шу муҳим мавзудаги «В. И. Ленин Разливда» асари В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкентдаги филиалида сақланмоқда.

Рассомнинг портрет жанридаги ижоди айниқса баракалидир. Унинг 70- ва 80-йиллардаги портрет асарларига хос фазилат шундаки, рассом уларда образларнинг психологик характерини теранлаштириб беришга интилади. Бу жиҳатдан мусаввирнинг «Менинг полкдошларим» сериясидаги асарлари жуда характерлидир. Мазкур серияда рассом полковник Қосимов, генерал-лейтенант Норхўжаев, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари Собир Раҳимов, Боис Эргашев, Ш. Умаров, генерал-полковник С. Е. Белоножко сиймосини мўйқаламда акс эттирди.

Рассом натюрморт санъатида кўпроқ ўз устози О. К. Татевосьян ижодига эргашди ва бора-бора бу жанрда ҳам композициялар ўйлашда, буюмларни жой-жойига қўйишда содда, лекин ўз оригинал услубига эга бўлиб қолди. Унинг нарса-буюмларни ўз табиий гўзаллигида акс эттира олган «Нозик гуллар» (1981 йил), «Сирень ёнида апельсин» (1981 йил), «Сирень ва мевалар» (1986 йил) каби натюрмортларини айниқса алоҳида кўрсатгинг келади.

Самиғ Абдуллаев республикамизда бўлиб ўтган кўпгина кўргазмаларнинг, шунингдек, Бутуниттифоқ кўргазмаларининг фаол иштирокчисидир. Унинг шахсий кўргазмаси 1977 йили Ангрен шаҳрида, 1978 йили Краснодарда, 1982 йили Ялтада намойиш этилди. Бир неча марта чет элларда ташкил қилинган кўргазмаларда ҳам қатнашди.

Меҳнатсеварлик ва ҳаётни тинимсиз ўрганиш, изланиш ва ўз ижодига талабчанлик — Самиғ Абдуллаевнинг бундан буёнги ижоди учун ҳам муваффақият гарови. Қаҳрамон рассомимизнинг жанговар ижодига яна ҳам барака тилаймиз.


Марина РАЕВСКАЯ

«Оқ олтин» ижодкорлари.


М. Пенсон фотоси

Туямўйин қурилишида.

Р. Шагаев фотолари (ЎзТАГ)



Замондошимиз — бунёдкор.





НАТЮРМОРТ.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ, ЎзССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНЪАТ АРБОБИ САМИҒ АБДУЛЛАЕВ АСАРЛАРИДАН

МАНЗАРА.





ГЕНЕРАЛ-ЛЕЙТЕНАНТ ФАЙЗУЛЛА НОРХЎЖАЕВ.

АВТОПОРТРЕТ.





ЧЎПОН.



ҚИРМИЗИ КЎЙЛАКЛИ ГЎЗАЛ.

НАТЮРМОРТ.

СССР ХАЛҚ РАССОМИ РАҲИМ АҲМЕДОВ ИЖОДИДАН

МАНЗАРА.





Самарқандлик уста Аҳмад Мухторов.


М. Пенсон фотоси



Фарғона область Адабиёт музейида

И. КОЧИРОВ. ШОИР ЕРИИ.

Публицистик маҳорат учун



В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети журналистика назарияси ва практикаси кафедрасининг профессори Очил Тоғаев 60 ёшга тўлди. Олим қирқ йиллик илмий-ижодий, педагогик фаолияти давомида 20 га яқин монография, олий мактаблар учун ўқув қўлланмаси ҳамда мақолалар тўпламлари яратди. «Гулистон» журнали редакцияси шу муносабат билан Очил Тоғаевни табриклайди.

— Ҳурматли профессор, бадиий очерк ва публицистикага эътибор кучайиб бормоқда. Дарахт беилдиз бўлмайди, албатта. Публицистикамизнинг тарихий издизлари хусусида қандай фикрдасиз?

— **Таниқли драматург ва журналист Зиё Саид «Ўзбек вақтли матбуоти тарихи»га материаллар» деган асарида ўзбек матбуоти тарихи «Туркистон вилоятининг газети» (1870) нашр этилган вақтдан бошланади, деб таъкидлайди. Бироқ, Ўрта Осиё, жумладан, ўзбек халқи маданияти тарихида публицистика, уни рўёбга чиқариш воситалари, яъни матбуот яратилишидан анча илгари пайдо бўлган. Туркий халқлар ёдгорлиги «Қобуснома» (XI), Низомий Арузийнинг «Чоҳар мақола» (XII) асарлари ижтимоий-ахлоқий пафоси, мантиқий тафаккур усули ва бошқа хусусиятлари билан ўзбек публицистикасининг нодир намуналари ҳисобланади.**

Академик Воҳид Зоҳидов, москвалик йирик олим, публицистика назариячиси Е. Прохоров билан ўзаро суҳбатларимизда ўзбек публицистикасининг тарихи ғоят қадимий эканини, унинг илдизларини IX—X асрлар бағридан қидириш лозимлигини таъкидлаган эдилар. Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис», «Муншоат», «Маҳбуб-ул-қулуб» ва бошқа асарлари таркибида публицистик хусусиятлар мужассамлашган. Алишер Навоийнинг замондошлари Абдураҳмон Жомий, Саид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Маҳмуд, Ҳусайн Бойқаро ва бошқалар ҳақидаги хотиралари биз эндиликда портрет очерки деб атаётган жанр хусусиятлари қарор топган ҳужжатли обидалардир. «Бобурнома» (XVI аср)да бадиий публицистиканинг сафарнома, портрет, репортаж, памфлет ва бошқа жанр хусусиятларини кўрамиз. Шунингдек, Мунис, Огаҳий, Анбар Отиннинг насрий асарлари ҳам ўзбек публицистикасининг намуналаридир.

Хуллас, йирик тадқиқотларга замин бўладиган ўзбек классик публицистикаси ҳали очилмаган қўриқ бўлиб турибди. XIX асрда Урта Осиёда вужудга келган матбуот, Октябрь социалистик революциясидан кейин партия-совет матбуоти — газета, журналларимизнинг кўп йиллик солномаси қатларидаги публицистик бойлигимизни тадқиқ этиш халқ тарихи, ҳаёти, фаолияти, характерига доир фавқулодда кашфиётларни рўёбга чиқариши, шубҳасиздир.

— **«Ўзбек бадиий публицистикаси» (1973) номли монографиянгизни мутахассис олимлар, публицистика назарияси ҳақидаги йирик янгилик, деб баҳоладилар. Очерк ва фельетон жанрининг назарий муаммолари хусусида фикрингиз?**

—**Назария узоқ давр мобайнида тарихий сайқал топиб, барқарор ҳолга келган илмий концепциялардир. Амалиёт, тажриба тараққий этиши билан бирга, назария ҳам такомиллашиб, янги жиҳатлари очилади, чуқурлашади, бойийди.**

Очерк ва фельетон назарияси ўзбек адабиётшунослигида махсус тадқиқ этилмаган эди. Шунингдек, бу жанрнинг Иттифоқ назарияси фанида ҳам ойдинлашмаган жиҳатлари мавжуд эди. Тадқиқотларда очеркнинг беллитристик-бадиий хусусиятларини ишлашга кўпроқ эътибор қилинган эди. Мен очеркда ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий, илмий-техник тадқиқот, публицистик тадқиқотда факт ва ҳодисанинг сабаб, натижа, истиқболини очиш принципларини илмий-назарий асослашга ҳаракат қилдим. Фельетон жанри хусусида ҳам шундай дейиш мумкин.

Публицистика образли ифодасининг оқилона тадқиқот тафаккури билан қўшилувидир. Публицистик саводхонлик ҳаётни чуқур фалсафий-илмий идрок этиш демакдир. Публицистик саводхонлик адабий саводхонликка олиб боради.

— **«Қаҳрамон — ижтимоий ҳодиса» (1985) китобингизга кирган мақолаларда очерк ва публицистикамиз чуқур танқидий таҳлилдан ўтказилган. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида яқинда босилган «Сабабдан моҳиятга» деб аталган мақолангиз ҳам назарий ва таҳлилий янгилиги билан жамоатчилик эътиборини тортди. Публицистикамизнинг воқеликни чуқур идрок этиш маҳорати, бадиий публицистикамизнинг ҳозирги аҳволи ҳақидаги фикрларингизни билишни истар эдик.**

— **Ўзбек публицистикаси, жумладан, очерк жанрида дикқатга сазовор муваффақиятлар мавжуд. Очерк давр, макон билан чамбарчас боғланган адабий жанр бўлиб, жамият тараққиётида муҳим ўзгаришлар юз берган бурилиш босқичларида, айниқса, фаоллик кўрсатади. Республикамизда 60-йилларда қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш, пахтачиликни, айниқса, теримни механизмлаштириш учун кураш йилларида бу жараённи ҳозиржавоблик билан акс эттирган дуруст асарлар яратилган эди.**

Партия XXVII съезди буюк иқтисодий, ижтимоий, маънавий-ахлоқий ўзгаришларга йўл очди. Бу ҳол бадиий публицистиканинг равнақи учун ҳам катта имкониятлар вужудга келтирди. Бадиий публицистиканинг фаоллиги ижтимоий ўзгаришларга ҳозиржавоблик билан муносабат билдиришдангина иборат эмас (афсуски, баъзи публицист-адибларимиз шундай таомилга амал қилиб қўлга қалам оладилар). Публицистик фаоллик — ҳозиржавоблигинг теран тадқиқот, оқилона таҳлил ва умумлаштириш билан уйғунлашувидир.

Бадиий публицистиканинг равнақига монелик қилаётган ҳодисалардан яна бири — очерк жанрига паст назар билан қараш тенденциясининг ҳамон давом этаётганлигидир. Максим Горький бундай ноҳуш кайфиятни 20-йиллардаёқ қаттиқ қоралаган, очеркнинг юксак ижодий имкониятларга эга адабий жанр эканини ҳам назарий, ҳам амалий равишда исботлаб кўрсатган эди. Утган аср рус адабиётида реалистик очерк равнақи рус ижтимоий воқелигини кучли ҳаракатга келтирганлиги аён ҳақиқатдир. Глеб Успенский, Николай Успенский ва бошқа адибларнинг давр ойнаси ҳисобланган очерклари рус классик адабиётида кашфиёт сифатида муносиб ўрин эгаллади.

Совет адиби В. Овечкиннинг 50-йилларда яратган машҳур очерк-эпопеяси истиқбол адабий ҳодисага айланиб қолди.

Очеркка менсимай қараш тенденциясининг яна бир сабаби бу жанрнинг ижтимоий-эстетик имкониятларини етарли даражада англаб етмаслик оқибатидир.

Адабиётда из қолдирадиган ғоявий-бадиий юксак очерклар яратиш — йирик сўз санъаткорларимизнинг ижодий граждан-лик бурчидир.

Замонамиз — илмий-техника замони, бинобарин, таҳлил-тадқиқот замони. Ҳозирги давр бадиий публицистикаси чуқур ўйтафаккур публицистикасидир. Китобхон публицистикадан жимжимадор манзарали тасвир, маиший фактларнинг шунчаки енгил-елпи баёнини эмас, балки янги образли фикрни, ижтимоий, ахлоқий ҳодисаларнинг оқилона кашфиётини излайди.

— **«Прометей олови» (1986) китобингизнинг бир бўлими «Ҳақиқат баҳсда туғилади» деб номланган. Унда профессор Умарали Норматов билан олиб борган баҳсларингиз жамланган. Адабий баҳс хусусидаги фикрингизни билишни истардик?**

— **Адабий баҳс илмий-ижодий мусобақа, кураш. Ҳар қандай кураш, мусобақага хос ахлоқий қоидалар адабий баҳсга ҳам тааллуқлидир. Матбуотда олиб бориладиган баҳсининг предмети соф ижтимоий масаладир. Баҳс шахсий хусуматдан тамомила холи бўлган тақдирда муваффақиятли кечади. Акс ҳолда у икки киши орасидаги шахсий тортишувга айланиб қолади. У. Норматов билан адабий баҳсимизда баъзан шундай ҳоллар ҳам сезилди. Шу туфайли бир қанча чалкашликлар ўша сиз тилга олган китобдаги «Илмий холислик учун» сарлавҳали мақолада исботлаб кўрсатилди. Бинобарин, баҳслашувчилар бош концепцияни унутиб, бир-бирларининг фикрларини асоссиз ёки асосли рад этиш билангина шуғуллансалар, баҳс ўрнида бир жойда депсиниш ҳаракати пайдо бўлади. Баҳс — кўйилган муаммони ойдинлаштириш, чуқурлаштириш ва ривожлантириш демакдир.**

Ўзбек матбуотида илмий-адабий баҳс маданиятини чиниқтириш зарур. Китобхонларда баҳсни тўғри англаш туйғусини, эстетик дидни тарбиялаш ҳам долзарб масаладир.

— **Мазкур китобингиздаги «Характерни англаш санъати» мақолангиз шоҳидлик бергани-**



РИВОЖЛАНАЁТГАН ҚАБИЛА

Индонезиянинг Ириан Жая вилоятига қарашли тоғлиқ Жаявижая районида яшовчи дани қабиласи биринчи марта шоли ҳосили етиштирди. Бундан 30 йил муқаддам мазкур қабила ўзининг хўжалик юритиш тарзига кўра «тош асри»га мансуб эди. Қабила аъзолари ов билан ўрмонда етишган меваларни йиғиш билан шуғулланардилар, ўз чайлалари яқинидаги ерларда ширин картошка етиштирардилар. Марказий ҳукумат бу қолоқ вилоятдагиларга деҳқончилик усулларини ўргатиш мақсадида мутахассислар юборди. Натижада дастлаб синов тариқасида экилган 10 гектар ердан шоли йиғиштириб олинди. Бу район аҳолисини гуруч билан таъминлаш учун (йилига 2000 тонна гуруч етиштириш учун) эса, камида минг гектар ерни ўзлаштириш лозим. Ҳукумат бу вазифани бажариш қийин эмас, деб ҳисоблайди. Чунки мазкур районда экишга яроқли ерлар керагича топилади. Аҳоли эса, шоликорлик касбига қизиқиб қарамоқда.

БУРГУТНИНГ НОЁБ ТУРИ

Филиппиннинг Миндонао оролидаги Малайбалай шаҳрида шу ерлик шифокор Д. Лимбо деган шахс устидан суд олиб борилди. Сабаби: унинг уйидан филиппин бургутининг ноёб турига мансуб жўжа топиб олинди. Маълум бўлишича, Лимбо ана шу ноёб қуш жўжасини чет эллик харидорларга сотмоқчи экан. Бу турдаги бургутлар эса, табиатни муҳофаза қилиш халқаро «Қизил китоби»га киритилган. Филиппинда ана шу қуш туридан қолганлари 300 тага ҳам етмайди. Шу боисдан унинг камайиб кетишига олиб борадиган ҳар қандай хатти-ҳаракат қонун бўйича жазоланади. Бургутлар турини кўпайтириш бўйича кўрилаётган тадбирлар ҳар хил қаршиликларга учрамоқда. Чунки бу қушлар ошён қурадиган жойларда ўрмонлар қийратилган, бургутларга емиш бўладиган майда жониворлар ҳам камайиб кетган.

ТИМСОҲЛАР ОРАСИДА

Америкaнинг Флорида штатида яшовчи Кент Блайет бир юз элликта йирик тимсоҳ яшайдиган катта ҳовузда ҳар куни икки соат давомида чўмилади. Кент ҳар куни эрталаб чўмилиш кийимини кийиб, узун найза билан қуролланиб, сертиш сув йиртқичлари орасига шўнғийди. Бу одам жониворларнинг қитиғига тегмасликка интилади. Тимсоҳлар эса, ҳали унга бирор марта ҳам ҳужум қилганлари йўқ. Кент узун найзани эҳтиёт шартдан қўлида ушлаб сузади, бирор кори ҳол юз берадиган бўлса, «ўта қизиқувчан» жониворларни шу билан ҳайдайман, деб ўйлайди. Блайет — асли ёш олим. У тимсоҳларнинг хатти-ҳаракатлари хусусида диссертация тайёрлаяпти.

ҚАДИМИЙ УСУЛЛАР БИЛАН...

Ҳозирги замон медицина хизмати тармоқлари яхши ривож топган Қувайт мамлакатида сўнгги пайтларда қадимий шифокорлик тараққиётига катта аҳамият берилмоқда. Худди шу соҳа бўйича кенг синовлар олиб бориш мақсадида алоҳида тиббий марказ тузилди. Шу жумладан, хилма-хил шифобахш гиёҳларнинг, фақат шу мамлакатда ўсадиган гиёҳларнинг эмас, Сурия, Судан, Миср ва шунингдек, Хитойда ўсадиган ўтларнинг ҳам хоссаларини ўрганишга эътибор кучайди.

«ҚОБОН» ОПЕРАЦИЯСИ

Индонезиянинг Суматра оролида бутун сентябрь ойи «Қобон» операцияси билан ўтди. Бу операцияда полиция ва ҳарбийлардан ташқари уч мингдан кўпроқ киши қатнашди. Операциядан мақсад камида 1 минг 700 та ёввойи чўчқа — қобонни йўқотишдан иборат эди. Сўнгги пайтларда Жанубий Суматранинг ўрмон ва ботқоқлик районларига мамлакатнинг сераҳоли жойларидан минг киши кўчириб олиб келинган эди. Улар ҳукумат томонидан берилган уйларда ва кўрик ерларда янги ҳаётни бошлашлари лозим эди. Бироқ қобонлар уларга тинчлик бермади, шоликор майдонларни топтаб, кокос дарахтларининг ёш ниҳолларини таги билан кўпориб кетаверди.

САКРОВЧИ ИЛОНЛАР

Илонларни, одатда, табиат томонидан фақат ерда судралиб юрувчи жониворлар сифатида тасаввур этамиз. Бироқ Австралия қирғоқларига яқин бўлган Коралл денгизидаги оролардан бирида «учувчи» илонлар яшар экан. Бу илонлар пальма дарахтларига ўрмалаб чиқиб, пастга — офтобда қизиб ётган қум устига сакраш қобилиятига эга бўлганлари сабабли «учувчи» деган ном олганлар. Маҳаллий аҳоли илонларнинг бундай акробатик «рақс»ларига ўрганиб кетганлар. Бироқ, олимлар илонларнинг бундай ғалати хатти-ҳаракатлари сирини ҳалигача ечиб бераолганлари йўқ.

АНДИШАСИЗ МЕҲМОН

Африкадаги Виктория кўли ўз сатҳи жиҳатидан Швейцариянинг майдони билан тенглашади. Бир маҳаллар бу кўлда 200 турга яқин балиқлар мавжуд эди. Ҳа, қачонлардир шундай эди. Айни пайтда эса, ана ўша турли-туман балиқларнинг деярли ҳаммасини Нил олабуға балиғи еб битирди ва кўлдан қувиб юборди. Гап шундаки, 1950 йили Англиянинг Угандадаги собиқ ҳукмдори томонидан Виктория-Нил дарёчасига Нил олабуға балиғи келтирилиб кўпайтирилди. Сурбет олабуға дарёдан кўлга ўтиб, Виктория кўлининг эгасига айланиб олди.

«Вокруг света» ва бошқа марказий журналлардан олинди.

дек, эстетик таҳлилнинг ахлоқий муаммолар талқини билан кўшилиши адабий танқидни ҳаётга, китобхонларга яқинлаштиришга хизмат қилади. Шу ҳақда ҳам сўзлаб ўтсангиз?

— Белинский, Чернишевский, Добролюбов ижоди ҳақида фикр юритган баъзи мунаққидларимиз XIX аср рус адабий танқидчилигида эстетик таҳлил ижтимоий-ахлоқий муаммолар талқини билан нақадар боғланиб кетганлиги ҳақида ўйлаб кўрганларида, эстетик таҳлилда ахлоқий муаммоларга мурожаат қилиш ўзини оқламайди, деган мужмал фикрни балки баён этмаган бўлар эдилар.

Партиямиз XXVII съезди муҳим долзарб ижтимоий-ахлоқий муаммоларни ҳал этиш олға қараб ҳаракатимизнинг бош омили деб белгилади. Адабий танқид — ижтимоий фаолиятдир. Одамларимизда руҳий янгиланишни вужудга келтириш, янги инсоннинг камолоти вазифасига адабиёт фаол аралашаётган бир вақтда адабий танқид касб-коримизнинг соф «техник» масалалари билангина шуғулланиб қолиши мумкин эмас. Эстетик таҳлил адабиёт ҳақида, бинобарин, инсон ҳақида, унинг маънавий-ахлоқий гўзаллиги ҳақида баҳс этади. Шу маънода эстетика ижтимоий-ахлоқий ҳодиса ҳамдир. Эстетик-ахлоқий таҳлил, талқин ва умумлаштириш адабий танқиднинг ҳаёт ва адабиётга таъсирини, шубҳасиз, оширади.

— Очил Тоғаевич, Сиз қарийб ўттиз йилдан бери олий мактабда таълим бериб келасиз. Партия ва ҳукуматимизнинг олий мактабни қайта қуриш ҳақидаги махсус қарори лойиҳаси муносабати билан бу соҳада таълим, лекция ўқиш муаммолари ҳақида қандай фикрдасиз?

— Мазкур қарор лойиҳаси ҳам партия съезди белгилаган улуғвор режанинг ҳаётга татбиқ этилиши намунасидир. «Мутахассисларнинг билимлари, уларнинг бутун амалий фаолияти давомида юксак даражада бўлишини сўзсиз таъминлаш керак», дейилади қарор лойиҳасида. Бу кўрсатма олий мактабларда лекция ҳамда амалий машғулотларнинг илмий-назарий савиясини кескин ошириш масъулиятини юклайди. Ўқитувчилик — шогирдлар ҳузурига — пастга тушиб, уни ҳам ўзи турган юксакликка олиб чиқишдир. Бу ғоят машаққатли, оғир ва шарафли вазифа. Лекция — олий мактабда педагоглик касбининг асл мағзи. Талаба учун эса, у — номаълум воқеликка саёҳат. Лекция мавзуи чуқур илмий тадқиқот билан таъминланган тақдирда сермазмун янгилик хусусиятига эга бўлади. Бироқ илмий-назарий билимдонликнинг ўзигина лекциянинг муваффақиятини таъминлай олмайди. Гап ана шу билимни янги заминга ўтказиш маҳоратидадир. Ўз билимини ошириб, ёркин, жозибали ифодалаш санъатига эга бўлган педагог бунга муваффақ бўла олади. Шунинг учун билимни ифодалашнинг аудитория шакли — ўзига хос моделини яратмоқ керак.

Илмий-амалий ҳақиқатнинг тингловчилар қалб ва онгида бир умрга муҳрланиб қолиши учун ўқитувчи шахсининг маънавий юксаклиги, ижтимоий ва шахсий ҳаётда ҳалол-бегуборлиги муҳим аҳамиятга эга. «Агар киши бутун вужуди билан сохта ва нотўғри йўлга кириб кетса, — дейди В. Г. Белинский, — ақл ҳам, талант ҳам ундан юз ўгиради». Нопокликка қўл урган маънавий тубан шахснинг обрўли аудиторияга кириб, эзгуликни тарғиб этиши мумкин эмас. Бундай шахс эзгуликнинг заволига хизмат қилади. Хуллас, ўқитувчи буюк А. П. Чеховнинг машҳур ҳикмати маъносини ўзида мужассамлаштирган тақдирда юксак педагоглик номига муносиб бўла олади. «Киши ҳамма жиҳатдан: қиёфаси ҳам, кийими ҳам, қалби ҳам, фикрлари ҳам гўзал бўлмоғи керак».

Суҳбатни А. АВЛОҚУЛОВ олиб борди.

САДОҚАТ

Қозоқбой ИЎЛЛИЕВ

ҲИКОЯ

Қулмурод оға кўп йиллар хизматига яраган эшагининг ниҳоятда қариганлигига, шу йил қишдан омон чиқмаслигига ишонч ҳосил қилди.

— Ҳе, жонивор. Тўрвасидаги жўхориям ғижирлатавермайди-я. Иягига тош осилгандек зўрға жағини қимирлатади, — дея тўнғиллади у ва бир чеккада турган, қовурғалари бўртиб чиққан, бўйнидаги ёлсимон пахмоқ жунлар тўзғиб кетган, қулоқларини, ўзи ҳам безор бўлгандай, пастга осилтириб юборган эшагига яна бир сидра назар ташлади.

Ўша куни Қулмурод оға бошқа ишларини йиғиштириб қўйиб, эшагини Вали темирчи устахонасига етаклаб кетди. Вали оға иккаласи эшакнинг туёқларини тақаладилар, ёлини қирқдилар. Бу машғулот кексаларга чошгоҳга қадар ҳам иш, ҳам гурунг учун баҳона бўлди...

— Жонивор кўп йил хизмат қилди. Энди қарибди. Хонёрган зовурининг нарёгига элтиб ташласамми дейман. Кўз олдимда ўлишини кўрмасам дейман, ҳар ҳолда кўп йиллик ҳамроҳ, эшак бўлса ҳам, ўрганишган-да.

— Тўғри айтасиз, соқолдош, шундай қила қолинг. Бўшловда юрса, бировнинг экинига тушади. Кейин урадилар, оёғини тушовлаб, жарликка ташлайдилар. Яхши эмас-да...

— Шунинг учун ҳам Хонёргандан ўтказиб ташласам, дейман. Бир томони чўл, бир томони ўтлоқ, яна бир тарафи сув оқиб турган жарлик. Ўша ерда хор бўлмас...

Қариялар анча вақт ўтган-кечгандан суҳбатлашиб ўтирдилар.

Тушки жазирама иссиқнинг ҳовури қайтиб, бир оз салқин тушгандан кейин Қулмурод оға эшагини эгарлади, носқовоғини тўлдириб, милтиғини ёнига осиб, йўлга равона бўлди.

— Ҳой, дадаси, милтиқни нима қиласиз? Жониворни отиб ташламоқчимисиз? — деди Обод она хавотирланиб. — Ноинсофлик қилманг!

Бусиз ҳам юраги ачишиб турган қария бу саволга жавоб бергиси келмади:

— Ишингни қил, кампир. «Эҳ, аёллар, раҳм-шафқат фақат бизларда бўлади, деб ўйлайсизлар-а?»

Қишлоқдан чиқиб, шўрлаб ётган дарага кирганда қария адоқсиз хаёллар гирдобига чўмди. Шунинг учун ҳам у ҳозир на йўлга, на орқа-олдига қararди. «Эҳ, қариганидан кейин бу жониворни чўлу биёбонга ташлаб қайтиш инсофдан эмас. Одамдек багритош йўқ бу жаҳонда... Йўқ. Йўқ, бундай эмас, аксинча унга менинг раҳмим келганидан, ўлигини кўзим кўрмасин, бу жонивор ҳам ипсиз ўз ҳолича яйраб юрсин, деб олиб келаяпман-ку, ахир. Одамзоднинг қариликка чораси йўқ. Махтумқули ҳам: «Хасталар қутулар, кексалар қутулмас. Бу дардга ҳеч кимдан чора топилмас», деб бежиз айтмаган. Майли, бу жонивор ҳам ўз ихтиёри билан юрсин, елкасига шамол тегсин. Бўлмаса захда чивин босиб ётади-да».

Қария чуқур хўрсиниб қўйди. «Хуллас, қарилик қийин. Мен ҳам қаридим. Гараш ўғлим шу дамда ёнимда бўлса, нетарди ахир».

Нохуш хотира таъсир қилдими, қариянинг юраги қаттиқ санчиб кетгандай бўлди. «Эҳ, нодон бола, ўқишни тугатиб, эл қатори уйингга қайтсанг бўлмасмиди? Бошим кўкка етарди-ку!»

Юрак тўридан сизиб чиққан ички бир алам қариянинг руҳий дунёсида тўфон турғизди. Ўй-фикрлар ҳуркак қуш каби учди-кетди. Бу ҳақда у ўйламасликка қанча ҳаракат қилмасин, барибир кўз олдида ўша воқеалар намоён бўлаверди. Жаҳлдан қалтираётган қўллари билан чакмони чўнтакларини сермалади, носқовоғини олиб, эгар қошига бир-икки тиқиллатиб, кафтига энкайтирди... Юрагига наштардек санчилаётган ички дард унга тиш оғриғи каби тобора озор берарди. Қария борган сари ўй-фикрлар гирдобига ғарқ бўлди. Кўп йиллар ҳаётнинг аччиқ-чучуги, яхши-ёмонлиги олдида тиз чўкмаган чол ҳозир қайғули хотираларга ён бериб, қадди букилиб, эшак устида мункайганича бир сиқим бўлиб борарди.

Тизгини бўшатилган қари эшак имиллаб одимлар, тушкун кайфиятда — ғам-алам исканжасида бораётган эгасини бепоён оқсов шўрликдан иборат майдон ичра шимол томонга қараб элтар эди...

Қария шу тахлитда анча юрди. Оқ эшакнинг юлғун тўнкасига қоқилиб кетиши ҳам уни хаёллар гирдобидан чиқара олмади. Аксинча ўй-фикрлари тобора туманлашарди.

«Ўша вақтда ҳам қоқилганди бу. Боймуҳаммадларникига бораётган эдим, — дея қария лабларини хиёл қимирлатиб қўйди. — Жерен билан Гарашнинг тўй кунини белгилаш учун бораётганмиди ўшанда? Ҳа, худди ўшанда эди. Боботуя шўрлигининг ўртасига борганида ҳалигидек юлғун тўнкасига қоқилиб кетувди, туя устидан ташланган пўстин каби думалаб тушувдим. Урнимдан туриб қарасам, ҳаром ўлгур, нарироққа бориб ҳанграб турибди. Яхшиямки, изига, қишлоққа қараб шаталоқ отиб кетавермади. Эшак эшаклигига бориб, шундай қилса, қўлимдан нима келарди. Ўша сафар Жерен билан Гарашнинг тўй кунини белгиладик... У кунлар олтинга баробар эди. Афсус, кейинчалик ўғлим мени Боймуҳаммад билан Жерен келиним олдида, йўқ, бутун Янгиёпда юзимни шувут қилди».

Қария носини туфлади. «Йўқ, Қулмурод қайсарнинг сўзи — сўз! Лафзидан қайтиш — туфлаб ташланган носни қайтиб олиш билан баробар. Бундай ўғилнинг мингидан Жерен келинимдек битта қиз яхши. Бу тентак келининг ихлосини, фарзандининг қадрини билмай, биз қариялар орзу-ҳавасини оёқ ости қилиб кетди-я! Эргаштириб келадиган хотини ҳурлиқо бўлса ҳам остонадан йўлатмайман. Янгиёпга қадамини ҳам теккиза олмас. Янгиёпликлар ҳали Қулмурод қайсарнинг ҳурматини жойига қўйишади. Аҳмоқ бўлмасанг, қайси калланг билан бу қадамни босдинг-а?!»

Қария, гўё қаршисида ўғли Гараш тургандек, овозини чиқариб сўкинди: «Аблаҳ дейдилар сенга ўхшаганларни. Ўзинг қилдингми, жабрини ҳам ўзинг торт. Қайтиб келма бу ёқларга! Қорангни кўрсата кўрма кўзимга! Қадимгилар ҳам: «Нокас ўғил бўлди — бўлмади...» дея бежиз айтишмаган. Менинг бир нарсага, ҳа, фақат бир нарсага ичим куяди, у ҳам, сен нокаснинг отаси деган номга қолганимга».

Ғазабдан қариянинг ияклари қалтираб, оппоқ соқоли титраб кетди, ранги ўзгарди. Миясида фақат шу фикр чарх урарди: «Оҳ, мен ирим-сиримга ишонадиган одам эмасман. Ишонганимда эди, ўша вақтда эшакдан йиқилишим биланоқ, тўйинг ҳам турсин жойида, дея изимга қайтиб кетавермасмидим. Эҳ, жонивор, сен бир нарсани сезган экансан ўшанда: беҳуда қоқилмаган экансан! Жаҳлим чиқиб, урдим ҳам сени, тангримнинг ўзи кечирсин гуноҳимни! Бунга ирим-сиримнинг нима ҳам дахли бор. Улар биноийдек яшадилар-ку? Бир-бирини севишди. Гарашнинг ўн йилликни



Х. Лутфуллаев чизган расм.

тугатиб, ўқишга киролмай қайтиб келган йили тўй бўлган эди. Кўп йил иноқ яшадилар. Фарзанд кўришди. Ўғил... Уни уйлантиргандан кейин олий ўқув юртига юбормаса ҳам бўларди-ку? Эҳ, бу ҳам бир армон кишига. Бундай бўлишини қайдан билибмиз. Балки бу бадфеъл қишлоқда юрганда ҳам бир фалокатни бошлармиди. Хуллас, ёлғиз фарзандимиз уйлантирсак, бағримизда бўлар, деб ўйловдик. Барига онаси сабабчи. Энди на фойда, у ҳам билиб ўтирибди. Узини ҳам, бизнинг номимизни ҳам булғади, ярамас. Ўғлинг бор, Жерендек хотининг бор. Эҳ, у қандай келин-а?! Полвонлардек меҳнаткаш. Аслида сен унга муносиб эмассан! Нодон бўлмасанг, Жереннинг қадрига етмасмидинг? Узоқ тунлари ўғлинг билан чуғурлашиб, хатлар ёзишарди сенга. Сен ўқишга кетганингда Жерен келиним ҳам ўғил, ҳам келин ўрнини босди. Анча йиллар биз кексаларнинг куч-қуввати, қаноти, суянган тоғи бўлди. Колхозда ишлаб изингдан жарақ-жарақ пуллар юбориб турди у сенга. Жереннинг уволи уради сен тентакни ҳали. Маймунга ўхшаб оғиз-бурнингни соқолмўйловга бостириб юрганингдан кўрққандим сен аҳмоқдан. Бизлар эса: «Етимнинг оғзи ошга текканда — бурни қонайди», деганга ўхшаб қолавердик бу ерда. Эл болаларига ўхшаб, борган жойингдан келтирадиган, бошлаган ишни дўндирадиган фарзанд бўлар, деб орзу қилган эдик... Яна хат ҳам ёзасан-а?!»

Қария чуқур хўрсинди-да, ўғлидан келган бир хат мазмунини ўзича такрорлади: «Дада! Бу ёз мени кутманглар. Бу ерда мен бир қизга уйландим. У ҳозир кейинги курсда ўқияпти. Ўқишини тугатгунча мен Ашхободда ишлаб тураман. Жеренга кечирим сўраганлигимни, аҳволимни айтиб қўйинг. У тушунади. Дада, биламан, мендан нафратланаяпсиз!»

— Қуён қочди, ўқ тегди, лекин қувончим жуфт бўлмади, нега қаҳрим келсин, — Қулмурод қайсар чипқонига бирон нарса тегиб кетгандек афтини буриштириб, эшагининг қорнига ниқтади. Шу топда ғам-ғуссага ботган қариянинг қулоқлари остида Жереннинг ҳеч кимга сездирмасликка ҳаракат қилиб, юзини ёстиққа босиб йиғлаганлари, ўқтин-ўқтин ҳиқиллаб нафас олганлари эшитилгандек бўлди. Унинг кўз олдидан ўша шум хабар хатни олган кундаги воқеалар бир-бир ўтди. Титроқ овози билан келинига хат ёздираётгани эсига тушди: «Ез, қўзичоғим! «Уша хотин дунёнинг тираги бўлса ҳам унинг билан етаклашиб келиб, остонамдан ҳатламайсан», деб ёз! «Мен буни оқ соқолимдан онт ичиб айтяпман», деб ёз. Ездингми? «Юзинг қурсин», деб ҳам ёз. «Ҳайвонлар, қуш-қумурсқалар ўз уясини унутмай топиб келадилар, сен шуларча бўлмадинг. Одамнинг ёмони шундан ошмас. Энди қадамингни йўлатма бу уйга», деб ёздингми? Ез, тортинма, нега андиша қиласан, айтганимдай қилиб ёз. Тагига ҳам: «Қулмурод қайсарнинг сўзи бир!» деб қўй».

...Уз ҳолича кетаётган эшак ниҳоят Хонёрган жарлиги бўйига етиб келди. Қулмурод қайсар эшакдан тушиб, милтиғини рошга суяди. Эшакнинг эгар-жабдуқларини олди. Ипни бир-бирига улаб, тортиб-тортиб мустаҳкамлигини текшириб кўрди. Кийимларини ечиб, бир туп юлғун тагига қўйди. Шундан кейин жар ёқасига бориб, ипни эшак бўйнига солди-да, ўзи сувга тушди. Соҳил суви тиззадан келди. Шу ерда туриб у сувга тушишни хоҳламаётган эшакнинг ипидан тортди. Ниҳоят, эшакни ҳам сувга туширди. Нариги қирғоқ сари юрдилар. Сувнинг энг чуқур жойи қариянинг ярим белидан келарди. Ботиб-чўмиб қирғоққа чиқдилар.

Қария эшакнинг бошидан нўхтасини олгандан кейин ҳам бир муддат унга гуноҳкорона тикилиб турди. Эшак қулоқларини шалпиллатиб силкинди. Бўшловга кетаётганидан норози бўлгандек қумлоқ ерга ётиб, ялқовлик билан ағанади. Тизгиндан бўшагандан кейин қайрилиб кетавермай, қоқиниб-силкиниб, ағнаб, ёнидан нари жилмаганлигини кўрган қариянинг бирданига кўнгли тўлиб кетди. «Хайр, жонивор! Сен энди бўшсан, бемалол юравер!»

Қария жарликнинг бериги тарафига ўтиб, орқасига қайрилиб қаради. Оқ эшак бечора гўё эгаси билан хайрлашаётгандек қирғоққа келиб, қулоқларини осилтириб турарди. Унинг бу ҳолати: «Мени чўлу биёбонга ташлаб қаёққа бораяпсан? Бу нима деган гап? Мен сенга қандай ёмонлик қилдим, ахир» дегандек бўйнини бураб, норозилик билан савол бераётганга ўхшаб кетди. Қариянинг титраб кетган юраги пора-пора бўлди. «Мени кечир, жонивор! Сени шундай ташлаб кетганим учун кечир. Сен ҳайвон бўлсанг ҳам, мен сендан узр сўрайман. Сенинг ҳеч қандай гуноҳинг йўқ... Менинг ҳам... Иккимизнинг ҳам гуноҳимиз — қарилик, тушунасанми? Қарилик!»

Улуғ мартабали, қайсар табиатли, содда кўнгил қариянинг чуқурлашган кўзларидан икки томчи марвариддек ёш оқиб, соқоли орасига сингиб кетди. «Иккаламизнинг ҳам ёзиғимиз — қарилик! Энди бизнинг бир-биримизга нафимиз тегмайди. Хайр, жонивор!»

...Эртаси куни тонгда эшик тиқирлади. Чолу кампир бу маҳал уйғоқ ётган эдилар. Кампир чолни туртиб: «Ҳой, дадаси, туринг. Ўғлингиз келди шекилли», деди ҳаяжон билан. Қулмурод қайсарнинг ўғлига кўнглида ғарази қанчалар кучли бўлмасин, оталик меҳри ундан устун келиб, ўрнидан турди. Тўнини елкасига елвагай ташлаб, бориб эшикни очди. Не кўз билан кўрсинки, қаршисида оқ эшаги қулоқларини осилтириб, кўзларини мўлтиратиб турарди.

Туркманчадан
Саъдулла АБДУЛЛАЕВ
таржимаси



23-кўчма механизмлашган колоннанинг илғор электрпайвандчилари — Қодир ва Рўзиқул Умрзоқовлар.
В. Баскаков фотоси

РАККА ШИФО ИЗЛАБ...

Мамлакатда рак касалликларини илон заҳри билан даволаш мумкин, деган миш-миш тарқалгандан сўнг, судралиб юрувчилар яшайдиган районларда ростманасига «ташвиш» бошланди. Минглаб одамлар хавфли овга отландилар. Масалан, Кордова вилоятида бир грамм қуруқ илон заҳари учун 150 доллар тўланади. Эндиликда Аргентина ҳукумати ва олимлар тартибсиз ов қилиш натижасида илонларнинг йўқолиб кетишидан қаттиқ ташвишга тушмоқдалар.

ЭНГ ҚАДИМИЙ

Олимлар учун ҳозиргача яшаган динозаврларнинг топилган қазилма қолдиқларини ўрганишга камида ўн йил керак бўлади. Америкининг Нью-Мексика штатидаги Альбукер дарёсининг қуриб қолган ўзанига яқин жойда уларнинг тошга айланиб қолган қолдиқлари топилди. Олимларнинг баҳосига кўра, тарихгача яшаган гигантнинг узунлиги 30 — 40 метр, оғирлиги 100 тонна атрофида бўлиб, бу 10 та филнинг оғирлигига тенг келади. Топилманинг ёши тахминан 150 миллион йил деб белгиланмоқда.

Мукаммал дарсликлар керак

Мактаб таълимини ислоҳ қилиш талаблари нуқтаи назаридан дарсликларни кўздан кечирсак, уларда анча пала-партишликлар, камчиликлар борлиги, бугунги ҳаёт билан ҳамоҳанглик кам эканлигини кўрамиз. Дарсликларни, жумладан, гуманитар фанлар бўйича мавжуд бўлган дарсликларни тубдан қайта кўриб, уларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор беришимиз лозим. Ўзбек классик адабиёти намояндалари асарларини ўрганишда ҳам жузъий камчиликлар мавжуд. Биргина 4-синф «Ватан адабиёти» дарслигидан («Ватан адабиёти», 4-синф учун дарслик хрестоматия. Тузувчилар Х. Убайдуллаев, Қ. Абдуллаева. Тошкент — 1984, 57-бет) Алишер Навоийнинг «Ёлғончи» шеърини олиб кўрайлик. Китобда шеър матни келтирилган:

Бор эмиш аввал замонда бир киши,
Доимо ёлғончилик қилган иши.
Бир куни уйини ўт олган эмиш,
«Қутқазинг» деб дод-вой солган эмиш
Сўзига ишонмабди ҳеч бир одам,
Уйи кул бўлиб ёниб кетди шу дам.
Унга айтмиш бир киши — ақли расо:
«Кимки ёлғон сўзласа, алдар эса,
Ҳар нечукким рост турур онинг сўзи,
Гарчи ёрдам бермади ҳеч сенга эл,
Бошқадан эмас, ўзингдан ўпка қил».

«Садди Искандарий» достонининг 69-бобида ушбу шеър қуйидагича берилган:

Бор эмиш бурун чоғда козибваше,
Уйига тушуб шуълаи саркаше.
Фиғонлар чекар эрмиш истаб мадад,
Эшитганга бўлмай сўзи муътамад.
Чу куймиш уйи юмув-очқунча кўз,
Демиш анга соҳибдили бўйла сўз,
Ки: «Елғон ангаким фаравон дурур,
Чини ҳам эл олинда ёлғон дурур.
Агар қилмади эл ҳимоят санга,
Ўзингдан кератур шикоят санга».
(Алишер Навоий, 10-том, 242-бет, Тошкент, 1965.)

Қарангки, мазмун бирлиги сақланиб қолган бўлса ҳам ҳар икки матн ўртасида катта фарқ бор. Биринчидан, ўқувчи аввалги матнни ўқиб, Навоий шундай ёзган экан, деб ўйлайди. Иккинчидан, ушбу матн Навоийнинг асари эмас, балки енгил-елпи «тузатилган», жуда жўн нусха бўлиб қолган. Бизнингча, китобда Алишер Навоий матнининг оригинал нусхаси, асл варианти келтирилса ва луғатлар билан изоҳ берилса, яхши бўларди. Бу ўқувчининг классик терминлар билан танишишига восита бўлади ва у юқори синфларда қийналмай ўқиб кетади. Алишер Навоий «Садди Искандарий» достонининг 69-бобида тўғрилик, сидқидиллик васфи ва ширинсуханлик фойдаси ҳақида ёзади. Унда тўғри сўзлилик энг катта давлат эканлиги, тўғри йўлдан юриб мақсадга эришиш мумкинлиги, ёлғончининг сўзига эса ҳеч ким ишонмаслигини айтиб, бурун замонда ўтган ёлғончи воқеасини келтиради.

Асар мазмунини чуқурлаштириш мақсадида унинг насрга айлантирилган нусхасини ҳам дарсликда келтириш ўринлидир:

«Бурунги чоғда бир ёлғончи бор экан. Бир кечаси унинг уйига эплаб бўлмайдиган зўр ўт тушибди. Шунда у, ёрдам сўраб қанча дод-вой қилса ҳам, эшитгани ҳолда, бироита одам фарёдига ишонмабди. Унинг уйи тез орада куйиб кул бўлибди. Шундан сўнг унга бир доно киши шундай дебди:

«Кимки ёлғонни кўп гапирадиган бўлса, унинг рост гапи ҳам халқ наздида ёлғон ҳисобланади. Агар уйингга ўт тушганда, халқ ёрдамга келмаган бўлса, ўзингдан ўпкала!» (Алишер Навоий, «Садди Искандарий», Тошкент, 1978 йил, 69-боб, 163-бет. Насрга айлантирувчи — Иноят Махсумов.)

Бу насрий баёндан сўнг ўқувчи қаноат ҳосил қилади. Шу тариқа донишманд шоиримиз Алишер Навоий сиймосини ўз қалбига сингдира олади.

Имом САЛИМОВ



Чуст Бадиий буюмлар фабрикаси каштачилик цехи. **А. Жданов фотоси**

Инқилоб шоири

Савр инқилобининг оташин куйчиларидан бири — Ажмалхон Хатак ҳам Афғонистонда, ҳам Покистонда энг кўзга кўринган забардаст паштузабон шоирлардан бири ҳисобланади. У 1926 йилда Пешовардаги Акураи Хатак деган жойда афғонларнинг машҳур классик шоири ва мутафаккири Хушҳолхон Хатак қабиласига мансуб бўлган камбағал Ҳикматхон деган деҳқон оиласида дунёга келади.

Ажмалхон ёшлик ва ўсмирлик йиллариданоқ ўша пайтларда бутун Ҳиндистон ярим ороли бўйлаб авж олиб кетган мустамлакачиликка, империализмга қарши инқилобий ҳаракатлар гирдобига тортилади. У даставвал инглиз мустамлакачиларига қарши, 1947 йилда Покистон тузилгандан кейин эса Исломобод ҳарбий режимига қарши революцион ҳаракатлари учун Пешовар, Дера Исмоилхон зиндонларида бир неча йил қамалиб, кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган азобларни тортади.


1978 йилда АХДП раҳбарлиги остида Афғонистонда амалга оширилган Савр инқилоби арафасида Ажмалхон Кобулга кўчиб келади ва Афғонистонда сиёсий муҳожир бўлиб яшай бошлайди.

А. Хатак 13 ёшлик давридан бошлаб шеърлар ижод қилади. Шу пайтгача Пешовар ва Кобул шаҳарларида унинг 10 дан ортиқ шеърий, насрий ва адабий-танқидий тўпламлари нашр этилган.

Ажмалхон 80-йиллар бошларидан бери ўзининг устози ва содиқ дўсти, Халқаро Ленин мукофотининг лауреати, Покистоннинг забардаст инқилобий шоири Файз Аҳмад Файз ташвиқи ва маслаҳати билан урду тилида ҳам шеърлар ёза бошлади. Унинг ҳам пашту, ҳам урду тилидаги шеъриятида тинчлик учун кураш, термоядро қуролини пеш қилиб дунё омонлиги ва тинчлигини таҳдид остида қолдираётган Ғарб империалистик доираларини аёвсиз фош қилиш, Савр инқилоби ютуқларини ҳимоя қилиш ва кўпайтириш, Покистон халқини Зиёвул Ҳақ ҳарбий режимига ҳамда Америка Қўшма Штатлари империализмига қарши курашга чорлаш, дунё халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни эъзозлаш каби энг муҳим долзарб мавзулар тараннум этилмоқда.

А. Хатак 1981—1982 йилларда Совет Иттифоқи, Чехословакия, Венгрия, Польша, Ҳиндистон мамлакатлари бўйлаб саёҳат қилади, ўша мамлакатлардаги шифохонларда ётиб ўзининг сиҳатини ҳам бир оз тузатиб олади. Мазкур саёҳат асносида Ажмалхоннинг «Гулуна ав такалуна» («Гуллар ва ҳаракатлар») деган шеърий тўплами вужудга келади. Бу тўпламда Совет Иттифоқидаги, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларидаги ибратомуз ҳаёт тарзи тараннум этилади, халқаро тинчлик ва ҳамкорлик, уруш оловини ёқувчи АҚШ очофат империалистик доиралари разолати фош қилинади. Москва, Ленинград, Тошкент ҳақида ҳам Ажмалхоннинг ажойиб шеърлари бор.

А. Хатак шу кунларда АДРнинг сиёсий-ижтимоий, адабий ва маданий ҳаётида фаол иштирок этаётир. У шоир сифатида Савр миллий-демократик, антиимпериалистик ва антифеодал инқилобининг оташин куйчиларидан бирига айланди. 1986 йилнинг ўрталарида Ажмалхон Кобулда тузилган «Озод қабилалар олий жирғаси» (кенгаши)нинг раиси қилиб тайинланди. Бу ташкилот Покистондаги Зиёвул Ҳақ ҳарбий режимига қарши, АҚШ империализмига қарши фаол ижтимоий-сиёсий, адабий-маданий ва мафкуравий кураш олиб бораётган йирик ва кучли марказга айланди. Ажмалхон Хатакнинг 60 йиллик юбилейи шу йилнинг охирларида АДР халқи ва Покистондаги прогрессив жамоатчилик томонидан кенг нишонланади. Савр инқилобининг оташин куйчиси, халқаро тинчлик ва ҳамкорлик қўшиқларини баралла куйлаётган оташзабон шоир Ажмалхон Хатакни биз ҳам шонли 60 йиллик тўйи билан чин юракдан қутлаймиз. Узоқ умр ва олижаноб курашларда муваффақиятлар тилаймиз.



Ориф УСМОНОВ,
филология фанлари кандидати

Ажмалхон ХАТАК

ПИСКАРЁВО ҚАБРИСТОНИ

(Бу шеър қаҳрамон совет халқининг фашизм устидан қозонган улуғ Ғалабасининг 40 йиллигига бағишланади)

Ажиб гуллардир бу гуллар,
Ол рангидан дилларда нур,
Ватан дея қурбон бўлган
Мардлардан бир ёдгор эрур.
Инсон қони сачрагандай
Ғунчалар хўп қизарибди,
Япроқлари соф туйғудай
Тиниқлашиб, тозарибди...
Қабристон деб ким айтади?
Эмас қабристон!
Иўқ, мардларнинг руҳидан гул —
Гўзал бир бўстон!
Ленинград халқи оқил,
Сангарларда[1] от сурди, от!
Пурқудрат куч, шаҳду шиддат
Фашизмни этди барбод!
Бу — оламга сиғмас олов,
Муҳаббату меҳрдандир,
Ҳаёт, шодлик, шарофатли
Тинчлик деган сеҳрдандир!

Бунда ётган ўликлар, деб
Айта олур ким?
Тирикларнинг тиригидир
У мардлар балким!
Жаранг берар бунда маъсум
Пок руҳларнинг қўшиқлари,
Шаҳидларнинг сурудига
Тўлмиш осмон уфқлари!
Оҳ, уларда янги жунбуш,
Озодликнинг тимсоли бор,
Дунёдаги йўқсилларнинг
Орзу, армон, хаёли бор...

Фано бўлди бари дея,
Айтгувчи қани?
Фано эмас! Абад, боқий
Улар гулшани!



Ажаб гуллардир бу гуллар,
Яшнар жаннат гули мисол.
Ҳар ён насим таралмоқда
Енгил, енгил, ошуфтаҳол.
Олға борар, лаҳза тинмас
Бунда ҳаётнинг карвони,
Бунда ухлар Одамхону
Дурхонойларнинг[1] армони!
Ким буларни уйқуда дер?
Бу гап бекордир!
Улар уйқу нима билмас,
Мангу бедордир!

Фашист деган қора девни
Гумдон қилган ўшал зотлар.
Меҳнатга кенг йўл очолган
Элни этолган ободлар!
Ишчи-деҳқон байроғини
Тутиб баланд чўққиларда,
Келажак, деб ўз жонларин
Машъал айлаб ёқдилар-да!

Ким буларни ўлган дейди?
Ўлмаслар асло!
Улар — гуллар, бўзноч янглиғ
Сўлмаслар асло!

Янги ҳаёт шабадаси
Жаҳонларни тутсин дея,
Разолатнинг машъум саси
Ердан ўчиб битсин дея,
Инсонларнинг ташна дили
Тўлсин дея пок нурларга,
Шаҳид бўлди улар! Умри —
Уланди шон умрларга!
Бунда ётган ўликлар деб,
Айта олур ким?
Тирикларнинг тиригидир
У мардлар балким!

Муҳаммад АЛИ
таржимаси



[1] Сангар — жабҳа, фронт.

[1] Одамхону Дурхоной — афғонларнинг Тоҳир-Зуҳроси ёки Вомиқ-Узроси.

ТУГАНМАС ХАЗИНА

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИГА 4 ЖИЛДЛИК ЛУҒАТ

Ҳар бир улуғ шоир сўз сеҳргаридир. Бу гапнинг далили учун Алишер Навоийнинг бир байтини мисол келтирайлик:

Ростликдин дайр тоқиға мадор ўлмоқ не айб,
Соликикким бўлса хизматда сутун янглиғ ҳамул.

«Ғаройибус-сиғар» девонидаги бир ғазалдан олинган мазкур байтнинг мазмуни шундай: «Устун сингари бардошли (ҳақиқат йўлининг) йўлчиси (ҳақиқатга, инсониятга) хизматда тўғрилик билан бу жаҳон гумбазини кўтариб турувчи таянч бўлмоғи айбми?»

Навоий ўз ғоявий мақсадини бутун бир жаҳоний фалсафага айлантиради, мағзи тўқ кичик бир данакдан сершох ва сермева улкан бир дарахт етиштиради. Унинг ҳаммасига у сўз қуввати билан эришади. Қандай қилиб? Ҳар бир сўзнинг ички маъносидан мукаммал фойдаланиб. Мана байтдаги сўзларнинг маънолари:

«ростлиқ» — 1) тўғрилик, эгри эмаслик, тиклик; 2) тўғрилик, рост сўзлаш, ҳақиқатгўйлик; «дайр» — 1) бутхона, ибодатхона, барча саждa қиладиган маскан, макон; 2) майхона, риндлар ишратгоҳи; 3) бу фоний дунё, ёруғ жаҳон; «тоқ», «дайр тоқи» — 1) гумбаз, ибодатхонанинг гумбаз шаклидаги шифти; 2) осмон гумбази; «мадор» — 1) гардиш, айлана ўқи; 2) таянч, суянчиқ; «солик» — 1) йўлчи, йўлга чиққан киши; 2) тасаввуф терминологиясига кўра олий Ҳақиқатга етишишнинг бирор-бир йўлини (тариқини) танлаган киши; «сутун» — устун; «ҳамул» — 1) юкни кўтариб турган; 2) бардошли, таҳаммулли.

Навоий ушбу маъноларнинг ҳар биридан бир йўла фойдаланади, унинг байтида муайян сўз ўзининг бир маъносида эмас, бир неча, балки барча маъноларида жилоланиб келади. Натижада, бир байт чегарасида ажойиб бадиий олам яралади. Байтнинг юқоридаги келтирилган мазмуни унинг фақат хулосасидир, асли ундаги сержило бадиий олам чексиз маънолар силсиласига эга «дайр», аввало, бутхона, саждагоҳ. Демак, ҳамма саждага бош қўймоғи, эгилмоғи лозим. Аммо шоирнинг лирик қаҳрамони бош эгмайди, қаддини тик тутади. Саждага бош қўйган, бутларга, санамларга, илоҳларга сиғинган кишилар эмас, балки ибодат уйида қаддини тик тута олган, турли илоҳларга бош эгмай, рост сўзлаб, рост юрган инсонгина бу олам уйининг ҳақиқий устуни, таянчи бўла олишга қодир, шундай инсонлар қолмаса, бу фоний жаҳон тоқи босиб тушиши ҳеч гап эмас.

«Дайр», бу — майхона, унда барча сархуш, маст. Ушбу мастлар ичида «ростлиқ» билан «дайр» тоқиға таянч, мадор бўлиш, ҳушёрликни қўлдан бермай, устивор туриш атрофдаги мастлар назарида айб. «Дайр» — майхона — тасаввуф терминологиясига кўра суфийлар мажлисгоҳи, «васл уйи», солик учун Ҳақиқатга етишиш макони. Навоий қаҳрамони «ростлиқ» йўли билан Ҳақиқатга етишмоқчи: ўзга риёкорлар назарида бу айб саналса, унга не парво? Унинг эътиқодича, фақат «ростлиқ» билан «дайр тоқига мадор» бўлиш мумкин, чарх уриб айланаётган фалакни ўз орбитасида сақлаб қола олувчи ўқи — «мадори» «ростлиқ»дир.

Аммо бу «ростлиқ», тўғрисўзлилик, қадни рост тутиш замини, асоси, сабаби нимада? Қандай ички қудрат манбаи лирик қаҳрамонни «дайр тоқига» мадор бўлишига имкон бермоқда? Уни бу даражa бардошли («ҳамул») этмоқда? Бу саволга бир байт чегарасида жавоб бериш қийин, аммо Навоий ишора қилиб ўтган: «Соликикким, бўлса хизматда...» Кимга ва нима ҳақки хизматда эканлигини қавс ичидаги сўзлар қисман шарҳлаб беради. Бу шарҳ даҳо шоирнинг бутун ҳаётий ва ижодий йўли моҳиятидан келиб чиққани учун, албатта, биргина луғат ёрдами билан унга жавоб топиш мумкин бўлмайди. Навоий поэтик олами доирасида Ҳақиқат ва Инсоният тушунчалари бир маъноли тушунчалар бўлгани учун улар бирга, вергул орқали берилди. Шоирнинг ҳар бир байти заррада қуёш акс этганидек, унинг ижоди асл мазмунининг бир қиррасини акс эттиради.

Алишер Навоий бадиий хазинаси шундай туганмас ва ҳудудсиз бойликдир. Унга кириб бормоқ учун эса, «эшиклар» керак. «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати» тўрт жилди[1] худди шу «эшиклар» хизматини ўтагувчи восита бўла олади.

Навоий ўзи яшаб, ижод этган минтақадаги қардош икки миллатни тил жиҳатдан аниқ фарқлаб, ўзбек адабий тилини илмий ва бадиий адабиётнинг барча соҳаларига урф қилди. Шу билан бир пайтда тил жиҳатидан форсий ва туркий элатларни икки миллатга жипслаштирибгина қўймай, балки уларнинг тенглигини ва ўзаро тенг ҳуқуқли дўстона иттифоқини ҳам асослаб берди. Аммо у яратган ўзбек адабий тили туғилишидан бағри кенг, маҳдудликни билмайдиган тилдир. Унда барча туркий элатларнинг тил бойлиги узвий қамраб олинган. Бунинг устига, форс, араб тилининг барча луғат имкониятлари минтақа аҳли тушунадиган даражада маҳорат билан истифодага киритилган. Навоий тилида юнон, ҳинд, мўғул ва ўша даврда шоир яшаган маконда маълум бўлган ўзга тил унсурлари ҳам кенг фойдаланилган. Навоий учун ўзининг юрагидаги жаҳоний дардларини гўзал ва мукаммал бадиий ифода этишга, жаҳоний қудратга эга тил лозим эди. «Бу ўзимники, бу бировники», деб ажратадиган биқиқлик бу тилга ёт эди. Шу сабабдан биз, ҳозирги чанқоқ китобхон, луғатсиз қийналамиз. Насрий баёнлар, шарҳлар бизни қониқтирмайди. «Қўл билан берганга қуш тўймас», дейди халқимиз. Буюк ганжинага мустақил кириб бориш учун бизга эшиклар керак. Навоий луғатини яратиш шундай эзгу хизматдир. Унинг беҳудуд оламига кириш учун қурилган йўллардир. Ўнлаб заҳматкаш олимларимиз бажарган улуғ меҳнат натижасида 4 жилдли қомус — хазинага 4 эшик яратилди. ЎзССР Фанлар академияси мухбир аъзоси Э. И. Фозилов, филология фанлари кандидатлари Б. Бафоев, Ж. Лапасов, Ю. Шокиров, З. Ҳамидов, А. Юнусов, Н. Асилова, И. Носиров, Ҳ. Дадабоев каби луғатшунослар, марҳум устозлар Қ. Муҳитдинов, Н. Хўжаев, Ж. Эфтихор ва ўзга кўп илм толиблари кўз нурини тўкиб яратган бу қомус академик А. Н. Кононов, филология фанлари докторлари А. П. Қаюмов, А. Ҳ. Ҳайитметов, Ш. Шукуров, филология фанлари кандидати Қ. Каримовлар таҳриридан ўтиб, китобхон қўлига етиб келди. Унда нафақат шоир асарларининг оммавий ва илмий-танқидий нашрлари, балки нодир қўлёзма нусхалар ҳам кенг жалб этилган. «Луғат Навоийнинг туркий асарлари материаллари бўйича ҳозирги замон лексикографик ва тарихий-филологик таҳлил асосида тузилган», ҳар бир сўзнинг маъноси қисқа, лўнда ва аниқ изоҳ билан ифода этишга ҳаракат қилинган, фақат мустақил сўзларгина эмас, иложи борича асосий фразеологик ибора, турғун бирикмалар ҳам қамраб олинган. Луғатнинг яна бир ижобий ютуғи — иллюстратив материалларга бойлигидир. 1972 йили нашр этилган «Навоий асарлари луғати»да бундай имкон бўлган эмас эди. Бу мисолларнинг турли сўзлар маъносини янада чуқур англаб етишда аҳамияти беназирдир. Аммо яна бир жиҳатни эслаб ўтмоқ лозимки, китобхон яхлит матнни ўқиганда, баъзан умумий мазмун изидан кетиб, ҳар бир байт, ҳар бир сатрда яратилган гўзал ва ихчам манзарани ёркин тасаввур қилиб улгурмаслиги мумкин. Луғатдаги айрим сўзларга келтирилган мисоллар эса, кўпинча шу жиҳатдан шоир бадиий оламига бизни ичкарироқ олиб киради. Масалан, «чубуқ» сўзига изоҳ йўсинида берилган қуйидаги байтни қаранг:

Югурур ҳар киприкимга ортилиб бир қатра ёш,
Шўх ёшлардекки ўйнарлар чубуқ маркаб қилиб.

Ким гўдаклигида тол новдасини от қилиб миниб, «Ҳа, чу, тойчоғим!», деб тенгдошлари билан пойга қилмаган! Лирик қаҳрамон кўзларида ёш аралаш, гўдаклигини эслаб жилмаймоқда. Луғатни изоҳлашда Навоий асарларига асрлар давомида яратиб келинган шарҳ ва луғатлардан унумли фойдаланилган. Булар Толи Имоний Ҳиравийнинг XV асрда яратилган «Бадоиъ ул — луғат»и (1 мингга яқин сўз), «Абушқа»



(2 мингдан ортиқ сўз), Мирзо Меҳдихоннинг «Санглох»и (8 мингга яқин сўз) ва бошқа кўплаб луғатлардан иборат бўлиб, улардан бири-«Хамса боҳалли луғат» номи билан «Хамса»нинг Кўқонда 1845—46 йилларда кўчирилган қўлёзмаси ҳошияларига битилган шарҳлар — 4-жилд охирида илова шаклида тўлиқ келтирилган. Бундан ташқари, «Иловалар» таркибидаги Навоий асарларида учровчи арабий бирикма ва иборалар талқини, киши номлари, географик, астрономик ва бошқа исмлар жуда фойдали ва зарурий маълумотлар мажмуини ташкил этган ва нафақат Навоийни, балки бошқа классик шоирларимизни тушуниб ўқишда ҳам катта ёрдами тегиши мумкин.

Албатта, бу бажарилган иш Навоийнинг мукаммал муаллиф луғатини яратиш йўлида биринчи жиддий қадамдир. Навоий луғатини тўкис статистик маълумотлар билан, ҳар бир сўзнинг аниқ ўрнидаги аниқ маъноси шарҳланган ҳолда тузиш учун ҳали кўп иш қилиш лозим. Ишончли ва қадим манбалар асосида барча асарлар илмий-танқидий матнини яратиш, ушбу матнлар асосида тўлиқ ва мукаммал, барча сўз-

АБДУЛЛА ШОИР

БОРДИР

Ота Ватаннинг қадрини ҳақлаган,
Кўксини қалқондек керганлар бордир.
Заҳмат чекиб ишончини оқлаган,
Бори-йўқлигини кўрганлар бордир.

Қадалган жойини обод жой қилган,
Молу ҳолга, экинзорга бой қилган,
Осмонни қўндириб юлдуз, ой қилган,
Жаннатдайин қилиб юрганлар бордир.

Дунёмиз қуролу аслаҳасиз бўлсин,
Ҳар ким тўғри бўлсин, гуноҳсиз бўлсин.
Одамлар яйраган — оҳ-воҳсиз бўлсин,
Ерда, кўкда посбон турганлар бордир.

Кўтарилиш Тахтақорача тоғи,
Шунда бобомларнинг ер-суви, боғи.
Олға борсак, қўлда Ленин байроғи,
Замонани тузиб-қурганлар бордир.



Абдулла шоир ва Чори Ҳамроев. (1953 йил.)



ҚАЙНАР БУЛОҚ ҲАҚИДА

Қишликда кимим йўлар,
Кўнглим бўшалар, тўлар,
Кўзим йўлларда бўлар
Қайнарни кўрмагунча.

Бўзлаб қолган бўтаман,
Довон ошиб ўтаман,
На бор ором — ётаман,
Қайнарни кўрмагунча.

Қишликда, азизларим,
Уйқу кўрмас кўзларим,
Олов сочар сўзларим,
Қайнарни кўрмагунча.

Қайнар булоқ — чашма булоқ,
Чашма булоқ — тошма булоқ.
Ойдин булоқ, қайна, булоқ,
Келинларга ойна булоқ.

Тоғдан чиққан дарин булоқ,
Чашмаларинг улоқ-улоқ,
Қор қоядан чиққан булоқ,
Умрдайин оққан булоқ.
Қайнар булоғим чашмаси,
Юрагимнинг сирлашмаси.

Менга баҳор-ёз ёқмас,
Менга наво-соз ёқмас,
Кулги ёқмас, ноз ёқмас,
Қайнарни кўрмагунча.



УНУТМАГИН

Унутмагин бир йиғинга борганда,
Зинҳор-зинҳор аччиқ тилда сўзлама.
Ҳар жойда гапирма, ҳар жойда дема,
Ўлтириш-туришни бил-да, сўзлама.

Шоир бўлса, жазман этиб сайрасин,
Уни тинглаганлар қониб яйрасин,
Е севдирсин ёки сени қайрасин,
Ошириб-тошириб элда сўзлама.

Сўзинг бўлсин маънолардан йиққанинг,
Билсанг, ҳар маъно сўз ўзингнинг шонинг,
Яхши келмас орамиздан чиққанинг,
Кўтарсалар ҳам тел-телда сўзлама.

Шоир бўлсанг етгин сўзнинг сирига,
Кўнгил боғла шоирларнинг пирига.
Ярашмас ўчакишмоқ бир-бирига,
Қадр билмасдан кесилда сўзлама,
Нобоп гапни айтиб, сўнгра музлама.

Чори ҲАМРОЕВ ёзиб олган

нинг ҳамма ишлатилган ўринлари қайд этилган картотека тузиш, жами асарларнинг сатр-сатр илмий асосли шарҳларини ишлаб чиқиш ушбу муҳим ишлар сирасидандир. Ҳозирги кунда бу соҳада олимлар заҳматини енгиллатиш учун ЭҲМ хотирасидан фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилмоқда. Аммо барибир Алишер Навоий бадиий олами чексизлигича қолади. Унда ҳар бир ўқувчи ўзига яраша кашфиётлар қилиш имкони ҳамиша сақланади ва бу имконият — устод китобхонининг бахтидир.

Луғатнинг ҳозирги ҳолатида ҳам баъзи таҳрирга муҳтож ўринлари бор. Баъзи сўзлар тўкис шарҳланмаган, маънолари етарли ажратиб кўрсатилмаган. Юқорида келтирилган мисолдаги «ростлиқ» сўзи, у билан умумий негизли «ростмонанд» сўзи икки маънога ажратиб кўрсатилмаган. Фақат негиз сўз — «рост» шарҳидагина «1. Чин, ҳақиқат»; «2. тўғри, эгри эмас» маънолари алоҳида ажратиб берилган.

Баъзи ўринда эса араб имлосидаги қисқа унлилар кўрсатилмаслиги туғдирган чалкашликлар натижаси ўлароқ Навоийда мавжуд бўлмаган сўзлар ва маънолар пайдо бўлган. Масалан, «жоҳиллар» деб изоҳланган «жаҳул» сўзи аслида олдинроқ берилган «жаҳул»нинг ўзидир. Мисолда —

Қилмади Ҳудҳуд бу ишни қабул,
Ўзгалар худ бор эди жамъи жаҳул —

бўлиши керак. «Жуда нодон, ўта билимсиз» деган шарҳ ҳам, бизнингча, етарли эмас, «жаҳул» — «ҳали нодон, ғўр», яъни онги очилиб, дунёни тушуниб етиб улгурмаган, билим олиб улгурмаган, ҳали билим олишга тайёр бўлмаган ҳолатни англатади. Арабий ибора ва бирикмалар ҳам ҳали қамров жиҳатидан мукаммал эмаслиги луғатдан фойдаланганда билиниб қолаётир.

Аммо қандай бўлмасин, бу яратилган қомус ниҳоятда зарурий ва шоир ижоди ихлосмандлари учун ноёб туҳфа эканлиги шубҳасиздир.

М. ИМОМНАЗАРОВ,
филология фанлари кандидати

[1] Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томлик. I—IV томлар. Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, Тошкент, 1983—1985 йиллар.

ҲАЙКАЛТАРОШ

Таниқли ҳайкалтарош Абдумўмин Бойматовни излаган киши кўпинча уни устахонасидан топади. Устахонада турли-туман ҳайкаллар панорамасини кўрасиз. Мавзуси, материали, ишланиши жиҳатидан турли-туман бўлган бу асарларнинг барчасини муштарак бир нарса — моҳир санъаткорнинг қалб қўри бирлаштириб туради.

— КПСС XXVII съездига бағишлаб намойиш этиладиган кўргазма учун танлаган асарларимни яна бир кўздан кечираётгандим, — деди Абдумўмин ака. — Мана шулардан бири — «Ғолибларнинг фарзандлари».

Ҳайкалга узоқ тикилиб қолдим. Бу асар ҳақида ҳайкалтарош билан Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 60 йиллиги арафасида суҳбатлашганимни эсладим. Ушанда у юбилей кўргазмасига тайёргарлик кўраётганди. Тўғри, бу иш у вақтда ҳали эскиз ҳолида эди. Бугун эса аниқ қиёфасига эга. «Ғолибларнинг фарзандлари» — Улуғ Ватан уруши даврида ота-онасиз қолган гўдакларни бағрига олиб тарбиялаган тошкентлик Шомаҳмудовлар оиласига бағишланади. Асарни томоша қилар экансиз, беихтиёр кўз ўнгингизда уруш даври манзаралари намоён бўлади. Фронт ичкарисига эвакуация қилинган минглаб болалар. Ўзбек халқи уларни катта меҳр-муҳаббат, қалби тўла саховат билан бағрига олди, уруш туфайли бошларига тушган кулфатларга, очликка қарамай, улкан бир фидойилик билан уларга паноҳ бўлди.

— Биласизми, — дейди Абдумўмин ака, — бу мавзу қалбимга ниҳоятда яқин. Эҳтимол, бунга айни болалик йилларим уруш даврига тўғри келгани сабабдир. Ўша пайтларда қаламда суратлар чизиб, лойдан шакллар ясаб юрардим. Мендаги интилишни сезган онам, оғир пайт бўлишига қарамай, бир амаллаб рўзғордан орттириб қалам, қоғоз, бўёқлар олиб бериб, сурат чизишимга шароит яратганди.

Ҳа, она ўзининг сезгир қалби билан фарзандидаги интилишни ҳис этди, ўғлининг орзуси учқунлигича қолмай, алангага айланиши учун қўлидан келганча ёрдам берди. Албатта Абдумўминдаги бу санъатга ошуфталик тасодифий эмасди. Унинг отаси машҳур меъмор, ёғочга шакл ўйиб ишлашнинг устаси эди. Гўзалликка илк муҳаббат унга отасидан мерос бўлиб ўтди. Еттинчи синфни тугатгандан сўнг Марғилондаги педагогика билим юртида ўқиди. Бу ерда расм дарси ҳам ўтиларди. Ана шу ерда у одамлар учун расм санъатининг тарбиявий-эстетик аҳамияти қанчалик катта эканини тушуниб етди. Бироқ онаси вафотидан сўнг моддий жиҳатдан қийналганлиги туфайли қишлоққа қайтишга мажбур бўлди. Шу ерда ўнинчи синфни тугатди. Шундан сўнг икки йил заводда ишлади. Лекин рассомликка бўлган кучли иштиёқи унга бирор дақиқа бўлсада, тинчлик бермасди. 1954 йили Беньков номидаги рассомлик билим юрти борлигидан хабар топади ва унда ўқиш мақсадида Тошкентга йўл олади.

— Бироқ мен кеч қолгандим, — дея эслайди Абдумўмин ака. — Имтиҳонлар тугаб бўлганди. Шунда билим юртининг ўша пайтдаги директори Олег Константинович Апухтин ҳузурига кирдим. У менга битта расм чиздириб кўрди ва шу кундан эътиборан ўқишга қабул қилиндим. Бу менинг, аввало, онамнинг орзуси ушалишига қўйилган дастлабки қадам эди.

Билим юртини муваффақиятли тугатгач, Абдумўмин Репин номидаги Ленинград давлат Санъатшунослик институтининг ҳайкалтарошлик факультетига ўқишга кирди. Институтда рус ва совет реалистик санъат мактабининг юксак намуналаридан сабоқ олди ва буларни кейинчалик ўзбек миллий анъаналари заминида ижодий қўллади.

Ҳар бир истеъдод соҳибининг ўз севган мавзуси, услуби, материали бўлади. Абдумўмин ака-нинг асарларини кўздан кечириб, унинг тарихий мавзуга алоҳида меҳр билан ёндашганининг гувоҳи бўлдик. Доҳиймиз В. И. Ленин портретлари ва бюстлари санъаткор ижодида алоҳида ўрин тутади. Шунингдек, Шарқнинг буюк алломалари Ибн Сино, Беруний, Форобий, Хоразмий, Алишер Навоий портретлари ҳам ўзининг улуғворлиги ҳамда соддалиги билан диққатни тортади.

Ҳайкалтарош ижодий фаолиятининг марказида инсоннинг маънавий олами, мураккаб характери туради. У мана шу ички инсоний характерни шунчаки ташқи ҳикоя орқали эмас, ички ҳаракат орқали очиб беришга интилади. Инсондаги оддийгина ўзгаришлар ҳам унинг назаридан четда қолмайди. Эҳтимол, шунинг учун бўлса керак, Бойматов ижодида портрет алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг ҳар бир асаридан инсонга бўлган самимияти яққол сезилиб туради. Ижодий фаолияти давомида у ўлкамиз меҳнаткашларининг ажойиб портретлари галереясини яратди. Масалан, «Чирчиқхиммаш» заводи ишчиларига бағишланган асарларини кўрайлик. Ҳар бир ишчининг портрети ўзи бир олам. Уларда биз том маънодаги ишчи — инсон, самимий меҳнаткаш билан танишамиз.

— Шундай ҳам бўладики, бир асар устида қизғин ишлаётганимда, оддийгина бир деталь етмай қолади ёки унинг қаеридир табиий чиқмайди. Шундай вақтда иккинчи ишни бошлаб юбораман, — дейди Абдумўмин ака бу ҳақда. — Масалан, «Ғолибларнинг фарзандлари» устида саккиз йил ишладим. «Ғалаба жарчиси» асаримни етти йил давомида бир неча вариантда ишлаб кўрдим. Охири, боя сиз кўрган вариант ўзимга маъқул бўлди.

Шуни айтишим керакки, асарни қанча муддатда ишлаш мен учун асосий нарса эмас. Муҳими, ҳар бир асар орқали фикр айтиш, инсонларни эзгуликка чорлаш, юксак бадиийликкина ҳар бир натурадан олинган асарни ҳақиқий санъат даражасига кўтаради. Устозим Михаил Аркадьевич Керзин: «Бирон товушни эшитсанг, аввало унинг қаердан чиқаётганини аниқла», — дерди. Мен бу фикрга ҳамиша амал қиламан. Асар атрофида айланиб юрмай, унинг мағзини чақиш керак! «Гўзал», деган билан иш битмайди. Ҳамма гап ана шу гўзалликнинг манбаини кўрсатиб беришда.

Абдумўмин ака яратган асарларни кўздан кечириб, уни ҳайкалтарошликнинг шоири, дегим келди. Чунки санъаткорнинг ҳар бир ишидан чуқур лиризм, юксак инсоний эҳтирос, поэтик гўзаллик уфуриб туради. Бу бежиз эмас. Олдинги суҳбатларимиздан бирида санъаткор шоир ва ёзувчиларимизнинг асарларини севиб ўқишини, қийин пайтларда, ижод тизгини қўлга тушмай турганда, уларнинг асарларидан илҳом олишини айтганди. Устахонада бундай шоирона илҳом билан ишланган асарлар анчагина.

Санъаткор монументалист — кенг қамровли тематик асар яратувчи ҳайкалтарош сифатида ҳам кўп ишларни амалга оширган. Кези келганда шуни айтиш керакки, ҳар бир ҳайкалтарош ҳам моҳир монументалист бўлавермайди. Абдумўмин ака эса бу соҳада яхшигина натижаларни қўлга киритмоқда. Бу ўринда, аввало, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг урушда ҳалок бўлган студент ва ўқитувчиларига бағишланган ва 1972 йили очилган ёдгорликни тилга олиб ўтиш жоиз. Шакл жиҳатдан сиқиқ бўлган бу асарда ортиқча деталь йўқ, лекин образлар ғоят ифодали, лўнда ва жиддий.

А. Бойматов ижодида тинчликка даъват мавзуи ҳам алоҳида ўрин тутади. Айниқса, «Тинчлик машъаласи» асари диққатга сазовор. Унда машъалани қўлида баланд тутганча, мағрур қад ростлаган аёл кўзларини олисларга тикиб турибди. У келажакка, янада ёрқин кунларга интилади. Муаллиф кишиларни бу аёл ортидан боришга чорлайди. Абдумўмин ака характеридаги табиийлик, самимийлик, очиққўнгиллик, шу билан бирга, ички бир мувозанат, ўйчанлик, жиддийлик, фикрлар лўндалиги — бари унинг асарларига кўчган.

Санъат, гўзаллик ижодкорининг фикрича, мулоҳаза, чуқур фикрлаш — яхши фазилат. Дадиллик, жасорат, чинакам тантилик ижодкорга кўрк бағишлайди.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Абдумўмин Бойматовнинг кўпгина шогирдлари ўз ижодлари билан халқимизга маънавий мадад бериб келмоқдалар. Равшан Қоратоев, Туркман Эсонов, Маҳмуд Раҳмонбердиев, Азамат Ҳотамов, Мухтор Облоқулов, Соли Қодиров каби ҳайкалтарошлар ҳақида у кувониб сўзлайди.

— Абдумўмин ака, ёшларга қандай тилакларингиз бор? — деб сўрадим ундан.

— Ёшлар, аввало, ҳар бир асар устида ишлаганларида даврни, замонни ҳис қилишларини истардим. Чунки ҳар бир асар ўз даврининг элчиси бўлмоғи лозим. Шунингдек, ҳар қандай қийинчилик, тушунмовчиликларни енгиб ўтиб, ижодлари орқали ўз фикрларини айта олишларини тилайман.

Гулчеҳра УМАРОВА



Ишчи ҳайкали (парча).



Ишчи ҳайкали (парча).

ҚОВУН МУАММОСИ

Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистонда қовун-тарвузнинг юздан ортиқ навлари мавжуд бўлиб, бу шифобахш экинлар узоқ тарихга эга. Лекин бир вақтлар бутун Иттифоққа, ҳатто жаҳонга шуҳрати кетган асл нав қовун-тарвузларни топиш, уни қайта тиклаш ва кўпайтириш масаласи муаммо бўлиб қолмоқда. Бу муаммо нималардан иборат? Биз шу хусусда баъзи фикр-мулоҳазаларни билдирмоқчимиз.

Кейинги пайтларда олимларимиз халқ селекционерлари билан ҳамкорликда йўқолиб кетган эски маҳаллий навларни топиш, қайта тиклаш ва кўпайтиришдалар бирмунча натижаларни қўлга киритмоқдалар. Илмий ходимлардан С. Қўчқоров, А. Клочков ва агроном Ш. Муҳиддинов ҳамкорликда «Сайли» («Боғизоғон») навли қовунни яратдилар. Бу навни «Боғизоғон» совхози далаларидаги тажриба участкаларида экиб, синовдан ўтказилди. Натижа яхши бўлди: сершира, салмоқдор бўлиб, уни баҳоргача сақласа бўлади. Шариф Муҳиддинов яратган «Самарқанд» оқ тарвузи ҳам хўрандаларга жуда маъқул тушаяпти. Иштихонлик халқ селекционери Тиркаш Тожиев қовуннинг «Сариқ бўрикалла», «Дониёри» навини яхшилади. Самарқанд районидаги «Победа» колхозида кўпдан бери йўқолиб кетган қовуннинг «Даҳбеди» навини топишга муваффақ бўлди. Бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти Самарқанд таянч пунктининг вазифаси асосан, янги навларни излаб топиш ва уни синовдан ўтказиб, кўпайтиришдан иборат. Масалан, бу ерда «Оби наввот», «Кўк наввот», «Сайли», «Сариқ гулоби», «Амири», «Аркони», «Бўрикалла», «Хўжабилмас», «Қорақанд» каби қовун навларининг сифатини яхшилаш ва уни оммалаштириш устида кўпдан бери тажрибалар ўтказилмоқда. Иброҳим Қўчқоров, Ҳайитбой Музаффаров, Бурҳон Холиқов сингари илмий ходимлар худди шу хусусда иш олиб бормоқдалар. Соли Хушвақтов, Дилора Ерматова, Нўъмон Эшонқуловлар эса қовун навларига бағишланган диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилдилар.

Қайтадан тикланиб, уруғи кўпайтирилган навларни экиб, гектаридан 300 — 400 центнердан ҳосил етиштираётган самарқандлик Ҳамза Сароев, Аваз Жумаев, Болта Муродқулов, Раббим Раҳмонов, Тўхташ Шарипов, «Самарқанд маликаси» навини яратган пайариқлик Мобихон Ҳошимов сингари тажрибали полизчи деҳқонларнинг ишлари эътиборга моликдир.

— Пункт тажриба участкасида қовун-тарвуз, сабзавот етиштириб, давлатга сара уруғ етказиб бераяпмиз,— деди пункт директори, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати И. М. Ашеров.— Шунинг ўзидан бу йил 120 минг ўрнига 140 минг сўм даромад олдик. 30 гектар ерда қовун-тарвуз ва ошқовоқ, 22 гектарда сабзавот ва 3 гектар ерда картошка етиштирдик. Германия ва Венгрияда ўтказилган кўргазмаларда «Сайли» ва «Наввоти» нав қовунларимизга олтин медаль ва фахрий ёрлиқлар берилди. Уларга сифат белгиси ҳам берилган. Ана шу навларни кўпроқ экиш мақсадга мувофиқдир...

Лекин ҳали республикамиз полизчилигида талайгина камчиликлар, муаммолар мавжуд. Уруғчи хўжаликлар давлатга уруғ сотишни ўйлаб, аҳолини қовун-тарвуз билан таъминлашни унутиб қўяяпти. Масалан, ўтган йили аҳоли жон бошига етиштирилган полиз ҳосили Самарқанд райони бўйича 10, областда 15 ва республика бўйича эса атиги 62 килограммни ташкил этди. Кўриниб турибдики, полиз маҳсулотлари етиштириш Самарқанд областида ҳам, республикамизда ҳам мутлақо қониқарсиз аҳволда. Уруғлик етиштириш эса яхши. Гектаридан 500—600 килограмм уруғлик етиштирилиб, ҳар килограми ўртача 20 сўмдан давлатга сотилади. Бу қовуннинг ўзини сотишга қараганда икки-уч баравар фойдалидир. Энг ширин қовунлар кесилиб уруғи олинади-ю, аммо бозор юзини ё хўрандани кўрмай, ширази зое кетади.

Умуман, нимагадир сўнгги йилларда полизчиликни ривожлантиришга кам эътибор берилмоқда. Масалан, Самарқанд шаҳри атрофида жойлашган Самарқанд ва Булунғур районларида асосий деҳқончилик помидор ва карамдан иборат. Мавсумнинг қисталанг пайтида қабул пунктлари, консерва заводида неча минглаб тонна помидорни қабул қилиб олишга улгурмай, бир қисм ҳосил чириб, сўлиб нобуд бўлади ёки сифатини йўқотади.

Яна бир муаммо шуки, қовуннинг давлат (стандарт) нархи ёзда ҳам, қиш фаслида ҳам бир хил: килограмми 30 тийин. Ахир, савдо ташкилотлари омборларида сақланадиган бошқа маҳсулотларнинг, масалан, олманинг нархи қишда мутлақо фарқ қилади-ку?! Катта машаққат билан қовун-тарвуз етиштирган деҳқон кўнгилдагидек ҳақ олмаса, унда полизчиликка қизиқиш ҳам бўлмайди. Масаланинг бу томонини ҳам ўйлаб кўриш керак. Полизчилик бўйича хўжаликларни ихтисослаштиришга эътибор бериш керак. Кишиларни фақат ёзда ёки куздагина эмас, балки қишда ҳам полиз маҳсулотлари билан таъминлашга эришишимиз лозим.

Аҳоли манфаатини эмас, фақат бозорни, пулни кўзлаган баъзи деҳқонлар полизчиликда ҳануз ғирромлик билан иш тутмоқдалар. Улар тош босса бўлди деб, қовун-тарвузни пайкалдан узиш олдидан селитрага тўйдирмоқдалар. Бунга чек қўйилиши керак.

Қовун — иссиқсевар экин. Сувни кўп талаб қилмайди. Мавсум давомида уч-тўрт марта суғорилса, жўяклари юмшатиб турилса, бас. Қовунни лалми ерларда ҳам етиштириш ва яхши ҳосил олиш мумкин.

Бир вақтлар Самарқанд атрофидаги районларда қишда қовун сақланадиган махсус пахсали омборхоналар бўлар эди. Хоразм томонларда ҳозир ҳам ана шундай қовунхоналар бор. Негадир, сабзавотни қайта ишлаш корхоналарида қовунқоқи қилишга, унинг шарбатини тайёрлашга ҳанузгача мутлақо эътибор берилмаяпти. Бу хусусда ҳам жиддий ўйлаб кўришимиз керак.

Маълумки, ҳосил уруғдан олинади. Шунинг учун у аввало сараланган, соғлом ва халққа манзур тушадиган бўлиши зарур. Парваришда ҳам ҳикмат кўп. Бунинг учун яна бобо деҳқонларнинг тажрибалари қўл келади. Бу тажриба минг йиллар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаяпти. Фақат маҳаллий ўғит, эски девор ўрнига минерал ўғит ишлатилмаса бўлгани. Шунда қовун-тарвузларимиз беғубор, ширин бўлаверади. Шуниси ҳам борки, халқ селекционерлари билан алоқа ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, конкурс ва семинарлар уюштириб туриш, уларнинг тажрибаларини оммалаштириш учун полизчилар мактабини ташкил этиш, полизчилик жонкуярларини рағбатлантириб бориш ҳам, албатта, бу соҳадаги муҳим омиллардир.

Абдусалом МУҲАММАДАЛИЕВ,
Холиқ ҲАКИМОВ

Самарқанд



Мирзачўл механизаторлари. В. Баскаков фотоси

Фан — халқ хизматида

«ОТИН» БЎЛГАН ОТАРЧИ

Ажойиб давримиз дориламон ҳаётимиздан ўтмиш сарқитларини, диний урф-одатларни, зарарли ақидаларни илдизи билан суғуриб ташлашни ва ҳозирги кунларимизга хос бўлган янгича анъаналарни қарор топтиришни тақозо этмоқда. Аммо соғлом фикрли кишиларни баъзан чалғитадиган, эскириб миси чиққан одатлар, расм-русумлар, зарарли диний маросимларга билиб ёки билмасдан амал қилаётганлар ҳам орамизда йўқ эмас. Бирники мингга, мингники туманга деганларидек, жамиятимизга муносиб бўлмаган бундай кимсалар айниқса ёш авлод тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқдаларки, бунга бефарқ қараб бўлмайди.

Яқинда таниш оғайниларимдан бири онасига «пайғамбар оши» бераётганини айтди ва мени ҳам маросимга таклиф этди. Бормай десам оиламга қариндошлик томони бор. Борай десам... Ахир у кампирни яхши танийман: жамият учун заррача фойдали иш қилмаган. Гарчи олтмиш уч ёшга тўлган бўлса ҳам бирор ерда бир дарахт кўкартирдими ёки одамлар қатори бирор ерда ақалли бир йил ҳалол ишладими — буни ҳеч ким эслолмайди. Хўш, у қайси хайрли ишлари учун хонадонига одамларни тўплаб маърака ўтказади? Ё шу баҳонада қилган гуноҳларидан ўзини соқит қилиб, одамларнинг кўзига оппоқ бўлиб кўринмоқчими? Бундай қилишга жамият, одамлар олдида унинг қандай ҳаққи-ҳуқуқи бор?..

Аммо умр бўйи одамларни авраш, юлғичлик ҳисобига яшаган бу нокаснинг қариган чоғида яна қандай ҳийла-найранг ўйлаб топганини ҳам кўриш мақсадида айтилган вақтда ўша хонадонга етиб бордим. Бироқ у ердаги аҳволни кўриб ҳайратдан ёқамни ушладим. Умри «отин» ҳарир заррин либосларда ёш келинчаклардай ясан-тусан қилиб, японча елпуғич билан ўзларини елпиб, «Бой ила хизматчи» спектаклидаги Ҳожи она сингари икки ёққа тебраниб, хизматга келганларга фармон бериб, тилла зебу зийнатларини ҳаммага кўз-кўз қилиб ўтирибдилар. «Ҳой, сен кимсан ўзинг, эгнингдаги бу қимматбаҳо либосу тилла тақинчоқларни қайси меҳнатингга олдинг, Умри кампир?» дейдиган бир мард топилмайди.

Аслида бу кеккайган аёл бирор кун халқ бахт-саодати йўлида хизмат қилган эмас. Бунинг устига, уни ибратли оила соҳибаси деб ҳам бўлмайди. Ўн беш ёшида Аҳмад исмли йигитни йўлдан уриб, унга тегиб олган. Аҳмад Умри билан минг бир азобда йигирма йил яшади. Кейин кўнгиллилар қаторида Мирзачўлни ўзлаштиришга отланди. Аммо Умри чўлга бормайман, деб туриб олди. Эрининг чўлда ишлаб топган пулини тийин-тийинигача шилиб олиш билан чекланибгина қолмай, отарчи йигитлардан таниш орттирди. Улар билан тўй ва базмларда лапар айтиб, ўйинга тушиб юраверди. Ялтоқи эркаклар икки чеккасига қистираётган жарақ-жарақ пуллар Умрини йўлдан оздирди. Аввал ичишни, сўнгра чекишни одат қилди. Уйи, болалари борлиги ёдидан кўтарилиб, кўча-кўйда саёқ юрди. Олти бола ўз ҳолича яшайверди. Катталари кичикларига ёрдам беришди.

Аммо ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Вақти-соати етиб, эри хотинининг хиёнатидан хабар топди. Хотинини бундай тубанлик ботқоғидан қутқариб қолмоқчи бўлди. Афсуски, Умри эрини назарига илмади, унинг сўзларини сариқ чақага ҳам олмай, ўз кўнглини хушлаб юраверди. Аҳмад фарзандларини бу аёллик, оналик шаънига доғ туширган хотин қўлидан ажратиб олмоқчи бўлди. Бироқ бу нокас аёл болаларига: «Оталарингг чўлда бошқа хотинга уйланган, агар сенлар у билан кетсаларинг, кунларингизга итлар йиғлайди. Яхшиси, оталарингг уйга келса, уни қувиб чиқаринглар», деди. Шу тариқа болаларининг онгини заҳарлади. Ота болаларини қўмсаб, уйига тўлиб-тошиб келганида, фарзандлар оналари ўргатгандай, отани уйдан қувишди. Умри энди «эркин қуш» бўлиб олди. Оила инқирозга юз тутди. Қўни-қўшнилар ўртага тушдилар. Аммо оилани қайта тиклаб бўлмади.

Йиллар оқар сувдай бир-бирини қувиб ўтиб кетди. Кўнглининг кўчасига нима келса қилиб, даврини сурган Умри энди отарчиликка ярамай, улфатларидан ажралиб қолди. Шундан кейин қаллоб сотувчилар билан тил топишди. Камёб молларни улардан олиб, устама нарх қўйиб сотаётганида Гулистон шаҳрида қўлга тушиб қамалди. Қамоқ муддатини ўтаб чиққандан сўнг писта, ерёнғоқ, сузма, қурт сотишни одат қилди. Болалар ҳам вақт ўтиши билан улғайдилар. Умри катта қизи Тошгулни ўзига ўхшаган олибсотар, ўндан тўққизни уриб қоладиган айёр-тулки бир йигитга катта қалин эвазига зўрлаб узатди. Сал вақт ўтмай куёв ўғирлик устида қўлга тушиб, олти ойга озодликдан маҳрум этилди. Умри қизини бор мол-дунёси билан уйига кўчиртириб келди. Хотин қўйган тайинсиз бир кимсага қизини яна пуллади. Қизининг аввалги эридан қолган бисотини эса бозорга чиқариб, устама нарх қўйиб сотди.

Оилада ҳукм сурган нопоклик, чиркин тарбия ўз кучини кўрсатмай қолмади. Қалбан қашшоқ, нуқул пул, фойданинг қурбони бўлган бу аёлнинг касри болаларига урди. Катта ўғли Ботир қурилиш техникумини тамомлаб қишлоққа бордию, қурилишда прораб бўлиб ишлади. Кўп ўтмай сохта наряд тузиб, йўқ одамлар номига пул ёздириб олгани ошкор бўлиб судланди. Яна бир ўғли қурилишда ишлаб юриб, қурилиш материалларини ўғирлаб сотаётганида қўлга тушиб қамалди. Яна бир ўғли ТошДУнинг юридик факультетига ўқишга кирди ва уни битирди ҳам. Бу орада аввалги ароқхўр, кашанда, отарчи, олибсотар Умри бирданига атрофдагиларни ҳайратда қолдириб, «отинбиби» ниқобини кийиб олди. Ҳар икки гапнинг бирида йўқ худони бор қилиб кўрсатади, ҳамма воқеаларни унинг номи билан боғлаб, телба-тескари гапларига лақма одамларни ишонтиради. Бу «фариштa хотин» уч-тўрт йил олдин синглиси Ҳурини ўн боласи билан эридан ажратиб олганди. Уларни қайта яраштириб қўйиш учун, эҳ-ҳе, қанчадан-қанча одамлар ўртага тушиб, қимматли вақтларини йўқотмади, дейсиз?

Дунёда она азиз, деймиз. Аммо Умрига ўхшаганларни «азиз» деб бўладими? Умрида жамият учун бир эзгу мақсади бўлмаган, мудом соф қалбли кишиларнинг дилини вайрон қилиб келган бу сатангнинг эндиликда дин ниқобини кийиб, «художўй фариштa» бўлиб олганини қаранг! Ҳамқишлоқларининг собиқ отарчи оғзидан чиқадиган телба-тескари «дуо»ларига ишониб, уйига қатнаётганлари, маъракасида уни ясантириб тўрга ўтқазиб қўйганлари, ўзлари бу ярамас хотиннинг хизматида бўлишларини кўрар экансан, ажабланасан киши. Район суд идорасида масъул вазифада ишлаётган ўғил бугун ишдан қолиб, «оқ сут берган волидаи муҳтарамаси»нинг маъракасига белини маҳкам боғлаб хизмат қилаяпти!

Бутун мамлакат Озиқ-овқат программасини ҳал этиш учун тер тўкиб меҳнат қилаётган бир пайтда у уч юз сўмга жондор сотиб олиб, икки катта қозонда ош дамлаттирмоқда. Буларнинг ҳаммасини юракларим оғриқдан зирқираб, тишимни-тишимга қўйиб кузатиб ўтирибман. Бу ҳам камлик қилгандай, еганича еб, ичганича ичиб, «отин ая»ларига яна чинор умридай узоқ умр тилаб, қайтаётганларида дарвоза олдида яшиклардан пачка-пачка ҳинд чойи, атир совун, ҳар тугунга еттиталаб нон, ҳар қийиқнинг учига етти сўмлаб пул тугиб садақа қилинаяпти. Менинг эса мана шу аҳмоқона маросимга келиб ош еб, бундай жиноятларнинг кўпайишига йўл очиб, бунинг эвазига садақа олиб чиқиб кетаётган туппа-тузук одамларни тўхтатиб, бир-бир сўроққа тутгим, уларнинг гумроҳликларини юзларига айтиб, бир хуморимдан чиққим келарди.

Хуллас, Умри «отин»нинг «юбилей»лари бир никоҳ тўйидан ўтса ўтдики, аммо кам бўлмади. «Отарчи отин»нинг шуҳрати бутун районга ёйилди!

Хар гал бу воқеани эслаганимда баралла овозда шундай деб қичқиргим келади:

— Одамлар! Ён-атрофингизга қаранг, кўзларингизни каттароқ очинг! Сизнинг ҳалоллигингиз, инсонийлигингиз устидан мана шундай заҳархандалик билан кулаётганлар йўқми? Бор бўлса, нега сукут сақлайсиз? Нега гурурингизнинг топталишига йўл қўясиз?!

Ҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ,
журналист

Йўқолсин хурофот!



Жарқўрғон далаларидан «оқ олтин» терган ҳашарчи қиз Дуйнахол Қодирова.

Е. Хўжамбердиев фотоси

«СИРЛИ» ҲОДИСАЛАР СИРИ

«Имоним комилки, хурофотлар — эски ақидалар қолдиғидир, ҳаётга соя солаётган хатоликлар булути эса бир пайтлари тафаккурнинг ўзи яратиб, кейинчалик уларни ўз алангасида куйдириб ташлаган эски ҳақиқатлар кулидан иборат», — деган эди буюк пролетар ёзувчиси А. М. Горький.

Маълумки, кишининг онги қанчалик паст бўлса, у турли хурофий бидъатларга, ирим-сиримларга шунчалик ишонувчан бўлади.

Ҳар қандай хурофот, ирим-сирим негизида эса қатор салбий кечинмалар ётади. Хавфсираш, қўрқиш, ваҳима каби туйғулар шулар жумласидандир.

Табиат ва жамиятдаги баъзи воқеа-ҳодисалар хурофий тушунчага кўра ғайритабиий кучлар таъсирида рўй беради. Шу тариқа тақдири илоҳийга, «каромат»га, кўз тегишига, эзибичкига, кинначига, фолбинга, дам солувчи ва азайимхонга, ҳар хил ирим-сиримларга ишониш, авлиёлар ва мозорларга сиғиниш хурофотга, бидъатга айланиб қолади.

Бидъат ҳамма халқларда, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида учрайди. Табиат ҳодисалари, ўсимлик ва ҳайвонлар, инсоннинг руҳий дунёси, урф-одатлар, турли касалликлар, кийим-кечак, истеъмол қилинадиган овқат билан боғлиқ бўлган бидъатларни истаганча кўрсатиш мумкин. Чунончи, Тожикистонда Кўҳироат тоғи бор. Унинг бағридан доим қуюқ ва аччиқ тутун чиқиб туради. Ер ости ларзага келиб, осмонга учқунлар сочилади. Асрлар давомида авом халқ уни «қудрати илоҳи» ҳисоблаб келган. Баъзилар эса «жинлар макони» деб у ердан нари юрганлар.

Кейинчалик тоғ бағрида катта кўмир кони борлиги маълум бўлади. Кўмир эса миллион йиллардан буён ёниб келар экан.

Бидъат билимсизлик натижаси эканлигини кўрсатувчи яна бошқа мисолларни келтириш мумкин. Жумладан, яқин ўтмишда ўзбеклар помидор, бақлажон, болгар қалампири, қулупнай, малина, смородина каби нознеъматларни емас эдилар. Чунки бу мевалар бошқа ўлкалардан келтирилиб, маҳаллий иқлим шароитига мослаштирилганлиги учун хурофий кишилар уларни истеъмол қилишни таъқиқлаб қўйганлар. Сабзавотлар орасида айниқса картошка кўп машмашаларни бошидан кечирган.

Бунга ҳам бидъат сабабчи бўлди. Мутаассиб руҳонийлар «картошканинг ҳам, худди одамга ўхшаб, боши ва кўзи бор, шунинг учун биз уни истеъмол қилиш билан одамнинг гўштини еган бўламиз», деган бўлмағур гапларни тарқатдилар. Картошка «шайтоннинг олмасидир», деган ёлғон-яшиқ гап-сўзлар ҳам юрган.

Хурофот васвасасига берилмаслик учун киши билимга, мустаҳкам эътиқодга эга бўлиши керак. Машҳур араб мутафаккири Ал-Ғаззолийнинг қуйидаги фикрлари бу жиҳатдан ибратлидир: «Мақсадим ҳақиқатни билишдан иборат. Шунинг учун ҳам чинакам тўғри билим нималигини аниқлаб олишим лозим... Чунончи, мен биламанки, уч ўндан кичикдир. Агар олдимга бирор мўъжизакор келиб, йўқ, уч ўндан катта, мана, мен шу фикрнинг исботи учун қўлимдаги таёқни илонга айлантираман, деса, гарчи у шундай қилган тақдирда ҳам, ҳар қалай, унинг янглишаётганлиги ҳақидаги фикрим собитлигича қолаверади. Мен унинг маҳоратига қойил қоламан-у, лекин ўз билимимдан шубҳаланмайман». Ал-Ғаззолий ҳақ. Илм-фан, ақл-идрок нодонлик, жоҳиллик олдида асло тиз чўкиши мумкин эмас. Илм-фан очиқ-ойдин кўрсатиб турган бир пайтда киши ёлғон уйдирмани ҳақ деб, йўқ нарсани бор деб қабул этиши, муросасозлик қилиши — ҳақиқатни поймол этиш билан баравардир. Бу билан киши ўзига нисбатан ҳам, жамиятга нисбатан ҳам виждонсизлик қилган бўлади.

Ҳа, нарса ва ҳодисаларнинг асл табиати, уларни келтириб чиқарувчи сабаблар аниқланса, бидъатга ўрин қолмайди.

Пировардида шуни ҳам айтиш керакки, кишининг баъзи нарсаларга ишониши, ихлос қўйиши, юзаки қарашда гўё бемаънидек туюлса-да, аслида бунда бир «сир» бўлиши ҳам мумкин. Исириқ тутатишни хурофот деб билиш фикримизга мисол бўла олади. Маълумки, исириқнинг шифобахш хусусияти яқин-яқин вақтларгача тан олинмай келинар, уйда исириқ тутатиш эса эскилик сарқити саналар эди.

Ҳолбуки, олимларимизнинг кейинги тадқиқотлари исириқ таркибида касаллик тарқатувчи микробларни йўқотиш хусусиятига эга бўлган талай шифобахш моддалар, жумладан, гармалин, гармин, гармалол, пеганин алколоидлари борлигини кўрсатди.

Шу тариқа илм-фан нарса ва ҳодисаларнинг туб моҳиятини тобора чуқурроқ ўргана бориб, хурофотга етакловчи нотўғри тушунчаларни фош этади ва халқ онгида тўғри материалистик дунёқарашнинг шаклланишига ёрдам беради.

Зикрилла ЭГАМБЕРДИЕВ,
медицина фанлари кандидати

Танқидчининг чинакам изланишлари самараси сифатида майдонга келган ишларда адабиёт ҳодисаларининг дабдурустдан кўзга кўринмайдиган қирралари очиб берилади, ўтган даврда нималарга эришилганлиги ёритилади. Адабий жараёнда кузатилаётган мавжуд тенденциялардаги истиқболли изланишлар ҳамда дуч келинаётган камчилик — қусурлар кўрсатилади. Шу маънода ҳам адабий танқидчиликнинг моҳияти мазмунини танқид қилиш ёхуд мақташ эмас, балки ҳаёт ва адабиёт ҳодисаларини таҳлил қилиш ташкил этади. Лекин адабий жараёндек мураккаб оламни хилма-хил услуб, турли-туман мавзудаги ўнлаб, юзлаб асарларни ҳар томонлама аниқ таҳлил қилиб, бениҳоя кенг ихлосмандлар диққат-эътиборини ўзига тортиш, уларга маъқул келадиган, кўнгилдаги фикрни топиб айтиш — осон иш эмас. Баъзан мақола ва тақризларни «илмийлаштириб», унинг доирасини торайтириб қўйиш ҳоллари учрайди. Бундай мақолалар адабий танқидчиликни зерикарли қилади, китобхонларни бездиради.

Бироқ бу сингари камчиликлар адабий танқидчиликнинг моҳиятига соя сололмайди.

ТЕРАН ТАҲЛИЛ САРИ

Унинг аҳамиятини теран таҳлилга асосланган ишлар кўрсатади. Озод Шарафиддинов — ўзбек танқидчилигида ўз салобатли овозига эга, жонли, равон услубда ёзадиган мунаққид. Бу устоз танқидчи ўз ўқувчисини масаланинг моҳияти ичига олиб киради, унга ҳар доим янги бир гап айтишга интилади. У билан адабиёт воситасида ҳаёт ҳақида баҳамжиҳат суҳбат қуради. Зотан, ҳар бир танқидчи нимаики ёзмасин, унинг ёзгани ана шундай жозиба кучига эга бўлиши керак.

О. Шарафиддиновнинг «Гўзаллик излаб» деб номланган янги китоби ҳам ана шу хил фазилатга эга. Китобда жамланган мақолаларда шеърият, наср, адабий танқидчилик тўғрисида сўз юритилади. Уларда муваффақиятлар қайд этилган ҳолда, мавжуд камчиликларга ҳам атрофлича тўхталинади. Аммо мақолаларда шундай бир умумий руҳ борки, уларнинг ҳеч бирида танқидчи бирон бир кўрсатма, «ундай қилиш зарур, бундай қилиш зарур», деган буйруқ бермайди. Чунки адабиёт иши, ижод олами — мураккаб ҳодиса. Унинг шеърият ҳақида баҳс этувчи «Йўл бошида», «Шеър кўп, аммо шоир-чи?», наср таҳлилига бағишланган «Характер — бадиийлик мезони» ва адабий танқидчилик тўғрисидаги «Адабий танқид замон хизматида» номли мақолаларида бугунги адабий жараённинг тенденциялари атрофлича ёритилади. Бу мақолалар кузатишларга, янгича фикрларга бой, таҳлилий теран. Масалан, ҳозирги ёшлар ижодининг энг характерли хусусиятларини, уларнинг ўзига хос изланишларини, асарларидаги ютуқлару камчиликлар нимада эканлигини бу мунаққид нозик идрок билан теран таҳлил этиб кўрсатади.

Китоб «Шеърият ҳикматлари», «Насримиз жилолари», «Адабий танқид муаммолари» деб номланган учта бўлимдан иборат. Албатта, ҳар бир бўлимдаги мақолаларни бир-бири билан ўзаро қиёслаганда, уларнинг савияси бир хил эмас. Аммо уларни ўзаро яқинлаштириб турадиган умумий бир руҳ бердиган хусусият бор. Бу О. Шарафиддиновга хос нафосат қирраларини топиш, гўзалликни излаш ҳамда унинг зидди бўлган ҳолатларни рад этиб бўлмайдиган исботлар билан кўрсатишдир. Масалан, ҳозирги ёшлар шеъриятининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида шундай дейилади: «Бугунги ёшлар шеърияти ўзбек поэзиясининг кўп йиллик бой ва ранг-баранг ижодий тажрибаси заминида шаклланмоқда. Қолаверса, ёшлар бу тажрибани ўзлаштириш билан чекланмай, уни қардош халқлар поэзиясининг тажрибаси билан ҳам бойитиб ижод қилмоқдалар. Улар мана шу бақувват заминга таяниб, бугун шоирона сўзнинг янги имкониятларини изламоқдалар, шеърий шаклларнинг ранг-баранглигига, тасвир воситаларининг ўзига хослигига, поэтик образлар системасининг оригиналлигига интилмоқдалар... Улар шеъриятнинг азалий мавзуларини ҳозирги шиддати тез мураккаб ҳаёт нафасига йўғириб куйламоқдалар. Уларнинг асарларида инсон ва замон муаммолари ижтимоий фикрнинг замонавий юксак даражасида туриб талқин қилинмоқда...» Мунаққид бу мулоҳазаларини бир неча шоирларнинг шеърларини таҳлил қилиш, бу шоирларнинг ҳар биридаги ўзига хосликларни очиш орқали исботлайди. Еки «Характер — бадиийлик мезони» мақоласида Эмин Усмонов асарларининг ижобий фазилатлари хусусида сўз юритилгач, «Лекин шуниси ҳам сир эмаски, Эминжоннинг асарлари ана шу фазилатларига қарамай, бугунги ада-

биётимизда катта ҳодиса бўлолмади. Биз уларни китобхонлар қалбида ўчмас из қолдирган ҳар томонлама мукаммал асарлар дея олмаймиз. Бунинг сабаби нимада?..

Сабаби шундаки, Эминжоннинг асарлари бир текисда ёзилмаган. Уларда қиёмига етмаган, авжига кўтарилмаган, сози бузилган ўринлар бор. Айниқса, ҳаёт ҳақиқатининг туб-тубигача кириб, унинг дабдурустдан кўзга кўринмайдиган теран қатламларини тадқиқ этишда, роман ва қисса жанрининг мураккаб структурасини эгаллашда, сўзнинг тасвир ва имкониятларидан кенг ва унумли фойдаланишда анча-мунча нуқсонлар мавжуд. Бироқ Эминжон истеъдодининг рўйрост намоён бўлишига, ижодий имкониятларининг тўла-тўкис рўёбга чиқишига монелик қилаётган асосий нарса характер яратиш масаласи билан боғлиқ», дейилади-да, шундан кейин бадиий характернинг нима эканлиги, ҳаёт ҳақиқатини ифода этишда, инсон қиёфасини бадиий яратишда унинг нечоғлик аҳамият касб этиши борасида сўз юритилади. Танқидчи конкрет асарни таҳлил қилиш ёки ундаги бирорта қаҳрамон, персонаж тўғрисида сўз юритиш орқали жузъий масалалардан умумий муаммоларнинг илдизига йўл очади. Э. Усмонов асарлари мисолида адабий жараёндаги асосий камчиликларни, бадиий тавсирдаги юзакиликларни, ўнлаб роман ва қиссаларнинг ўз-ўзидан унутилиб кетиши сабабларини кўрсатади.

Ёзувчи Асқад Мухторнинг «Бухоронинг жин кўчалари» қиссаси ҳақидаги «Ҳақиқатнинг мушкул йўллари» деб номланган тақриз ҳам асардаги психологик тасвир моҳиятини, қаҳрамоннинг ички портретини яратишда адибнинг ўзига хос маҳорати нимада эканлигини лўнда, равшан таҳлил қилиш билан характерли: «Асқад Мухтор қиссада ўша давр руҳини, манзараларини ҳам, миллий колоритни ҳам яхши бера олган. Бу жиҳатдан, айниқса, асар тили диққатга сазовор. Ёзувчи ўша даврга хос бўлган ибора ва терминларни чуқур ўрганиб, асарда ўринли қўллаган. Айниқса зиёлилар ёхуд руҳонийларга хос хусусиятларни тилда мукаммал ифодалаган. Эҳтимол, баъзи ўринларда бу мукаммаллик тилни оғирлаштирган, бугунги китобхоннинг тушунишини оғирлаштирган ҳам бўлиши мумкин. Аммо бу соҳада ёзувчининг катта меҳнат қилганига, чуқур билимларини, юксак иқтидорини яна бир бор намойиш қилганига тан бериш керак». Бу хил чуқур таҳлиллар «Дунёнинг ишлари», «Қасоскорнинг олтин боши» асарларига бағишланган тақризларда ҳам мавжуд.

Бу мақола ва тақризлар назм ҳамда наср ҳақидаги мулоҳазалардир. Наср, шеърият ёки драматургия адабий танқидчиликнинг объекти. Аммо танқидчиликнинг ўзидаги эришилаётган ютуқ ва йўл қўйилаётган камчиликлар хусусида сўз юритиш нисбатан мураккаброқ. Аммо айтиш мумкинки, О. Шарафиддиновнинг адабий танқидчилик ҳақидаги мулоҳазаларида муҳим ва ибратли фикрлар ўз ифодасини топган. Хусусан, «Адабий танқидчилик замон хизматида» мақоласида 70-йиллар ўзбек танқидчилиги тенденциялари, адабий жараён ривожида илмий-эстетик тафаккур салмоғининг ортиб бораётгани кўпгина мисоллар орқали илмий асослаб берилади.


Мунаққид мақолаларининг яна бир муҳим фазилати шундаки, уларда оҳанг бир бутун. Бошдан охир муайян бир илмий таҳлил руҳи мақолани тутиб туради.

О. Шарафиддиновнинг китобидаги мақолаларда баҳслашиш мумкин бўлган ўринлар ҳам бор, албатта. Гап ёндошишга боғлиқ. Чунки адабий танқидчилик соҳаси бу, аввало, баҳслар, хилма-хил нуқтаи назарлар, қарашлар майдонидир. Бир мунаққиднинг фикри бошқа бир танқидчи ёки китобхонда эътироз уйғотиши мумкин. Чунки кимдир айтган эканки, танқидчи бу — малакали китобхон. У ҳам қайсидир бир масалада ҳаммасининг кўнглидагини топиб, ҳақ гапни айта олиши, баъзида нималардир сабаб бўлиб бир ёқлама фикрларни ёзиб қолиши ёки нималарнидир чуқур тушуниб етмаслиги мумкин. Бироқ ҳақноҳақликнинг даражасини илмий-эстетик таҳлилнинг салмоғи, далилларнинг мантиқ кучи принципиал ва объектив ҳал қилиб бера олади.


Умуман олганда эса, таниқли танқидчи О. Шарафиддиновнинг «Гўзаллик излаб» номли бу китоби ўзбек адабий танқидчилигининг адабиёт ва ҳаёт ҳодисаларини теран таҳлил қилиб кўрсатиш сари тобора ўсиб бораётганидан гувоҳлик беради.

Абдулла УЛУҒОВ

[1] О. Шарафиддинов. Гўзаллик излаб. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1985.



Маррага яқин қолди.
Ф. Қурбонбоев, А. Рисқиев фотоси (ЎзТАГ)



Хатирчи районидаги «Олтинсой» совхози яйловларида. **Н. Муҳаммаджонов фотоси**



ҲАР БАЛО БИР РЮМКАДАН

Отаулла ОҚИЛОВ

ИНТЕРМЕДИЯ

(Саримсоқбойнинг шинам уйи: шкафда биллур рюмкалар, жавонда китоблар терилган. Бурчакда телефон аппарати кўриниб турибди. Уй бекаси Соқияхон майда-чуйда ишлар билан банд. Катта папка кўтарган Саримсоқбой кириб келади ва пала-партиш ечина бошлайди).

Саримсоқбой. Азизим, умр йўлдошим Соқияхон, танижонинг соғми? Бугун шундай чарчадимки, асти сўрама, билимдонлигим бошимга бало бўлаяпти, олдимдан сира одам аримайди. Ҳа, айтгандай, овқатинг тайёр бўлай дедими?

Соқияхон. Ўргилай дадаси, сал эгардан тушиброқ гапиринг. Намунча ўзингизга катта баҳо берасиз. Дадам раҳматлик: камтарга камол, дердилар. Боринг, қўлингизни ювиб келинг, самовар паловни дамлаб қўйдим.

Саримсоқбой. Насиҳат бобида ҳар қандай танқидчидан қолишмайсан, азизим. Бу ўгитларингни албатта инобатга оламиз. Хў...ш, Уста Кашувнинг қўлларидан, Ибн Сино айтган «Минг дардга даво паловхон» еяр эканмиз-да? Ҳа, дарвоқе, паловга мендан, яъни саримсоқдан ҳам ташладингми? У ахир кофар иссиқлик, бизларнинг ёшимизда бундай «дорилар» керак бўлади.

Соқияхон. Сизни шунчалар ҳурмат қилсам ҳам мени камситасиз-а. Бир камим энди Кашшей бўлдимми?

Саримсоқбой. Ана сизга нодонлиг-у. ана сизга палов тарихини билмаслик! Аввало, мен сени Кашшей эмас, Уста Кашув дедим. Бу ном билан минг бор фахрлансанг арзийди. Билиб қўй, илгари палов тайёрлаб, элда обрў орттирган ажойиб уста бўлган, халқ севиб, у кишини Кашув ошпаз деб атаган. У дамлаган ош минг дардга даво бўлган. Ҳа, хотинжон, доносан-у, тарихни билмайсан, мана бу ҳам сенга бир янгилик. Мен замон янгиликлари билан танишмасам, ухлай олмайман. Дарвоқе, боя зинадан кўтарилаётганимда почтачи яшикка газета-журнал солаётган эди. Жон хотин, шуларни олиб чиқ, бадан тарбия бўлади.

Соқияхон. Раҳмат, дадажониси, менга сизнинг тарихингизни билишим ҳам етади, ошпазлар тарихидан бехабарман. Келишингизда почта яшигидан газеталарни олиб чиқмабсиз-да?

(Соқияхон истар-истамас чиқиб кетади, Саримсоқбой шу заҳоти холодильникни очиб, ундан бир шиша ароқ олади, ундан рюмкага қуйиб ичади. Кейин хиргойи қилиб диванга ўтиради. Соқияхон қўлидаги газета-журналларни эрининг олдига ташлаб, овқат сузишга киришади. Сопол лаганда ош олиб келиб столга қўяди).

Соқияхон. Ўғлингиз Чопқирбойнинг бугун спорт машқи бор экан, кечроқ келади. Мана сиз севган саримсоқ, мана мурчланган пиёз, иштаҳангиз карнай бўлсин, тарихчи домла...

Саримсоқбой. Қўлгинанг дард кўрмасин, Соқияхон, сабзини ҳам соч толаси қилиб юборибсан, девзира эса лаганда ўрмалайди. Лекин нимадир етишмайди, топ-чи... Шаҳар бердингми, бўлмаса, мен айтай, исми жисмига монанд хонадонимиз соқийси — Соқияхон қўлидан бир рюмка оби-замзам ичсак, ош билан ўйнаб кўришарди-да. Олиб кел, онаси...

(Соқияхон истар-истамас холодильникдан ароқ олиб келади).

Саримсоқбой. Жон хотин, ўзинг ҳам ярим рюмка ичгин, дохтирларнинг айтишича, қонингда эритроцит кам экан, бу иштаҳа очади, бинобарин, қонингни қўпайтиради.

Соқияхон. «Кар келиштираган бўлар», дейдилар. Сизга ким айтди ароқни даво деб? Аввало, менда бод касали бор, юрагим санчийди, ароқ кони зарарку. Майли, ош бўлсин, ўзингиз ичаверинг.

(Саримсоқбой рюмкага ароқ қуйиб ичиб юборади, башараси буришиб).

Саримсоқбой. Бу нима бало, ароқни газардаги кичик магазиндан олувдингми? Бамисоли сув қўшилган. Бу магазинчи йигит, — биласанми, — жуда олғир, унинг отаси баққол эди, доимо сутга сув қўшиб сотар эди.

(Икки-уч қошиқ ош еган бўлади, кўзлари ўзгариб, маст нуқси кириб қолади, овқатни суриб қўяди. Ранги ўчиб, безовталана бошлайди).

Саримсоқбой. Онаси, мен алланечук бўшашиб кетаяпман, дилим безовта, бошим айланаяпти. Вой-вой, «Тез ёрдам»ни чақир, илдам бўл, манови касофатни *(ароқни кўрсатиб)* йўқот *(стулга суяниб қолади, хотини илдам келиб уни суяб диванга ётқизади, кейин шошилиб телефон қилади).*

Соқияхон. Алло, алло! «Тез ёрдам»ми, тез етиб келинглар. Ҳа, ҳа, юрак хасталиги.

(Соқияхон эрига дори ичиради. У вой-войлаб ўзича бир нималарни гапира бошлайди. Шу пайт эшик қўнғироғи чалиниб, врач билан ҳамшира киради).

Врач. Нимадан шикоят қиласиз? *(касалнинг томирини кўради, қон босимини ўлчайди, ҳамширага эса укол бошлашга кўрсатма беради).*

Соқияхон. *(ҳаяжонланиб)* Ишдан биноийдек қайтдилар, мени газета опчиқишга буюрдилар, овқатни тезлат деб қистадилар, ниҳоят, ўша зорманда бир рюмка...

Врач. Ичкилик — ҳаёт оғуси, саломатлик кушандаси. Эрингиз бир рюмка эмас, кўпроқ истеъмол қилган. Унинг аҳволини бугал ҳам енгиллатишга киришамиз, лекин бу охиргиси бўлиши мумкин.

Саримсоқбой *(бир кўзини очиб).* Болангиздан айланай, ҳаммасини топдингиз, фалокат мени йўлдан урди. Бас энди, билдим: ҳар бало бир рюмкадан экан.

Ҳақир-фикрлар

«Бугун кундузи республикамизда ҳаво очиқ келди, ёғингарчилик бўлмади. Кундузи соат тўртда Урганч ва Нукусда 25, Самарқанд, Бухоро ва Навоийда 27, Тошкент, Жиззах ва Андижонда 28, Термиз ва Қаршида 30 даража иссиқ бўлди... Бугун кечаси ва эртага кундузи обҳавонинг қандай бўлганлигини эртага кечқурун маълум қиламиз».

(Об-ҳаво маълумоти ҳақидаги эълондан)

«Яқинда ён қўшним электр счетчигини чаппасига ишлатиб юборгандан кейин мен афсунга ишонадиган бўлдим».

(Қулоққа чалинган гап)

«Автобусда бир олифта оёғимни қаттиқ босиб олди. Узр сўраса керак деб, юзига қарасам: «Нима, оёғингни боссам, ўлиб қолдингми!» деб қўполлик қилди. Мен «Йўқ, тирикман», деб башарасига шапалоқ тортиб юбордим».

(Тушунтириш хатидан)

«21 ёшга тўлмаган кишиларга «Тройной» атири сотилмайди».

(Магазинга ёпиштирилган эълон)

«Қизим билан келинимни ўзим мудирлик қилаётган аспирантурада олиб қолган эдим, хотин-қизларнинг илм олишига қаршилик қилаётган ғаразгўй кишилар институт ректорига ариза берибди».

(Худбин кишининг шикояти)

«Пора олаётганда бисмиллоҳи раҳмонур раҳи-и-им десам ҳам қўлга тушиб қолдим».

(Порахўрнинг пушаймони)



— Дадамга айтинг: «Жигули»да юришга уяламан, «Волга»сини юборсин!

ҲАЖВИЯЛАР

КЕСАК

Жумабой ота ҳисоблаб кўрса, пенсия олмаганига уч ой бўлибди. У белини ушлаб ўрнидан тураркан, ҳассаси билан таҳдид қилди:

— Тупканинг тегидаги Архангельскда хизмат қилаётган неварамдан хат бир ҳафтада келсаю, бурнимнинг тегидаги собестдан салкам юз кунда хабар бўлмаса! Ҳа, юмшоқ столда ўтираверириб қуйруғи оғирлашиб кетган сансоларчиларнинг!

Ота ҳассасини дўқиллатиб йўлга тушди. Идорани топиб, мудраб ўтирган район таъминот бўлими мудирига пенсия дафтарчасини узатди. Егли юзлари ялтираб турган бўғирсоқдай йигит дафтарчани варақлаб, кўзини юмди:

— Нима керак, бобой?

— Кўзни очиш керак, тўрам, — деди қария енгини шимариб. — Нега уч ойдан бери пенсиям бормайди?

Мудир семиз дафтарни варақлади:

— Фамилиянгиз?

— Тошматов.

— Исмингиз?

— Жумавой.

Бўғирсоқ қизил қалам билан савол аломати қўйилган фамилия тагига тирноғини ботириб, кўзини юмди:

— Пенсия берилмайди!

— Нима учун берилмас экан?

— Паспортда исмингиз Жумавой, книжкада эса Жумабой ёзилган. Тарихдан бизга маълумки, бир буйруқда вергуль нотўғри қўйилгани учун бегуноҳ киши ўлиб кетган. Нуқта, вергулда гап кўп, бобой.

Ота дармонсизланиб, столга суянди:

— Мен нима қилай бўлмаса?

— Исмингизни Жумавой қилиб ўзгартиришингиз керак.

— Уни мен эмас, шаҳардаги катта мактабни битириб келган уста Мўминнинг невараси ёзган ахир!

— У билан менинг ишим йўқ.

Жумавой ота пенсия дафтарчасини рўмолчага ўраб, қўйнига солди.

— Баракалла, иним!

— Арзимайди, — деди мудир камтарлик билан.

Ота эшик томон юраркан, ўзича дер эди:

— Итбаликдай тиниш белгиси бир бечоранинг ўлимига сабабчи бўлган эмиш. Ўзинг-чи? Сенга ўхшаган тўралар одамларни сарсон-саргардон қилиб ўлдиради. Э, дарди йўқ кесак!

МЕРГАН

Бўрон-мерган неварасини боғчага жойлаштирмоқчи эди, пилладай тўлишган мудира: «Эртага келинг, жой йўқ» деб галга солаверди. Овчи халқининг жаҳли тез эмасми, вулқондай отилиб кетди:

— Ҳой, отанг тенги кишини сарсон қилгани уялмайсанми? Билиб қўй, мен совчи эмасман, овчиман!

Боғча мудираси хафа бўлиш ўрнига гулдай яшнаб кетди:

— Вой амакижонимдан ўргилай, ҳали овчиман денг? Шуни боя айтмайсизми? Албатта жой топамиз қўзичоғингизга. Ҳой, Мукофотхон, бу ёққа қаранг.

Мерган қўлини оғзига қопқоқ қилиб ёлғондакам йўталади:

— Баракалла, қизим, баракалла, иложи бор экану. Хў-ш, каминага қандай хизматлар бор энди?

Мудира мерганнинг соқолига қўл теккизиб, ўз бармоқларини ўпди.

— Сира овора бўлманг, отахон. Отрез ҳам керак эмас, атлас ҳам... Бордию жуда кўнглингиз бўлмаса, уч-тўртта тулки тери топиб бера қолинг, қизимга шуба тиктирмоқчи эдим.

Бўрон мерган: «Бу тилло қўғирчоқ кўпларнинг терисини шилганга ўхшайди», деб кўнглидан ўтказди-да, бошини хиёл эгиб, қўлини кўксига қўйди...

Бўрон ака эртасига барвақт келиб, боғча мудирасига совғани узатди. Жувон энтикиб, тугунни очдию сурпга кўзи тушиб, илондай вишиллади:

— Бошимга ураманми бу матоҳингизни, йўқотинг кўзимдан!

— Берганнинг бетига қарама деганлар, олаверинг, қизим.

— Бўри билан тулкини оғизда отиб юрган экансиз-да, овчи амаки! — заҳарханда қилди мудира.

— Илож қанча, тулки тулкилигини қилди, отолмадим. Қуруқ бормай деб...

Мудира унинг гапини бўлди:

— Раҳмат, совғани ўзингиз пайтава қила қолинг!

Бўрон мерган ҳукм ўқиётган судьядек дона-дона қилиб жавоб берди:

— Ҳозир порахўрлар ўзларига оқ сурп тайёрлаяпти, олаверинг, бирор корингизга яраб қолар...

Абдулла ИСОМИДДИНОВ



Фотограф: — Бошингни нари торт, галварс!

НАФСИНГ УЧУН ҚУРБОНМИСАН?

(Қасамига хиёнат қилган, порахўр ва тамагир врачга)

Оқ халат устингда, аммо шунча бевиждонмисан?
Нафси бад бир кимсаю онт-ваъдаси ёлғонмисан?
Қайдан ҳам суқдинг бошингни бу муборак соҳага,
Соғ баданлар офати, айниб бузилган қонмисан?
Келтириб иснодлар устод ҳакимлар касбига,
Зоҳиринг олимга ўхшаш, аслида нодонмисан?
Йўқ хаёлингда жамоат олдида қарздорлигинг,
Ҳамма олғир муттаҳамлар дардига дармонмисан?
Сенга кўз тиккан одамлар дардига юз дард қўшиб,
Баъзисин паққос йиқитдинг, шунчалик
«полвонмисан»?!
Инграган бемордан ҳам бир нарсани қилдинг таъма,
Бу жаҳонда энг ашаддий бағри тош инсонмисан?
Дору дармону ўринлар ота-онанг мулкими?
«Молу дунё орттирай деб», шунчалик сарсонмисан?
Бу ҳаромхўрлик туфайли эларо шармандасан,
Уз жонингга душману нафсинг учун қурбонмисан?

Жўра АҲМАДЖОН

Самарқанд

ТОПДИМ

(Бир бюрократ ҳажвида)

Узидан катта раҳбарга мулойим жилмаяр топдим,
Қўлида ишлаганларга қўтосдек ҳурпаяр топдим.

Адолатга фидойидек рўкач айлайди қонунни,
Вале қонуннинг ҳарфидан тамоман бехабар топдим.

Кимики бўлса ҳожатманд, ўшанга ўшқирар, расво,
Кўмак ўрнига элга «агар» бирлан «магар» топдим.

Қоғозга саждалар қилмиш, риё қавмига саркордек
Қоғоздан тоғ ясар чаққон, қоғозбоз дардисар топдим.

Ниқобли у совуқ турқин, чиркин сиррин тутар махфий,
Мунофиқ тулкидек топқир, ғаройиб ҳийлагар топдим.

Чиқиб чиркин гадо бу қориндор янги Ишкамба,
Азиз меҳнаткаш аҳлига адабсиз дилбузар топдим.

Дағаллик унда сут ҳаққи, қўполдин тўнка айлансин,
Тубанлик масканида беҳаё-ю бекамар топдим.

Бутун иғво-ю ғийбат, фитна, фисқу фужур унда,
Этиб тафтиш ҳаётин, зотини чин бесамар топдим.

Ҳажв айлаб, Замоний, элга бегона баттолни,
Кибрларни даволашга асл зиддизаҳар топдим.

Маҳмуджон НУРМАТОВ

Қ. Раҳмонов чизган расмлар

ЛАТИФА

— Тавба, мушукни осмонга отсанг ерга оёғи билан тушганидек, амал курсисидан йиқилган Шохбозов аллақандай институтга жойлашиб олибди, — деди Афандининг қўшниси ёқасини ушлаб.

— Унинг ҳам елкасини силайдиган оғалари бордир-да, — деб жавоб берди Афанди.

КОЛУМБ ЖУМБОҒИ

Лима. Тарихдаги энг улкан географик кашфиётчилардан бўлган Христофор Колумбнинг дастлаб Америка қитъасининг қайси ерига қадам қўйганлиги ҳануз олимларда, саёҳатчиларда ва бошқа мутахассисларда қизиқиш уйғотиб келмоқда. Бу нарса Колумб кундалигининг асл нусхасида аниқ кўрсатилган бўлиши мумкин. Лекин Колумб саёҳатдан қайтгандан кейин, яъни 1443 йилда ўз кундалигини Испания қироличаси Изабеллага берган эди. У эгасига қайтарилмасдан йўқолганга ўхшайди. XVI асрда яшаган тарихчи Бартоломе де лас Касасанинг мазкур кундаликнинг иловалари келтирилган солномасида эса саёҳатчининг илк бор Янги дунёнинг қайси жойига қадам қўйгани айтилмаган. 1942 йили америкалик таниқли тарихчи Самуэль Элиот Морисон Колумб Уотлинг оролига тушган эди, деган хулосага келгач, бу хусусдаги мунозарага чек қўйилган эди.

Яқинда эса АҚШ Миллий география жамияти: Христофор Колумб Уотлингдан 104 километр жанубий-шарқдаги ва 14 километр қурукликдаги Кайо Самана оролчасига чиққан эди, деган хабарни эълон қилди. Беш йил давомида катта ҳажмдаги архив ҳужжатлари ўрганилгач, шунингдек, де лас Касаса солномаси янгидан таржима қилингандан кейин шундай хулосага келинди.


ҚУМҒОНДАГИ ХАЗИНА

Бу сафар Украина Давлат тарихий музейи голографик лабораторияси ходимларининг экспонат келтириш учун узоққа боришларига ҳожат қолмади. Музей биносини таъмирлаш — қайта қуриш пайтида ремонтчи-қурувчилар тахта пол остидан сопол қумғон топиб олдилар. Топилмани ҳар томонлама ўрганиш учун дарҳол УССР Фанлар академияси Археология институтидан мутахассислар чақирилди.

— Кутилмаганда топилган бу хазина ўн иккинчи асрга тегишли экан,— дея ҳикоя қилади мазкур музейнинг археология бўлими катта илмий ходими В. Павлов.— Топилган нарсалар гоят қимматбаҳо. Қадимий рус аёллари бош кийимига қадалган тақинчоқлар, уч мунчоқли исирғалар, маржонлар, ялпоқ бўлакчалардан ишланган билакузуклар — ҳаммаси бўлиб қирқтага яқин буюм шу музейнинг ўзига экспонат қилиб қолдирилди.

ДАСТЛАБКИ НОН

Яқинда Швейцариянинг жанубий қисмида олиб борилган археологик қазилмалар вақтида топилган нарса фан оламида анча-мунча шов-шувга сабаб бўлди. Махсус текширишлардан сўнг маълум бўлдики, топилган нарса — қорайиб бир парча тошга айланиб қолган нон экан. Демак, бу Европада ёпилган энг қадимий нон бўлиб чиқади. Мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларига кўра, ана шу нон милоддан аввалги тўрт мингинчи йилда пиширилган...



КРОССВОРД

Энига: 7. Физика фани бўлими. 8. Рангли металл. 9. Ой номи. 10. Балиқ тури. 13. Тақинчоқ. 14. Сув оқими бўйлаб маълум масофада қурилган электр станциялар мажмуи. 15. Атоқли совет биохимик олими. 16. Таниқли совет авиаконструктори. 20. Қадимги юнон механиги ва математиги. 24. Табиат ҳодисаси. 29. Коинот жисми. 30. Машҳур инқилобий крейсер. 31. Мўғулистондаги чўл. 32. Тожикистондаги санаторий. 33. Ҳаётдан тўла мамнунлик, иқбол. 34. Ғарбий Сибирдаги область. 35. Тожикистон ССР халқ шоири.

Бўйига: 1. Йўл-йўл миллий газлама. 2. Шарафли касб, «оқ олтин» ижодкори. 3. Миллий ширинлик тури. 4. Машҳур ўзбек кинорежиссёри. 5. Безак буюмлари тайёрлашда ишлатиладиган рангли минерал. 6. Атоқли рус совет биолог олими, селекционер. 11. Ҳидсиз газ. 12. Радиоактив элемент. 17. Эстониядаги шаҳар. 18. Инқилоб арафасида яшаб ижод этган ўзбек шоираси. 19. Ватанимиз шимолидаги кўл. 21. Саноатда ишлатиладиган заҳарли ёнувчи газ. 22. Классик шеърий жанр. 23. РСФСР таркибидаги областлардан бири. 24. Ҳар жиҳатдан етуклик, мукаммаллик. 25. Автоном республика. 26. Гул тури. 27. Жун газлама. 28. Ўсимликдан олинадиган оҳор модда.

Тузувчи **Фозилжон ОРИПОВ**

10-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

Энига: 1. Икромий. 4. Вильнюс. 9. Олай. 10. Босволди. 11. Бақа. 14. Карам. 16. Азиза. 18. Азов. 20. Обаки. 21. «Одина». 22. Меҳнатобод. 26. Акробатика. 29. Грамм. 30. Брест. 31. Омск. 32. «Демон». 34. Астат. 38. Айиқ. 39. Тепловоз. 40. Арпа. 41. Фабрика. 42. Шафтоли.

Бўйига: 2. Кран. 3. Ирода. 5. Илдиз. 6. Юган. 7. Помидор. 8. Марокаш. 12. Гажим. 13. Взвод. 15. Магнитофон. 16. Автоматика. 17. Наманган. 19. Николаев. 23. Ейск. 24. Оҳак. 25. Агрегат. 26. Ампер. 27. Абхаз. 28. Отчопар. 33. Очерк. 35. Смола. 36. Хина. 37. Орол.

МУҚОВАДА

Биринчи бет: Тошкент отчопарида ҳосил байрами. Андижонлик пахташунос олимлар — Музаффар Азизов (ўнгда) ва Афанасий Ким (ўнгда, тепадан биринчи суврат).

Меҳнат шукуҳи.

Андижон область, Ленин районидаги узумзор кўча.

— Бувимнинг ёнига кетаяпмиз!

Паға-паға ёғса қор
Кўнгилда яшнар баҳор!

Иккинчи бет (биринчи сурат): Ленин ордени нишондори, Навоий шаҳар қурилиш ташкилоти сайқалчилар бригадаси бошлиғи Галина Подворчан бригада аъзолари билан.

Учинчи бет (биринчи сурат): Хева гилам комбинатининг тўқувчиси, Коммунистик меҳнат зарбдори Раъно Нурматова.

Тўртинчи бет: «Андижанка» командаси аъзолари — учинчи марта СССР чемпиони бўлдилар.

Ер юлдузлари.

М. Пенсон ва Р. Шагаев фотолари

Редакцияга келган бир босма тобоққача материаллар авторларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Журналнинг бу сонидаги айрим материалларни тайёрлашда «Правда», «Известия», «Комсомольская правда» газеталари ҳамда «Вокруг света» журналидан фойдаланилди.

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: С. АЗИМОВ, Б. АМИНОВ, Н. ИБРОҲИМОВ, М. МЎЙДИНОВ, А. САИДУМАРОВ, С. ШЕРМУҲАМЕДОВ, А. ҚАЮМОВ, М. ҚЎШМОҚОВ (масъул секретарь), О. ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳ. ҲУСНИДДИНХЎЖАЕВ, К. ЯШИН.

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.


Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат, маданият бўлимлари — 33-36-52; рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмахонага туширилди 22.10.86 й. Босишга рухсат этилди 27.11.86 й. Р-11100. Қоғоз 70×108 1/8. Офсет усулида босилди. Фотонабор. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 201809. Буюртма 5012. Нашр — А-120.


Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.



Тўқувчи.



Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдураҳмон Жўраев.



«Руслан» самолёти.

Р. Шагаев фотолари (ЎзТАГ)



Баҳоси 35 тийин
Индекс 75233.
ISSN 0134—2207

